

АБДУРАУФ ФИТРАТ

АДАБИЁТ ҚОИДАЛАРИ

*Адабиёт муаллимлари ҳам адабиёт
ҳаваслилари учун*

Нашрга тайёрловчи, сўз боши ва изоҳлар
муаллифи филология фанлари номзоди
Ҳамидулла Болтабоев

ТОШКЕНТ «ЎҚИТУВЧИ» 1995

Маъсул муҳаррир: Ўзбекистон Фанлар Академиясининг мухбир
аъзоси *Бахтиёр Назаров*

Φ 4603010000—93
353/04/—95 158—95

© «Ўқитувчи» 1995

ISBN 5—645—02364—1

ПРОФЕССОР А. ФИТРАТНИНГ НАЗАРИЙ ҚҰЛЛАНМАСИ

Навоий даврининг нуктадон мунаққидларидан бири — Зайнуддин Маҳмуд Восифийнинг нақл қилишича, ҳазрат Мир Алишер Навоий «шეършуносликни шоирликдан ҳам улуғ сифат» деб қадрлаган эканлар¹. Бир шеър ўқиб магзини чақиш, унинг қатида ётган инжа сирларидан огоҳ топиб, буни бошқаларга англатиш салоҳияти чиндан ҳам улуғ, ҳар кимга ҳам насиб қила-вермас хислатлардандир. Лекин ёлғиз биргина шеър таҳлили билан чекланиб қолмай, бутун шеъриятнинг гўзалликлари, унинг соҳири сиру асроридан хабар то-пиб, ўз замондошларини ҳам нафис адабиёт дунёсига етаклаш шоир айтган улуғ сифат — «фикри комил»лик билан бирга юксак фасоҳат ҳам талаб қиласди. «Фасоҳат,— деб ёзади нозик шеършунослардан бири Ботирхон Акром,— шеърий нутқ гўзаллиги, унинг хос инжа қонун-қоидалари»²дир. Бироқ адабиётшунос учун «юксак фасоҳат» билан баробар ўзи тагига етган «мантиқи солим»ни оммага тушунтиришда гўзал тил ва бетакрор услугуб ҳам даркор эканки, буни профессор Фитратнинг назариётчи олим сифатидаги тажрибаси далиллайди. Бундан олтмиш беш йил аввал тартиб берилган «Ада-биёт қоидалари»³га тақриз ёзган Ойбек домла олимда-ги ўша салоҳиятни нозик илғайди: «...китобнинг яна бир хусусияти адаб Фитратнинг жозиб, гўзал услуби-дир»⁴.

Хуллас, ўз даврида «мактаб ўқувчилари учун гўзал қўлланма бўлган» (Ойбек тақризидан) эса-да, 20-йил-лар бетўхтов «адабий жанжал»ларининг қаҳрамонла-ридан бири саналган мўъжазгина бу рисоланинг си-

¹Зайнуддин Маҳмуд Восифий. «Бадойиъ-ул-вақсеъ». Тошкент, 1979, 126-бет.

²Ботирхон Акром. «Фасоҳат мулкининг соҳибқирони». Тошкент. 1991, 5- бет.

³Фитрат. Адабиёт қоидалари. Адабиёт муаллимлари ҳам ҳавас-лилари учун қўлланма. Тошкент, 1926.

⁴Ойбек. «Адабиёт қоидалари». «Қизил Узбекистон», 1926 йил 3 декабрь. Ойбек. Мукаммал асарлар тўплами. XIV том, Тошкент, 1979, 40-бет.

фатларидан сўз очишдан аввал ўша давр адабий ҳаётига қисқа назар солайлик.

Ўзбек адабиёти, хусусан, драматургиянинг тамал тошини қўйган, ғанимлар қўлида бевақт шаҳид бўлган Беҳбудийнинг ҳали тупроғи совимай туриб, унга таъна ва дашном тошлари ёғилди. Ўзбек романчилик мактабини яратган Абдулла Қодирий «Ўткан кунлар»-ини тўла нашр этмай туриб, «ур-калтаклар» остида қолди. Шеъриятда Чўлпон ёғдуси чарақлаб нур соча бошлаганда, унинг анворидан кўзи қамашган кимсалар «танқид» ниқоби остида уни тошбўрон қила бошлиди. Фитратдай атоқли олим ва адабни Москвага суриб, бир оз нафасини ростлаган ҳамкаслари яна қайта ҳужумга ўтган 20-йилларнинг ўрталари эди бу давр. Адабий танқид эса, янги босилиб турган бадиий асарларни китобхон ҳали ўқиб улгурмай туриб, «марксистик установка»дан туриб текширишга киришган ва «совет турмуш тарзини яхши акс эттиргани учун улар тагига сув қуиши билан банд эди.

Ана шу тўфони кунларда адабиёт назарияси соҳасидаги дастлабки куртаклар А. Саъдийнинг ўрта мактаблар учун ёзган дарслер ва мақолалари¹, В. Маҳмуднинг «Бугунги шеърларимиз ва санъаткорларимиз» номли туркум чиқишилари² кузатилди.

Отажон Ҳошимнинг дастлабки тадқиқотлари³ «Ўзбек адабиётининг ҳозирги муҳим масалаларидан» сўз очишига журъат этган Сотти Ҳусайннинг илк мақолалари⁴ эълон этила бошлиди. Бироқ ҳали бу тадқиқотлар жуда фўр, ўз миллий адабиётшунослиги тўплаган минг йиллик тажрибани айрим Farb мафкурачиларининг «ижтимоий ғоя»ларига айирбошлаб, санъат табиатидан узоқ тушунчаларни гўзал санъатлар дунёсига боғлаш учун бош қотираётган урунишлар эканини унутиб бўлмайди. Бу каби мақола ва ишларни эслаган сайин (биз уларнинг айримларинигина келтирдик), улар орасида Фитрат китобининг ўрни аниқроқ кўрина-

¹ А. Саъдий. «Амалий ҳам назарий адабиёт дарслари». Тошкент, 1924; «Гўзал санъат дунёсида», «Инқилоб», 1922, 2-сон; «Адабий ижод майдонида», «Ўзгаришчи ёшлар», 1924, 7-сон.

² В. Маҳмуд. «Бугунги шеърларимиз ва санъаткорларимиз». «Маориф ва ўқитувчи», 1925, 3-сон.

³ Отажон Ҳошим. Диалектика ва диалектик усулда ўйлаш // «Маориф ва ўқитувчи», 1925 3-сон.

⁴ Сотти Ҳусайн. Ўзбек адабиётининг ҳозирги муҳим масалалари // «Қизил Ўзбекистон», 1929, 25, 28 январь.

ди ва сезгир китобхон, Фитрат ёзгандаи, ихчам бир назарий умумлашмалар берадиган қўлланмага эҳтиёж туғилганини илғаб олади.

Бундан ташқари, бу даврда мактаб ва маориф соҳасида ҳам фидойи миллатпарвар адиларнинг адабиётдан «дарс китоблари» яратилди, чунончи, А. Авлонийнинг «Биринчи муаллим», «Иккинчи муаллим», Ҳамзанинг «Ўқиши китоби», «Қироат китоби» дарсликлари, мумтоз ва ҳозирги адабиётдан сабоқ берадиган бир неча баёз ва мажмуалар жамланди¹. Вақтли матбуот саҳифаларида «янги замон шоирлари»нинг сабоқ бўларли шеърлари босилиб турдикси, буларнинг ҳаммаси қандайдир ибтидоий тарзда бўлса ҳам бирор илмий рисолада назарий жиҳатдан умумлаштирилиши лозим эди. Бу давр эҳтиёжига қўлланмадан жавоб топган Ойбек: «бу китоб ҳозирги адабий ҳаётимизнинг суст даврида муҳим бир нарсадир. Адабиёт дарсликларига эҳтиёжи зўр бўлган мактабларимизга ҳар ҳолда бирмунча ёрдам кўрсатди», деб ёзади².

Давр эҳтиёжидан ташқари, Масковдан профессор бўлиб қайтган, 40 ёшлилар бўсағасидаги етук олим Фитратнинг ижодий йўлида бу каби назарий умумлашма китобнинг туғилиши қонуний эдикси, буни адилнинг бу даврга қадар яратган ўндан ортиқ шеърий ва насрый китоблари, фалсафий-ахлоқий йўналишдаги рисолалари далиллайди. Қолаверса, бу ёрқин истеъодд соҳиби ўзининг зиддиятли ҳаёт йўлида театр ишқибозлигидан ўнга яқин «томоша» асарлари саҳнага чиққан машҳур драматург, журнал ва газеталарни яширин ўқиб юрган оддий газетхондан бир неча нашрлар муҳаррири, мадрасадаги толибликтан Бухородагина эмас, балки Истанбул, Масков ва Петербургдаги олий илмгоҳларда маърузалар ўқиган мударрис, оддий жадидчиликдан жумҳурият Нозирлар кенгаши раисининг муовинигача бўлган масъул вазифаларда ишлаган ташкилотчи бўлиб ҳам танилди. Шулар билан бирга Фитрат бу даврга қадар адабиётшуносликка оид талайгина тадқиқот ва мақолалар яратиб ҳам улгурдикси, ўз навбатида, «Адабиёт қоидалари» учун ўзига хос хамиртуруш вази-

¹ Элбек, «Армуғон». Тошкент, 1921; «Гўзал ёзғичлар». Тошкент, 1924.

² Ойбек. «Адабиёт қоидалари», Муқаммал асарлар тўплами, XIV жилд, 40- бет.

фасини ўтаган илмий ишларнинг асосийларини шу ўринда эслаш жоиз кўринади.

Фитрат 1917 йилда «ибтидоий мактабларнинг сўнг синф ўқувчилари учун» дарслик тайёрлаб¹, унда адабиётнинг энг умумий ва асосий жиҳатларини баён этди. Унга Навоий, Бобур каби мумтоз шоирлар ижодидан тортиб, XX аср ўзбек адабиёти вакилларигача намуналар киритиб, адабиётдан ўзига хос «сабоқнома» тайёрлади.

1918 йили Фитрат ташкил этган «Чифатой гурунги» тўғараги тил, имло ва санъет масалалари билангина чекланмай, Чифатой адабиётининг вужудга келганидан тортиб, унинг замонавий кўринишигача бўлган улкан тарихини дунёга танитишда жиддий фаолият кўрсатди. Олимнинг «Шеър ва шоирлиқ» адабий мубоҳасасида² «шеърни шеър қилган вазн ва қофиягина эмас, унинг гўзаллик қонуниятларига асосланадиган қатор бадиий сифатлари борлигини» тушунтириди.

Айни шу йилларда туркий халқлар яратган бой маънавий меросини тўплаш, ўрганиш ва нашр қилиш ҳаракати бошланди. Бу фаолиятнинг илк меваси сифатида «Инсоният ҳақида Навоий қандай фикрда?» рисоласи дунёга келди (рисолада муаллиф номи кўрсатилмаган бўлса-да, унинг услуби ва замондошларининг шаҳодатларидан келиб чиқиб, бу асар Фитрат қаламига мансуб эканини исботлашга урунгандик)³. Рисолада Навоий ижоди, инсон мавзуси борасидагина эмас, балки Навоий ва тасаввуф, Навоий ва бадиий ижод, шоирнинг санъаткорлиги хусусида ҳам чуқур кузатишлар мавжуд.

Фитратнинг Масковдалик даврида улуғ Шарқ Муттафаккири ҳақида «Бедил» бадиҳаси чоп қилинади⁴. Асарда муаллиф маънавий ҳаётимизда кенг тарқалган «бедилхонлик» тасвири баҳонасида улуғ шоирнинг фалсафаси, тасаввуфга муносабати, у ёзган асарларнинг таснифи, шоирона услубини ғоят нозиклик билан таҳ-

¹ Фитрат. «Ўқув. Ибтидоий ўрта мактабларнинг сўнг синфлари учун». Боку, 1917.

² Фитрат. Шеър ва шоирлик // «Иштирокион» 1919, 24, 25 июль, 1, 30 август.

³ Инсоният ҳақида Навоий қандай фикрда? «Мусулмон иштирокион фирқаларининг ўлка бюроси ҳузуридаги нашриёт шўъбаси». Тошкент, 1919. Бу ҳақда қаранг: Х. Болтабоев. «Мир Алишер Навоий Фитрат талқинида» «Узбек тили ва адабиёти», 1992, 1-сон.

⁴ Фитрат, «Бедил» (Бир мажлисада). Москва, Миллат ишлари Комиссарлиги қошидаги марказий «Шарқ» нашриёти, 1923.

лил этиб, чуқур хулосаларга келади. Бу китобда муаллиф баён қилған назарий умумлашмалар доираси биргина Бедил ижоди доирасида қолиб кетмайды: «Бедил мутафаккир бир адидир. Унинг сўзларида биз учун унумли кўп фикрлар бор... Ҳар нарсага юзадангина қараб ҳукм қилгувчи бизлар бунга ҳам юзадангина қараймиз. Унинг сўздаги усталикларига, кучига, ҳунарига, ўйинларига бериламиз. Бутун «вой-вой»ларимиз, «оффарин»ларимизни Бедилнинг сўзлари учунгина айтамиз. Унинг туб фикрларини эса, ҳеч тушунмаймиз ё тушунмак истамаймиз. Бедилнинг биз учун-да, ўзи учунда муҳим фикрларини ажратмоқ, тортиб кўрмоқ, сараламоқ, муноқаша қилмоқни керак топмаймиз»¹. Фитратнинг бу истеҳзосидан сезиладики, бадий асарни тушуниш фақат ундан таъсирланиш, завқ олиш учунгина эмас, балки унинг замиридаги фикрларни ақл тарозусида тортиб кўрмоқ, уни замондошлари ижоди билан муқояса қилиб, шоирнинг «туб тилак»лари орқали ифодаланаётган ҳақиқатни топмоқ ва бошқаларга англатмоқ ҳамдир. Фитрат Бедил асарлари таҳлилида бунга эришган бўлса ҳам, энди ана шу шеърият масалаларини кенг миқёсга олиб чиқиш ва бадий асар таҳлилига оид шахсий тажрибаларини ўз замони билан пайвандлаб, китоб шаклида умумлаштиришга журъат этди.

Адид «Адабиёт қоидалари»да кўпроқ мақсадни бадий асарнинг таҳлилий жиҳатига қаратадики, китобнинг асосини ташкил этган бу масалани ҳам тақризчи Ойбек яхши сезган: «Китобдаги материаллар систематик тузилиб, адабиёт қоидалари тўғрисида маълумот берилган ҳам янги шоирларимизнинг парчалари билан чекланмасдан, ўртоқ Фитрат Навоий, Бобур ... каби эски шоирларимиздан ҳам мисоллар олган ва дурустгина таҳлил этган»².

* * *

«Адабиёт қоидалари» муаллифнинг санъатга берган таърифи билан очилади. Албатта, бу таъриф санъатга ижтимоий онг шаклларидан бири деб қараган маълум назарияни такрорламайди. Чунки, Фитрат санъатни бир ёқлама мафкуравий нигоҳ билан таҳлил этиш унинг бой ва гўзал имкониятларини чеклаб қўйишини яхши тушунади. Шунинг учун ҳам гарчи у Масковдалик дав-

¹ Фитрат. «Бедил», 10—11- бетлар.

² Ойбек. Мукаммал асарлар тўплами, XIV жилд, 40- бет.

рида материалистик дунёқарашга яқинлашган бўлса ҳам, масалага у санъатнинг келиб чиқиши нуқтаи назаридан, бугунги илмий ибора билан айтганда, историзм нуқтаи назаридан келиб чиқиб ёндашади. Фитрат санъатнинг асосий хусусияти сифатида бошқалар маънавиятига «таъсир этиши»ни тайин қилади ва санъат асарининг кучи китобхонни қай даражада тўлқинлантиришига боғлиқ деган (гарчи ибтидоий бўлса-да талаблар билан ёндашади. Бу фикрлар гарчанд китобда ўта қисқа ва бир оз ҳукмнома тарзда баён этилган бўлса-да, адабининг бу мавзуга яна қайтиб, алоҳида мақола эълон этганини унинг ўқувчилари яхши билишади¹. Бироқ, мунаққидлар, ҳатто китобнинг энг асосий жиҳатларини яхши тушуниб, унга ўринли баҳо берган Ойбек ҳам Фитратни айни мана шу масалада айблайди: «Фитрат санъат ва адабиётга бу кунги кўз билан (марксча) қарамаган. Биз бутун ҳодисаларни марксизм призмаси орқали кўришимиз, текширишимиз, марксистча ижтимоий таҳлил (марксистско-социологический анализ) қилишимиз лозимдир. Ҳодисаларнинг сирларини ойдинлатадиган ёлғизфина шу методдир»².

Фитрат санъат турлари ҳақида сўз юритиб, улар учун умумий бўлган жиҳатларни («юрак, фикр, тўйғу тўлқинларини... жонлантира чиқариб, бошқаларда ҳам шу тўлқунни ёратмоқ ҳунари») ажратиб кўрсатади, илмий адабиёт таъбири билан айтганда, санъатнинг ҳиссий (экспрессив) жиҳати, яъни образлилик унинг барча турларида акс этиши таъкидланади. Фитрат таъбирича, санъат турлари қандай қилиб ўша тўлқунни (ҳиссиёт тўлқуни, образни) ярататибнига, яна ҳам аниқроғи, ўша «тўлқун» яратувчи восита ва қуролларга («сўз, товуш, бўёв, шакл, ҳарф, ҳаракат каби материёллар») аҳамият берадики, ҳозирги адабиётшунослигимиз ҳам санъат турларини фарқлашда айни шу йўлдан боради. Фитрат бу хусусиятлардан келиб чиқиб, гўзал санъатларнинг олти турини («мусиқа, расм, ҳайкалчилик, меъморлик, ўйин, адабиёт») фарқлайди. Уларнинг «бирбираига ёқинлашмоқ эътибори билан икки туркумга айриладир» деб ёзади ҳамда «адабиёт, мусиқа, ўйун — бир туркум; расм, ҳайкал, меъморлиқ бир туркум бўлиш»лигини белгилайди.

¹ Қаранг: Фитрат. «Санъатнинг маншай» (келиб чиқиши — Ҳ. Б.) // «Маориф ва ўқитувчи», 1927, 5-сон.
² Ойбек, Мукаммал асарлар тўплами, XIV жилд, 41-бет.

Фитрат назарий умумлашмаларининг умрибоқийлигина таъкидлашдан ўзимизни тийсак ҳам, ҳар ҳолда у санъатга «ижтимоий идеологияни ташувчи» деб қарамаган, балки амалда унинг туб моҳиятини ўргана бориб, жамиятдаги куч ва қудратини ўзича ҳис қилиб, шундай назарий умумлашмаларга келган деб, хулоса қилишимиз мумкин. Чунки, Фитрат санъатнинг турлари, хусусан, сўз санъати бўлган адабиётга таъриф бераркан, кўпроқ сўз санъатининг шарқона маънисидан келиб чиқади ва унинг хусусиятларини инкишоф этишида ҳам асосан, Шарқ шеъриятининг гўзал ва бой тажрибасига таянади.

Китобнинг асосий бўлимларидан бири «Ёзиш қоидалари» деб номланади. Бунда Фитрат ёзувчининг ҳаётга дастлабки нигоҳидан тортиб, бадиий асарга сўнгги нуқта қўйилишигача бўлган ижодий жараёндаги асосий босқичларни (мавзу, мундарижа, тартиб, ифода ва услугуб) белгилайди. Албатта, бадиий асар таҳлилида шакл ва мундарижанинг узвий бирлигига ва уни ташкил этган ҳар бир томоннинг узвлари (мундарижа-мавзу, фоя ва масала; шакл эса, образ, сюжет, композиция ва бадиий тил) муносабатига асосланиб ёндошадиган ҳозирги адабиётшунослигимиз учун бу йўл анча ибтидоий кўриниши мумкин. Бироқ, Фитрат бадиий асар таҳлили учун йўриқнома берәётгани йўқ, балки «зежниний юмуш»нинг натижаси ўлароқ дунёга келадиган ижод жараёнини тушунтиришга ҳаракат қиляптики, бу йўналишида муаллиф келтирган босқичлар ва уларнинг ўзбекона истилоҳлар билан аталиши эътиборга лойиқдир: фоя — тилак, тартиб — сюжет, ифода — шакл ва ҳоказо.

Масаланинг моҳияти ҳар бир тушунчага муносиб сўз (атама) танлаб, ифода орқали ҳодиса ёки тушунчани китобхонга очиқ ва лўнда қилиб тушунтира билишдадир. Фитрат бу ўринда фақат таъриф бериши билан чекланмай, бадиий асарнинг гўзаллиги ва бутунлигини таъминлаган хусусиятлар айни мана шу «мавзу толлаш», «мундарижани тайин этиш», «адиб тилаги»ни ўзига мос «ифода»лар билан «тартиб»ли ҳамда бетакрор «услуб»да акс этиши лозимлигини ҳам талаб қиласди. Бу жараёнда ўша талабга риоя қилмаслик, яъни меъёрнинг бузилиши қандай «ифрот» (чегарадан чиқиш)лар етказишини айтади: «бу турли ёзилған ҳикоялар, достонлар бир

турли, бир тусда, ўзгаришсиз, ҳаракатсиз юриб борғани учун ўқувчиларни бэздирадир, мияга оғирлиқ қила-дир».

Қўлланманинг энг аҳамиятли ва назарий жиҳатдан чуқур ёзилган қисми услугуб ҳақидадир. «Адабий ҳаётимизнинг суст даври» (Ойбек) бўлган 20- йилларнинг ўрталарида эмас, ҳатто ҳозирги камолот даврида ҳам ўзбек адабиётшунослигининг услубшунослик деб аталган қисми жуда кам ривожланган. Бир-икки йирик ижодкорлар услубига бағишланган айрим рисолаларни ҳисобга олмагандан, кенг ва чуқур назарий умумлашмалар берадиган рисолалар ниҳоятда оздири.

Фитратнинг бундан ярим асрдан аввалроқ ёзилган қўйидаги сатрларини эслайлик: «Шоирнинг хаёл, ўй, тушуниш шакллари тугал, комил бўлғач, ўзига яраша услуби ҳам борлиққа чиққон бўладур... бир асардаги фикрлар, маълумотларнинг эски, бошқа шоирлар томонидан айтилган бўлиши мумкинdir. Уларнинг эскилигини бизга сездирмасдан, билдирмасдан ифода қилиб, уни бизга ўқута олғон куч услубдадир.

Эски адабиётимизда «Лайли-Мажнун» достони бор. Буни форс шоирлари, турк шоирлари неча дафъалар ёзғандардир. Ҳаммасида ҳикоя бирдир ва воқеа бир турлидир. Бироқ форсча-туркча билган бир киши уларнинг форсийларидан Низомийни, ондан кейин Жомийни ўқийдир. Ҳисравга келгач, Навоийни албатта уларга таржиъ қиласидир. Фузулийни кўргач, Навоийнинг «Лайли-Мажнун»ини токчага қўйуб, Фузулийни ўқишига мажбур каби бўладир. Мана булар услубнинг ишидир¹. Мана шундай содда ва аниқ тушунтиришни етмиш йўл давомида соғинмаганимидик, соғиниб кутмаганимидик?! Ҳатто, ижодкор ўзига хослигини ҳам у яратган асарларнинг «гоявий мундарижасидан келиб чиқиб баҳолаш баробарида буни социалистик реализмнинг шарофати» деб ўрганмаганимидик. Адабиётнинг, ғанъят асарининг миллийлиги унинг бош сифати эканини била туриб, у ҳақда дарсликларимизнинг энг сўнгги саҳифаларида, шунда ҳам байналмилаллик ва умуминсоний жиҳатлардан сўз очиш учунгина беш-тўртта ноаниқ жумла билан чўчибгина ёзмасмидик? Худди мана шундай назарий тараққиётимиз давомида услубнинг миллий ҳодиса экани, ҳар бир миллатнинг дунёни бадиий ўзлаштиришда ортирган ўзига хос тажрибаси бўлиши

¹ Фитрат. «Адабиёт қоидалари». Тошкент, 1926.

мумкинлигини инкор этиб бўлганимизда, ногаҳон яна саҳифалар қаъридан олимнинг сўзлари кутиб турган бўлади: «ёзувчи-адибнинг зеҳнида мавзуъ ҳам у тўғрида маълумот белгили бир тилни ниг сўзлари, гаплари билан ифода этилиши керакдир. Шуни «ифода» этиш билан асар майдониға келадур... Бу кун Элбек, Чўлпон, Боту, Қодирий, Ш. Сулаймон каби ўзбек адабиётлари бор. Буларнинг «ифода»лари, албатта, ўзбекчадир... мана бунлар ҳар миллатнинг айрича бир услуби борлигини кўрсатадир»¹. Демак, услубнинг миллийлиги, бирор-бир халқ адабиётининг миллийлиги каби ҳаммага ойдин ҳол экан. Ҳар қандай бадиий асарнинг миллийлиги, дастлаб ўша миллат тилида ёзилгани ва аввало ўша миллат ёки ўша тилда сўзлашувчилар учун қаратилгани каби ҳодисаларда ойдинлашар экан, ўша миллатнинг воқеа ва ҳодисалар тасвирида бетакрор, фақат ўша миллат эгаларигагина хос ифода йўсини, яъни услуби борлигини била туриб, «миллий услугуб» тушунчасига қарши ўт очиб келдик...

Фитрат биз каби бундай эҳтиросларга берилмай, илмий кузатишларини яна ҳам чуқурлаштиради: «Гўзал санъатларда ҳар миллатнинг ўзига махсус услуби бўлгани каби ҳар замоннинг ўзига махсус услуби бордир... Навоий, Бобур, Бойқаролар замонидағи услуб билан Умархон, Фазлийлар замонидағи услуб бир эмасдир... Навоий, Бобур, Бойқаронинг уч газалини бир ёнда, Боту, Чўлпон, Элбекнинг уч шеърини бир ёнда қўйиб қарасоқ, ораларидағи услуб бошқалиғи очиқ кўринадир»²... Бизнинг адабиётшунослигимиз айни мана шу «замон услуби»ни кўп ишлади, ишлаганда ҳам «ўтмиш адабиётининг қоронғу, тубан ва нурсиз» эканини тушунтиришда айни шу тушунчадан замбаракнинг ўқи сифатида фойдаланди. Бироқ, давр тушунчаси билан ёнма-ён ижодкор шахс тушунчаси ҳам борки, бусиз замон, давр ҳақида фикр юритиб бўлмайди. Ҳатто замон услубини белгилаган Навоий, Умархон, Чўлпон каби шоирларнинг ижодий ўзига хослигидирки, биз «замон услуби»ни англатиришда, уни буюк истеъододлар номи билан қўшиб айтамиз (Навоий даври, Умархон даври, Чўлпон даври услуби каби). Фитрат буни жуда нозиклик ва изчилик билан тушунтиради: «... шунинг билан Навоий, Бойқаро, Бобурдан ҳар бирининг ўзига

¹ Ўша китобда.

² Ўша китобда.

махсус бир услуби бўлғани каби Боту, Чўлпон, Элбекларнинг ҳам ўзларига махсус услублари бордир. Демак, услугб замон билан ўзгаргани каби шахс билан ҳам ўзгарадир»¹.

Олим ижодкор шахс усулибининг ўзига хос сифатларини, аввало, ўша санъаткор яратган асарларнинг ўзига хос сифатларидан келиб чиқиб тушунтирадики, «ҳатто, бир оз чуқурроқ бориб бир кишининг сочимтизим (насрий ва шеърий асарлар — Ҳ. Б.) ёзғанида ҳам услубининг ўзгариб қолғанини кўрамиз». Бу ўринда Фитрат ижодкор услубидан у қўллаётган адабий турнинг ифода йўсунига қараб фикр юритмоқдаки, услугбий таҳлилда бу муҳим «бекат»лардан саналади. Бу услугбий ҳодисани тушунтиришда Фитрат Навоийнинг «Саҳар ховар шаҳи узра...» деб бошланувчи ғазали билан «Маҳбуул қулуబ»дан бир насрий парча, Бобурнинг машҳур «Қолдиму?» радифли ғазали билан айни тасвирга яқин «Бобурнома»дан парча келтириб, Чўлпоннинг «Тола йўлларида» шеъридаги туйғулар таҳлили билан «Қор қўйнида лола» ҳикоясидаги йўл тасвирини солиштириб: «Навоийнинг услуби тизимда ҳашаматли оҳанг билан юрадир; сочимда эса оғирлашиб қоладир», деган хуносага келади. Албатта, бу хуноса Навоийнинг бутун ижодига эмас, таҳлил этилаётган асарларигагина тегишилдир. Бироқ, мана шу икки асар ёзилиш йўсунини қиёсан ўрганиш оқибатидаги умумлашмалар, Навоий бошқа асарлари таҳлилида ҳам акс этиши мумкинлигини унутмайлик. Олим эса, яна ҳам чуқурлашади: «Яна бир оз ингичкарак қараганда бир шоир услубининг асарнинг мавзуъига кўра ўзгарганини ҳам кўрамиз. Навоийнинг «Лайли-Мажнун»идағи ўйнаб қайнаған услубини унинг «Лисонут-тайр»ида кўриб бўлмайдир»². Демак, услугб айрим хусусий ҳолларда бадиий асар мавзуи билан боғлиқ бўлса ҳам, «бироқ бу ўзгаришлар (яъни: асарнинг шакли ё мавзуъига кўра бўлғон ўзгаришлар) асосий эмасдир. Навоий ҳам Чўлпоннинг услублари тизим-сочимда, ё мавзуъига кўра ўзгармак билан уларнинг «ўзлик»ларини (шахсиятларини) йўқотмайдир. Чўлпоннинг Чўлпонлиги, Навоийнинг Навоийлиги бу шоирларнинг тизим-сочим асарларида мавзу ўзгаришига қарамасдан кўруниб турадир»³.

¹ Ўша китобда.

² Ўша китобда.

³ Ўша китобда.

Олим англамоқчи бўлган ҳақиқатга энди етиб келдик: миллӣй услуг ёки замон услуги каби тушунчалар услуг мавзуига ва шаклга (ифодага) қараб ўзгаргани билан моҳиятан шахс, яъни ижодкор услугидагина ўзининг юксак, комил босқичига кўтарилар эканки, бундай тушунчалараро қиёсий таҳлилдан мақсад айни ўша Навоийнинг Навоийлигини, Чўлпоннинг Чўлпонлигини танишга китобхонни даъват этишдир.

Фитрат услугуб тушунчаси орқали англашимиз лозим бўлган маъно белгиларини таҳлил қиласр экан, бизнинг адабиётшунослигимиз орқали тушунтирадиган юқори услугуб, қуии услугуб атамаларини ҳам қўллади ва бунда «услублари юқори даражадаги шоирлар» (Навоий, Бойқаро, Умархон) билан бир қаторда «сиртдағи дабдабага кўра самимиликни севган, элга қаратиб ёзған» (Яссавий, Қул Сулаймон, Андалиб) адиллар ҳам борлигини айтади. Гарчи «буларнинг услублари билан юқори даража шоирларимизнинг услублари орасида ҳам тоғлар қадар айрма, бошқалиқ» бўлса ҳам, олим ҳеч вақт уларни ўзаро қарама-қарши қўймаган, бирини сўйиб, «юқори» деб, иккинчисини «тубан» билмаган. Таассуфки, бунинг радди бўлган фикрларни олий мактаб талабалари учун чоп этилган ҳозирги дарслекларимизда ўқиб қоламиз: «Ёзувчи услуги (стили)нинг шаклланишида унинг қайси табақа ўқувчиларига мўлжаллаб ёзиши катта аҳамиятга эга... Бу — ўрта асрларда адабиётнинг подшоҳлар саройида яратилиб, фақат маълумотли ўқувчиларга мўлжалланганлиги натижасидир. Алишер Навоий асарларининг тили «юқори услуг» деб аталмиш шундай услубнинг намунасидир. Шундай услуг (ўз замонида «олий услуг» деб ҳисобланган баён тарзи) ўзбек адабиётида то XIX асрнинг охиригача катта ўрин тутиб келди, яъни маълум даражада «феодал давр услуги» бўлиб қолди»¹. Ушбу иқтиbosга изоҳ бермасак ҳам, зийрак ўқувчи муҳтарам олимимиз ўзи «баён тарзи» деб атаган ҳодисадан катта сиёсий хуолосалар чиқараётганини англайди. Бу эса, Фитрат назарда тутган «ифода йўсуни» билан «давр услуги» тушунчаларининг етарли фарқланмаслиги оқибатидир.

Маълумки, ижодкор услуги асар тили орқали рўёга чиқади. Тилда ёзувчининг ўзига хослиги ҳам, ҳаёт ҳақиқатини қайта тирилтира олиш салоҳияти ҳам, ба-

¹ Иzzat Султон. «Адабиёт назарияси». Тошкент, 1980, 389—390-бетлар.

дий тасвир воситаларидан фойдалана билиш маҳорати ҳам аниқ кўринади. Шунинг учун ҳам услубшунослик ҳам, адабиёт илми ҳам тилшунослик илмининг ажралмас бўлаги каби қабул қилинади. Тилшунослик нинг услубият қисми, аввало, ҳар бир соҳа, шунингдек, илмий асарлар ва бадиий адабиётнинг ёзилиш тарзларини фарқлайдики, Фитрат бу борада бундай деб ёzáди: «Ўумуман, жуғрофиё, ҳисоб, ҳандаса каби илмий, фаний масалалар тўғрисида ёзилғон асарларнинг услуби билан адабий, шеърий парчаларнинг услуби орасида кўзга кўринарлик айрма бор. Фаний, илмий асарлардан мақсад туйғуларимизни ўқувчиларга ўткариб, уларда бир турли ҳаяжон (руҳий тўлқун) қўзғатмоқ эмас, илмий бир ҳақиқатни онглатишdir... Мана шу айрманни кўзда тутиб, адабиёт китобларида услубни «садда услугуб», «безалган ё тасвирий услугуб» деб икки ажратадирлар¹. Бу каби илмий ва бадиий услугуб масалалари бизнинг давримизда кўп ишланган мавзу ҳисобланса ҳам Фитрат услубшуносликда яна ҳам чуқурроқ кузатишлар қиласи ва услубнинг «умумий» ҳамда «хусусий ҳоллари» таҳлилига киришади «... шунча ўзгаришган, бир ҳолда турмағур бўлған услубнинг хусусий, умумий ҳолларини ажратиб, аниқлаб қоида шаклида кўрсатмак мумкин бўлмаған бир ишdir. «Оғирдир»². Албатта, бу каби масалаларни ўрганишга бизнинг услубшуносларимиз (тилшунослик йўналишидан борсалар ҳам, адабиётшунослик йўналишидан борсалар ҳам) ҳали етиб келганича йўқ.

Фитрат «услубнинг умумий ҳоллари» деганда «ҳар бир услубда топилиши матлуб бўлған ҳолатлар»ни белгилаб, уларни тузуклик, софлик, оҳанг (оҳангдошлиқ), очиқлик, уйғунлик каби сифатларга ажратади ва бадиий асарда меъёр ва мувофиқликнинг қоидаси даражасига кўтаради. Шу билан бирга, бу «қоидаларга» амал қилмаслик номувофиқликларга, сакталикларга олиб келишини эслатиш билан чекланмай, улардан қутулиш йўлларини ҳам ўз ўрнида эслатадики, ўзбек адабиётшунослигида ҳали бу масалалар Фитрат даври дарajasida ҳам ўрганилгани йўқ.

«Услубнинг хусусий ҳоллари» деб Фитрат бизнинг адабиётшунослигимиз бадиий тил воситалари (И. Султон) ёки тасвирий воситалар (Н. Хотамов) деб тушун-

¹ Фитрат. «Адабиёт қоидалари», Тошкент, 1926.

² Ўша китобда.

тираётган адабий ҳодисаларни назарда тутади. Булар асосан бадиий асар услубида қўлланилгани учун «услубнинг умумий ҳоллари» каби илмий услубда ишлатилмайди. Сифатлаш, ўхшатиш, истиора, киноя, мажоз, жонлантириш, сўраш, муболаға, ундаш, қаршулик, қайтиш (ружуъ), кесиш ва бошқа воситалар ҳақида мумтоз адабиётшунослигимизда айрим илмий асарлар ёзилгани маълум. Абдурауф Фитрат ҳам булар талқинида ўшандай асарлар сирасидан Атоуллоҳ Ҳусайнин китоби¹ни кўрган бўлиши табиий. Бироқ, Фитрат бу ўринда улуғ аллома «маънавий санъатлар» деб атаган унсурлар таҳлилига киришибгина қолмай, уларга имкон борича замонавий адабиётдан мисоллар ахтаради ва топғанларини мумтоз асарлардан олинган намуналар билан қиёслаб, уларга муносиб баҳо бериб ўтади.

Китобнинг «Сўз ўйунлари» деб аталган бобида муаллиф адабиёт тарихида лафзий санъатлар деб қаралган тажнис, лаффу нашр, сажъ, таърих, муаммо каби ҳодисаларни алоҳида кузатади. Фитрат кузатишлари шу жиҳатдан эътиборлики, бизнинг шеършуносликда ҳамон «лафзий санъатлар» билан «маънавий санъатлар» етарли фарқланмай талқин қилинаётганини сезганиданми, улардан бирини «услубнинг хусусий ҳоллари», иккинчисини «сўз ўйунлари» деб атаб, ўртадаги фарқни яна ҳам айриброк кўрсатишга интилади.

Фитрат асарининг маҳсус қисми шеъриятдаги вазн масаласига бағишлилангандир. 20-йилларда кенг истеъмолга кирган, келиб чиқиши нуқтаи назаридан асил турк вазни ҳисобланган «бармоқ» шеър тизими ҳақида дастлабки илмий умумлашмалар қилиш ҳам Фитрат зиммасига тушди. У аввал «бармоқ»нинг хусусиятлари ва қўлланиш имкониятлари ҳақида Узбекистон Маориф вазирлигининг Илмий кенгаши (1925) да маъруза қилди ва ўзбек олимлари орасида биринчилардан бўлиб бу ҳақда ўз китобида изчил маълумот берди, бу вазннинг тузилиши ҳақида баҳс юритди. Фитрат бошлаб берган бу йўлдан қатор олимларимиз бориб, маҳсус тадқиқот² ва мақолалар яратишиди, ўз дарслик ва қўлланималари, луғат ва мақолаларида олим асарларидан самарали фойдаландилар.

¹ Атоуллоҳ Ҳусайнин. Бадойиъ — санойиъ. Тошкент, 1981 (форсчадан Алибек Рустамов таржимаси).

² Тўйчиев. У. «Ўзбекистон совет поэзиясида бармоқ системаси». Тошкент 1966.

Шарқ шеъриятининг асос пойдеворларидан бири — аруз назариясини, яхши билмаслик, умуман, шеър санъатидан йироқлашиш билан баробардир, деган фикрлар мавжуд. Бу соҳада мумтоз адабиётшунослигимизда кўплаб рисолалар яратилган бўлса-да, Фитрат ўз асарида фақат «турк адабиётининг арузи ҳақида маълумот» беришни ният қиласди. Гарчи илмда «арузи туркий» номи билан машҳур бўлган Навоийнинг «Мезон-ул-авзон», Бобурнинг «Мухтасар» («Муфассал») асарлари яратилган бўлса-да, биринчидан, ўша даврда уларнинг оммавий нашрлари йўқ бўлиб, иккинчидан, улар кўпроқ форс-араб арузининг шаклий жиҳатларини баён этишга қаратилган эдики, Фитрат айрим ўринларда ҳатто устозларидан Навоийга: «кошки араб арузини ёзғанингиз жойида турк вазни, турк мусиқаси тўғрисида китоблар ёёса эдингиз»¹ дейишгача боради. Фитрат туркий адабиётининг «арузлашиши»ни жуда оддий тушунтиради: «Бизнинг тилимизга уйғун келатурған вазн албатта, миллий вазнимиз бўлған пармоқ (бармоқ) вазnidир. Бироқ, эрон-араб таъсири остида аруз вазни ҳам адабиётимизга кирган, муҳим ўрин олған, муваффақиятсиз бир шаклда кенг суратда букунгача давом этиб келган... Аруз вазни арабникидир. Араб шу вазнларда шеър ёзған. Ҳижрий 170 йилда ўлған имом Ҳалил ибн Аҳмад бу вазнларни йиғиб, белгили қоидалар остига киргизди, аруз қоидаларини тузди. Араб олими томонидан тузилган аруз қоидаларини форслар ҳам форсий шеърлар учун қабул қилдилар. Бироқ, форсий шеър учун қабул этилган аруз араб арузининг худди ўзи эмас эди. Форслар араб арузини тузатдилар. Камчиликларини тўлдирдилар. Ўзларининг миллий вазнларини ҳам шу қоидаларга эргаштириб аruzга киргиздилар. Мана шундай қилиб, араб арузини араб-форс арузи ҳолига келтирдилар. Бизнинг Ўрта Осиё турклари томонидан қабул этилган аруз шул араб-форс арузидир» деб тушунтириб беради ва бу «арузни бизнинг тилга ярамағанлигини» асослашга урунади. Бироқ, не иложки, бизнинг турк тилли шеъриятимизга чуқур ўрнашиб олган аруз тизимини ўрганиши мажбурияти олдимизда туради. Фитрат айни шу мажбурият билан, «ёлғиз ўзбек-чиғатой тизимларида қабул этилганларини-

¹ Фитрат. «Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи». Самарқанд — Тошкент, 1927. 57-бет.

гина кўрсатиб ўтишни етарли» топди. Лекин, юқорида тилга олганимиз мажбурият талаби билан қарийб ўн йилларча муддат ўтгач, олим аруз масаласига қайтиб, «Аruz ҳақида»¹ рисола эълон қилди. Рисола деярли ҳозирги давримизга қадар бу мавзуда иш кўрганлар учун асосий қўлланма хизматини ўтаб келди.

Олим қўлланмада биз мулоҳаза юритган шеъриятдаги вазн масалалари, услубнинг умумий ва хусусий ҳоллари таҳлилига киришишдан аввал бадиий тафаккур жараёнида фарқланиши ниҳоятда зарур бўлган «ифодалар» — «тизим» ва «соҷим» шаклларига тўхталади (услуб ҳақидаги фикрларнинг мантиқий давоми саналган юқоридаги ҳолатларни биз олдинроқ кўриб ўтдик).

Бадиий адабиётда икки хил ифода йўсини ёки бошқача қилиб айтганда, бадиий нутқнинг икки шакли мавжудлигини Арасту замонидан буён фарқлаб ўргангандиз: Бу шеърий ва насрый ифодалар бўлиб, Фитрат ибораси билан айтганда, «тизим» ва «соҷим»дир. Бу икки ифода ўзаро кескин фарқланиши билан бирга адабиётшунослигимизда уларни адабий тур сифатида қўллаш (эпос ва лирика ўрнига) урф бўлган. Айниқса, ҳозирги адабий жараён ҳақида фикр юритилганда улар шеърият, наср, драматургия каби турларга ажralадики, бу хато тасниф кўп йиллар мобайнида эпос ва лириканинг ўрнига қўлланилаётганига шубҳа йўқдир. Бироқ, ҳар қандай роман (эпик жанрда) шеърий ва насрый йўл билан, ҳар қандай достон (лиро-эпик жанр) яна ўша икки хил йўл билан, фожиа (драматик жанр) ҳам ўша икки хил йўл билан ёзилиши ҳаммага аён-ку. Шундай экан, наср ва назмни адабий тур сифатида эмас, балки Фитрат айтганидек, «сўзлар, гапларни уюштириб тузилган асарлар адабий бўлсун-бўлмасун икки йўсиндан бирида тузиладир: «соҷим, тизим (наср, назм)» тушуниши эътиборга олсак, у адабиётшуносликдаги назарий тасниф ва истилоҳ масалаларига қанчалик но-зиклик билан ёндошганининг гувоҳи бўламиз. Олим бу ҳар икки «йўсин»ни фарқлаб олгач, форс-араб арузидағи «тизим шакллари»ни (бизнинг тил билан айтганда мумтоз шеърият жанрларини) белгилашга киришади. У мумтоз адабиётда кенг тарқалган ғазал, қасида, қитъа, маснавий, рубоний, туюқ, мустазод, мусаммат (мураббаъ, мухаммас, мусаддас), таржеъбанд ва таркиб-

¹ Профессор Фитрат. «Aruz ҳақида». А. Нозим таҳрири остида. УзССР Фанлар Комитети нашриёти, Тошкент, 1936.

банд каби жанрларга қисқача таърифлар беради, машхур шоирларнинг шу жанрдаги энг машхур асарлари мисолида буларни талқин қиласди. Фитратнинг бу фикрларини ҳозирги замонавий қўлланмалар билан¹ қиёслаб муаллиф берган таърифларнинг нақадар аниқ ва лўндалиги эътиборимизни тортиш билан бирга у «Сўз ўйунлари» бобида берган «муаммо», «таърих» кабилар юқоридаги китоб муаллифлари томонидан жанр сифатида талқин этилган оддий ўқувчини ҳам ажаблантириши мумкин.

Нисбатан янги саналган «Адабий турлар ва жанрлар» номли жамоа тадқиқотида бу масалаларга аниқлик киритиш мақсадида «Лирик тур жанрларининг мазмун ва шакл жиҳатидан таснифи»да бирмунча аниқликка интилиш сезилса-да, тасниф ўта майдалаштириб юборилади-да, натижада «ғазал», «рубойй», «қитъя» кабилар «шакл мазмундорлиги ва тузилишига кўра лирика жанри» деб ҳисобланса, «қасида», «муаммо», «таърих» ва бошқалар «эстетик белги пафос ва муайян мазмун йўналишига асосланадиган жанрлар» сифатида талқин этилганини кўрамиз². Мумтоз адабиётимизнинг Фитрат асарлари орқали қилинган таснифлари бу соҳада ҳам аниқлик киритилишига ёрдам берар, деган умиддамиз.

Ниҳоят, қўлланманинг сўнгроғида адабий асарларнинг турлари сифатида «Лирика», «Томоша» (драма) ва «Ривоя» (эпос) тавсия қилинадики, Фитрат бу каби қатъий адабий турлар таҳлилида ҳам бирмунча аниқликка эришиш билан бирга туркча (ўзбекча), ҳеч бўлмаганда, шарқона атамалар қўллаштга ҳаракат қиласди. Лекин, бундай ўзбекчалаштириш жараёни ҳозирги куннимизда бўлаётганидек, кўр-кўрона, деярли ҳамма Оврупо сўзларини шарқлаштириш йўли билан эмас, балки айрим тушунчаларни ўзига мос ифодалар билан айтишга интилишнинг натижаси сифатида кўринади. Масалан, Фитрат «драма» сўзи ғарб адабиётшунослигида ҳам адабий тур ва ҳам жанр сифатида қўлланилаётганидан ажабланиб, масалани ойдинлаштириш учун адабий тур маъносидаги «драма» (ҳозирги драматургия) ўрнига «томоша» сўзини, «эпос», «эпопея» сўзлари билан асос-

¹ О. Носиров ва бошқалар. «Ўзбек классик шеърияти жанрлари». Тошкент, 1979.

² «Адабий турлар ва жанрлар». Уч жилдлик. 2- жилд. Тошкент 1992.

ли бўлгани учун ҳам, абадий тур номи сифатида «ри-воя»ни тавсия этадики, муаллифнинг бу тажрибаси истилоҳларнинг ўндан тўққизи оврупча бўлган ҳозирги адабиётшунослигимиз учун ҳам ўрнак бўлиши мумкин.

«Адабиёт қоидалари»нинг сўнгги боби «адабиётдаги оқим истилоҳлари»га бағишиланганadir. Бунда Фитрат классицизм, рационализм, сентиментализм, романтизм, реализм, символизм, модернизм, футуризм каби тушунчалар моҳиятини жуда оддий қилиб тушунтириб берадики, муаллифнинг бу тушунтиришлари масалага сиёсий тус беришдан холилиги билан ҳозирги қўлланмаларимиздаги изоҳлардан ажралиб туради. Бироқ, Фитрат талқинлари бугунги китобхонларимиз учун бирмунча жўн туюлиши табиий. Чунки, олим бу оқим ва йўналишлар пайдо бўлган даврдаёқ уларнинг таснифи га киришгани, оддий китобхонга қандайдир тушунтириш беришга интилиб, асосан, шарқ адабиётидангина мисоллар келтириш билан чекланганини зукко ўқувчиларимиз кечирарлар деб умид қиласиз. Бундан ташқари, Фитрат бундан 65 йил аввал яратган қўлланма ҳеч нуқсон ва камчиликлардан холи эмас, деган фикрни айтмоқчи ҳам эмасмиз. Албатта, «беайб парвардигор» деганларидаи, бу кичик қўлланмада ҳам бугунги назар билан қаралганда, талай етишмовчиликларни кузатиш мумкин. Бироқ, эзгу ният билан бажарилган хайрли ишнинг аввало гўзал томонларини кўриш мақсадида, улар ҳақида кенг тўхталишни жоиз кўрмадик. Зсро: ўтиб кетган йилларда «халқ душмани»нинг фақат камчилигини кўрсатиб яратилган илмий ишларимиз ҳам талайгинаки, ўқувчилар улардан хабардор чиқарлар, имкон топсалар, ўша ноўрин дашномлар Фитрат асарига қай даражада алоқадор эканини ўзлари тушуниб етарлар, деган умид билан қўлланмани шу кун ўқувчилари ҳукмига ҳавола қилишга журъат этдик.

Фитрат домла Бедил ҳақидаги рисоласида «Бедилнинг китоби катта бир денгиздирки, ҳар ким ўз идишига яраша бундан сув кўтаради», деб ёзган эканлар. Китобхонлар биргина шу китобни ўқиб, уқиб, улуғ олим яратган гўзаллик ва фасоҳат денгизидан ҳар ким ақли етганча, «идиши» кўтарганча сув олишларига шубҳа қилишга ўрин қолмаса керак.

Ҳамидулла Болтабоев
филология фанлари номзоди.

САНЪАТ

3*

Адабиёт сўзини тузукгина онглатмоқ учун бошлаб санъат ҳам гўзал санъатлар деган сўзни таъриф қилиб ўтиш лозимdir. Санъат лугатда ҳунар демак-дирким: бир нарсани ёхши¹ ишлаб чиқаришдан иборатdir. Бир киши бир ишни ўзига касб қилиб олиб шунга берилиб, ёхши ишлаб чиқаратурғон бўлса, шу иш унинг санъати бўладир. Бир киши тобоқчиликда², бир киши тикгучиликда ёхши ишласа, шу иш унинг санъати бўладир. Бу санъаткорлардаги ёхшиликдан мақсад ишга ярамоқdir. Танбур, дутор ясамоққа санъатли бўлған бир кишининг танбур, дутори шунга ёхшироқ ярайdir.

Бу маънодаги «санъат»дан тилакда бошқача бўлған бир турли санъатлар ҳам бор. Олайлик, санъати танбур чолиш бўлған бир кишини ёхшилаб чолинган бир «Ироқ»³ куйи бу кишининг санъатидир. Бироқ, ёхшилаб чолинган «Ироқ» куйининг тилаги билан ёхшилаб ясалған бир танбур, бир танбурнинг тилаги орасида каттакан айрма бордир. Бошқача айтганда, Ироқ куйининг ёхшилиғи билан тобоқ, танбурнинг ёхшилиғи бир эмасdir. Тобоқ, танбурнинг ёхшилиқлари буларнинг ишқа ярағанликларидир. Ироқ куйининг ёхшилиғи эса кишига маънавий таъсир этмак, унинг миясини тўлқинлантироқdir. Шунинг учун бунинг ёхшилиғига, ёхшилиқ эмас, гўзаллик дейиладир. Бундай санъатларга эса «гўзал санъатлар» дейила-дир.

ГЎЗАЛ САНЪАТЛАР

4

Тирик бир кишининг бир кўб тилаклари, истаклари, умидлари, эҳтиёjlари бўладир. Шуларга эришса севинадир, эришмаса қайғурадир. Одам ўзининг тегарасидаки турли воқеалардан, бўлуб турған ишлардан, турли кўринишлардан, бошқа

¹ Ҳошиядаги рақамлар китобнинг 1926 йилги наширининг саҳифаларини кўрсатади.

кишиларнинг бошларига тушкан баҳтли-баҳтсиз воқеалардан ҳам таъсиранадир: шодланадир ё қайғурадир.

Ҳар ким ўзининг шодлиқли-қайғули туйғуларини бошқаларға билдиримак, уларни ҳам шу туйғулар билан туйғулантироқ истайдир. Буюк бир шодлиқ кўрган киши ўзининг шод туйғуларини бошқаларға билдириб, шодлиқини ортиадир. Ўлуғ бир қайғуга учраган эса, ўз дардини бошқаларға ўткариб, ўзини овунтируған бўладир. Мияси юксалмаган болалар санъатдан хабарсиз кишилар шодлиқли-қайғули туйғуларини сакраб, ўйнаб, кулуб, йиғлаб, талпиниб жонлантирадирлар, очиқ-қа чиқариб бошқаларға онглатадирлар-да, шу йўл билан овунтирилған бўладирлар, санъат эгалари эса турли товар (материал)лар ёрдами билан ўзларининг туйғуларини жонлантириб майдонға чиқарадир. Шу йўлда бошқаларни ўз туйғулари билан туйғулантиришга тиришадир. Мана шундай «юрак, фикр, туйғу тўлқунларини сўз, товуш, бўёв, шакл, ҳарф, ҳаракат каби товарлар (материёллар) ёрдами билан жонлантира чиқариб, бошқаларда ҳам шу тўлқунни яратмоқ» ҳунирига «гўзал санъатлар» дейиладир.

5 Гўзал санъатларда товар (материал) товуш, оҳанг бўлса, гўзал санъат мусиқий бўладир; бўёвлар, чизиқлар бўлса, расм бўладир; тош ё бошқа турли маъданлар эса, ҳайкалчилик бўладир; тош, ёғоч, киргич, ганж, турноқ бўлса, меъморлиқ бўладир; тан, муға⁴ ҳаракатлари эса ўйун (танс) бўладир; гап, сўз эса адабиёт бўладир.

1. Мусиқий.
2. Расм.
3. Ҳайкалчилик.
4. Меъморчилик.
5. Ўйун (танс).
6. Адабиёт.

Гўзал санъатларнинг мана шу олти турлари бир-бirlарига яқинлашмоқ эътибори билан икки туркумга айриладир. Адабиёт, мусиқа, ўйун (танс) бир туркум; расм, ҳайкал, меъморлиқ бир туркум бўладир⁵.

АДАБИЁТ

Мана, юқоридағи маълумотдан сўнг «адабиёт»ни шу йўлда таъриф этишимизга йўл очилған бўлди: адабиёт — фикр, туйғуларимиздаги тўлқунларни сўзлар,

гаплар ёрдами билан тасвир қилиб, бошқаларда ҳам худди шу түлқунларни яратмоқдир. Бу таъриф адабиётнинг тұғри таърифидир. Шул билан ёзилған асарларга адабий асар дейиладир.

Адабиётнинг иккинчи бир таърифи бир турли тартибға солиниб ёзилғон бутун асарлардир. Бу таърифға қараганда бир тилде ёзилған бутун асарлар шу тиленинг адабиёти бўладир. Ҳам шундай ишлатадирлар: рус адабиёти бойдир. Узбек адабиёти камбағалдир, каби.

6 Бироқ бу таърифнинг бизнинг дарсизизга бойланиши йўқдир. Бизнинг адабиётимизға кирган «адабиёт» сўзи биринчи таърифдаги «адабиёт»дир.

Биринчи таърифга кўра адабиёт саналған асарлар ёзмоқ учун кўзда тутилиши лозим бўлған тузуклар, қонунларға «адабиёт қоидалари» дейиладир.

Бизнинг бу дарсда кўрганимиз шу «адабиёт тузуклари»дир.

ШЕЪР

Бизда эски мадрасадан қолған янгилиш бир фикр бор. Вазн, қофияси бўлған ҳар бир сўз тўдасиға «шеър» деймиз. Чунки бурунғи форс-араб адабиётчилари шеърни «қофияси, вазни бўлған гапдир» деб таъриф қиласар эдилар. Вазн ва қофияси бўлған ҳар бир сўзни шеър деганимизда Сўфи Оллоёрнинг:

Ёзилди форси тил бирла мактуб,
Ақида ту, фуруғу қурби маҳбуб⁶,
Ониким кўрдилар туркий ёронлар,
Дедилар гар дуо қиласа эронлар.
Битилса турки тил бирла ақида
Қўнгуллар бўлса ондин орамизда,—

деб ёзған тизмаларига ҳам «шеър» дейиш керак бўладир, ҳолбуки, шу шеър эмас, бир назм парчасидир.

Шеърнинг шеър бўлишига вазн ва қофиянинг ҳеч даҳли йўқдир. Вазну қофияси бўлуб, шеър бўлмаған парчалар бўғани каби вазну қофиясиз (сочим) шеър парчалари-да кўбдир.

7 Чўлпоннинг ‘Килемъупатраси сочим йўсунида ёзилғон; вазн, қофия йўқ. Бироқ бир шеърдир. Ҳолбуки, Сўфи Оллоёрнинг «Саботул ожизин» деган вазнли, қофияли кўб парчалари бордирким, шеър дейишқа ёрамайдир.

Чўлпоннинг Килеъўпатрасидан:

Ойдин кечаларда сирли Нилнинг бўйларида узун этакларингни

Майсалар, гуллар устидан судраб юруб, янги

Очиғон, вафо ҳидли нилуфар чечаги узубсан.

Узингни елпиб турғучи қўлга чечакнинг фазилатларидан

Гапирганингни эшитдим...

Сўфи Оллоёрнинг «Саботул ожизин» деган асаридан:

Битибdir жомеъи мушкот ичинда,

Набидин сўрди бир сўргучи банда:

Ёмонларнинг ёмони қайси инсон,

Жавобин бермади онда ўшал он.

ЕЗИШ ҚОИДАЛАРИ

Таълиф⁷ белгили бир нарса тўғрисида бўлган фикрлар, муҳокамалар сезгулар, туйгуларни тартибга солиб, сўз билан ифода қилишга таълиф ё тасниф дейиладир.

8 Таълиф ё тасниф атаған адабий юмуш билан майдонға чиқсан нарсага «асар» дейиладир. Бир асарни ёзғанда зеҳнимизнинг юмуши (хизмати) турли тусларга киради: Ёзувчи — адаб бошда шул тўғрида ёзилатурғон бир нарсани топадир. Сўнгра шу нарса тўғрисидоғи ўйлар, туйгуларни охтариб, топиб йигадир. «Зеҳний юмуш»нинг шу бўлимига «ижод» (бор этиш — яротиш) дейиладир. «Ижоднинг биринчи натижаси асарнинг мавзуъи, иккинчи натижаси асарнинг «мундарижа»си бўладир. Ондан кейин ёзғувчи мавзуъ тўғрисида йиғилғон маълумотни (асарнинг мундарижасини) ўз зеҳнида белгили бир тартибиға соладир. Бу эса асарнинг тартиби⁸ бўлади.

Мана шу юмушлар билан ёзғучи — адабнинг зеҳнида мавзуъ ҳам у тўғрида маълумот белгили бир тилнинг сўзлари, гаплари билан ифода этилиши керакдир. Шул «ифода» этиш билан асар майдонға келадир. Ёзғучининг зеҳнида йиғилған мавзуъ ҳам у тўғрида тартибга солинған маълумот, сўзлар, гаплар билан ифода этилмаганга асар саналмайдир.

Бу кун Элбек, Чўлпон, Боту, Қодирий, Ш. Сулаймон каби ўзбек адаб-шоирлари бор. Буларнинг «ифода»лари⁹, албатта, ўзбекчадир. Бироқ, у адаб-шоирларимизнинг асарлари ўқулғанда ифодаларининг бир-биридан ўзгачарак бўлғани кўруниб турадир. Демак, булардан

ҳар бирининг ўзига махсус бир «ифода йўсуни» бор. Мана шул ифода йўсуниға «услуб» дейиладир.

Демак, ҳар асарда текширарлик бир нарса бор: мавзӯъ, мундарижа, тартиб, ифода, услугуб. Мана эмди буларни биртадан текширайлик:

МАВЗУЪ

Адабиётнинг мавзуъи бутун табиат, борлиқ дунёси, инсоннинг ўз ички-ташқи дунёсида сезиб о঱глағанларидир.

9 Бир томчи сувдан тенгизгача бир учқундан буюк бир ёғинғача, кичкина бир япроқдан улуг ўрмонларгача нима бор эса, ҳаммаси адаб-ёзгувчи учун мавзуъ бўларлик нарсалардир.

Бироқ адаб-ёзгучи ўз асарининг тилагига (ғоясига) кўра мавзуъ толлайдир; қандай бир тилакни кўзда тутиб, қандай бир фикр бермакчи бўлуб асар ёзар эса, шунга кучлирак бойланган бир мавзуъни оладир.

Ёзгучи-адиб томонидан толлаб олинған мавзуъ асарнинг тилаги билан муносабатсиз эса, ёзгучи мавзуъни толлашга янгилишлғон бўладир.

МУНДАРИЖА

Адиб асарнинг мавзуъини, асарнинг тилагини бера оларлиқ қилиб толлағандан сўнг унинг тўғрисида маълумот йиғадир. Мавзуъ теграсидаги фикрлар, сезгилар, туйгуларни тўплайдир. Бироқ, уларнинг ҳаммасини ёзабермайдир. Асарда мундарижанинг тўғрилиғи, табиийлиги лозимдир. Мундарижа ғайри табиий, нотўғри бўлса, асар ўзининг таъсирини йўқотадир.

а) мавзуъ теграсидаги фикрлар, маълумотлар, воқеаларнинг асар тилагига мувофиқ, асарнинг тилагини очиқ қилиб бера олурлик бўлғанларини оладир;

б) мундарижадағи асосий қисмларнинг бир-биридан узун, бир-бирига муносабатсиз бўлмағанларини оладир;

10 ж) ¹⁰мундарижа қисмларининг бир-бирига қарашу бўлмаслиғлари, яъни: биртасининг берган таъсирига қаршу бўлмаслиғини энг катта бир шарт қилиб кўзда тутадир.

Мана шул уч шартни кўзда тутуб ёзилған асарда «бирлик» бордир дейиладир. Бир асарнинг мундарижаси мавзуъ билан муносабатсиз ё бир-бири билан ҳеч

турли бойланиш бўлмаса, ё мундарижадан бир қисмининг таъсири бошқа бир қисмининг таъсирига қаршу, тескари бўлса, у асарда бирлик йўқдир дейиладир. Асарда мундарижанинг тўғрилиги, табиийлиги лозимдир. Мундарижа ғайри табий, нотўғри бўлса, ўзининг таъсирини йўқотадир. Эски шоирларимиз ўзларининг кечакайфулари тўғрисида шеър ёзғонда «оҳим алангасидан фалаклар ёнди, Кўз ёшимдан ер юзини сув бости» деб инграмакчи бўладир. Мана ундаи сўзлар ғайри табий, нотўғри бўлғани учун кулунч бўлуб чиқадир.

Эски ёзғучиларимиз асарнинг бирлигини сақламоқчи бўлиб, жуда ифротга¹¹ тушар эдилар: Бир ҳикоя ёзғанда «аммор уйёни ахбор ва ноқилони осор андоқ ривоят қилурларким»¹² деб ҳикоя қаҳрамонининг туғилиш кунидан бошлаб ўлишига қадар бўлуб ўтган воқеаларни бир йўсунда, бир турли қилиб қаторлаб тизар эдилар. Бу турли ёзилған ҳикоялар, достонлар бир турли, бир тусда, ўзгаришсиз, ҳаракатсиз юруб борғани учун ўқувчиларни бездирадир, мияга оғирлик қиласадир. Бундан қочмоқ учун ҳикоя, рўмон, достонларни турли кўрунишлар, янги-янги фаслларда тузиш лозимдир. Мисол учун Чўлпоннинг («Қор қўйнида лола») деган ҳикоясини олингиз. Буни эски шаклда ёзмоқчи бўлғанда, «Андоқ ривоя(т) қилурларким», деб бошлаб, «Самандар aka деган бор эди, унинг қизи бор эди, бири қизига совчи юборди...»

11 деб воқеаларни қаторлаб тизиб, асарни битирган бўлар эдик. Бироқ, Чўлпон бундай қилмаған. Мундарижани янги-янги тўрт фаслга, тўрт кўрунишга бўлган:

Тўб ўйуни, шайх, тўй, одамларнинг бу тўй тўғрисида фикрлари. Ҳамда ҳикоянинг Самандар аканинг қизи тўғрисида бўлганини сездирмасдан қизларнинг тўб ўйнларини жуда усталик билан тасвир этишга киришкан...

ТАРТИБ

Мундарижа ёхши тартиб этилган сойи асарнинг қиймати ортадир, ёзғучини муваффақ бўлишфа яқинлаштирадир. Тартиб мундарижа узра юргузиладир. Шунинг учун мундарижа етарлиқ даражада йиғилиб толланғандан кейингина «тартиб»га кириш керак. Тартиб ёлғуз асар ёзишда эмас, сўз сўйлашда ҳам муҳимдир.

Бир нотиқ айтмоқчи бўлғани сўзларни қисқача тартиб қилмасдан минбарга чиқуб гапурса, ҳеч бир мақ-

садға ёқинлаша олмай (ди), сўзинда қаёққа боришни билмай гапура берадир, гапура берадир, ҳеч битира олмайдир.

Тартибсиз асар ёза бошлағанларнинг ҳам шу балоға йўлиқишилари андоқдир. Чўлпоннинг юқоридаги ҳикоясидағи тўртинчи кўриниш, яъни: иккни йигитнинг кўчада тўй тўғрисида гапуришлари, қоровулнинг-да уларга қўшулиши ортиқча бир фаслдир. Ҳикоя учинчи фаслда битирилса эди, қоровул тилидан онглашилмоқ истанилған эди. Сўзлар очиқ онглашилған бўлар эди. Ҳикоянинг таъсири ҳам ортған бўла(р) эди.

Мана бундай ортиқча фасллари бўлған асарлар «ёхши тартиб этилған» саналадир.

УСЛУБ

Юқорида сўйладик: бутун ўзбек ёзғучиларининг ифодалари ўзбекча бўлғани ҳолда ҳар бирининг ўзига маҳсус бир услуби бордир. Бироқ, услубдоғи бу ҳол тубан, кучсиз адаб-ёзғучининг асарларида ўзини очиқ кўрсата олмайдир. Кучсиз ёзғучиларнинг услублари бир-бiriга ўхшаб қоладир. Улар оддий услубда, умумий тил услубида ёзадир. Шоир-ёзғучи санъаткорликда кўтарила борған сойи ўзига маҳсус бир услуб яратса бошиладир.

Шоирнинг хаёл, ўй, тушуниш шакллари тугал, комил бўлғач ўзига яраша бир услуб ҳам борлиққа чиққан бўладир.

Услубнинг адабиётдаги ўрни жуда катта, жуда муҳимдир. Бир асардаги фикрлар, маълумотларнинг эски, бошқа шоирлар томонидан айтилган бўлиши мумкинadir. Уларнинг эскилигини бизга сездиримасдан, билдиримасдан ифода қилиб, уни бизга ўқута олған куч услубдадир.

13 Эски адабиётимизда «Лайли-Мажнун» достони бор. Буни форс шоирлари, турк шоирлари неча дафъалар ёзғандардир. Ҳаммасида ҳикоя бирдир ва воқеа бир ту (р)лидир. Бироқ, форсча-туркча билган бир киши уларнинг форсиларидан «Низомий»ни, ондан кейин «Жомий»ни ўқирадир. Хисравға¹³ келгач, Навоийни албатта уларга таржиъ қиладир¹⁴. Фузулийни кўргач, Навоийнинг¹⁵ «Лайли-Мажнун»ини токчага қўйуб, Фузулийни ўқишига

мажбур каби бўладир. Мана булар «услуб»нинг ишидир.

Эски-янги шоирларимиз орасида ишқ, ҳижрон (севги, айрилиқ, йўлида кўб нарса ёзилған, олардағи фикрларнинг бир-бирига ўхшағанлари очиқ кўринадир. Бироқ бу йўлда Чўлпоннинг:

Кетдингми мангуга ташлаб,
 Қолдимми қайғуларим-ла?
Хижроннинг куйини бошлаб,
 Иғловчи чолғуларим-ла!
Севгимдан сўнгги малаклар
 Тўб-тўғри кўкками учди?
Кўнглимдан тоза тилаклар
 Ёвнингми бағрига тушди?
Ортиқ сен мендан узоқда
 Кўзларни ўйнатасанми?
Ортиқ сен бошқа булоқда
 Дилларни қайнатасанми?
Ортиқ сен ундаги борда...
 Ортиқ мен якками қолдим?
Фарёд йўқ... барча жаҳон жим
 Ер ютса яхши шу чоқда!...
Кетдингми сен мени ташлаб,
 Қолдимми қайғуни бошлаб¹⁶?

деб йиғлағани бутунлай янги нарса каби севилиб ўқиладир. Бу-да услубнинг ҳунаридир. Услубдаги бу ҳол тубан, кучсиз адаб-ёзғучиларнинг асарларида ўзини очиқ кўрсата олмайдир. Кучсиз ёзғучиларнинг услублари бир-бирига ўхшаб қоладир. Улар оддий услубда, умумий тил услубида ёзадир. Шоир ёзғучи санъаткорлиқда кўтарила борған сойи ўзига маҳсус бир услуб яратса бошлайдир, шоирнинг хаёл, ўй, тушуниш шаъллари тугал, комил бўлған, уларга яраша бир услуби ҳам борлиққа чиққан бўладир. Гўзал санъатларда ҳар миллатнинг ўзига маҳсус услуби бўлғани каби ҳар замоннинг ўзига маҳсус услуби бордир.

Шеърда форс услубига берилиб қолған Алишер Навоий ўзининг «Мажолис» деган¹⁷ китобида баъзи шоирларнинг таржимаи ҳолини ёзганда «туркона» ёзадир, «туркона шеърлари бор» деб кўрсатадирким, бу «турк услубида ёзадир» демакдан бошқа нарса эмас.

Оврупо санъаткорларининг да баъзи бир асарлари-

да руҳимизга яқинлиқ сезилганда «бу шарқ услугига ёқинлашибдир», деб мақтаймиз.

15 Мана бунлар ҳар миллатнинг айрича бир услуби борлигини кўрсатадир. Ўзимизнинг ўзбек чиғатой адабиётини олиб қарағанда жуда очик кўринадирким: Навоий, Бобур, Бойқаролар замонидаги услугуб билан Умархон, Фазлийлар замонидаги услугуб бир эмасдир.

Умархон замонининг услуби билан Муқимий, Авлоний замонидаги услугуб ҳам буқунги янги адабиётимизнинг услуби бошқа-бошқа услублардир.

Навоий, Бобур, Бойқаронинг уч ғазалини бир ёнда, Боту, Чўлпон, Элбекнинг уч шеърини бир ёнда қўйуб қарасақ, оралардағи услуб бошқалиғи очик кўринадир. Шунинг билан Навоий, Бойқаро, Бобурдан ҳар бирининг ўзига махсус бир услуби бўлғани каби Боту, Чўлпон, Элбекларнинг ҳам ўзларига махсус услублари бордир. Демак, услуб замон билан ўзгаргани каби шахс билан ҳам ўзгарадир. Ҳатто, яна бироз чуқурроқ бориб, бир кишининг сочим-тизим¹⁸ ёзғанида ҳам услубнинг ўзгариб қолғанини кўрамиз. Навоийнинг услуби тизимда ҳашаматли бир оҳанг билан юрадир, сочимда эса оғирлашиб қоладир. Яна бир оз ингичкарак қарағанда бир шоир услубининг асарнинг мавзуъига кўра ўзгарганини ҳам кўрамиз. Навоийнинг «Лайли-Мажнуни» даги ўйнаб қайнаған услубини унинг «Лисон ут-тайр»ида кўриб бўлмайдир. Бироқ, бу ўзгаришлар (яъни: асарнинг шакли ё мавзуъига кўра бўлған ўзгаришлар) асосий эмасдир. Навоий ҳам Чўлпоннинг услублари тизим-сочимда, ё мавзуъига кўра ўзгармак билан уларнинг «ўзлик»ларини (шахсиятларини) йўқотмайдир. Чўлпоннинг Чўлпонлиги, Навоийнинг Навоийлиги бу шоирларнинг тизим-сочим асарларида мавзуъ ўзгаришига қарамасдан кўруниб турадир.

Булардан бошқа услубнинг синфига кўра ўзгариши бор:

16 Бизнинг Ўрта Осиё ҳижрий тўртинчи асрнинг¹⁹ сўнгларидан бошлаб ислом-эрон маданияти таъсирига қаттиғ берилган. Ислом маданияти билан озиқланувчи бир мадраса — сағой гуруҳи пайдо бўла бошлаған. Бу синфнинг энг ҳашаматли кунлари, олтун даври машҳур жаҳонгир оқсоқ Темур ҳам унинг болалари замонида бўлған, ҳижрий тўқ-

қизинчи асрнинг²⁰ бошларидағина «Юсуф-Зулай-хө»сини ёзған Дурбекдан Навоий, Бобур, Умархон, Фазлийларгача, олардан замондошимиз бўлған Муқимий, Камийларгача етишган бир турли шоирлар бор. Булар ҳалиги эрон-ислом таъсири остида қолиб, сиртдагина қурилған дабдабалар, ҳашаматларни севгучи сарой-мадраса синфига қаратиб шуларга ўқутғали ёзар эдилар. Булар ўзларини юқори синф атаған аристўкрат шоирларимиз эдилар. Шулар билан бирликда, буларни сиртдаги дабдабаларига қаршу ўзининг ёлғузғина са-миймийлиги билан ўзини сақлашған тиришқон бир ада-биётимиз бор.

Булар халқ орасидан чиққан, ҳалққа, кўпчиликка қаратиб ёзған, сўйлаған шоирларимиз, бахшиларимизнинг асарларидир.

Аҳмад Яссавий, Қул Сулаймон ҳикматлари, Машраб шеърлари, ким томонидан ёзилғани онглашилмаған «Аҳмадбек», «Зуфунун» достонлари, Хивада Андалиб исмли бир халқ шоари томонидан ёзилған «Юсуф-Зулайхө» шу қаторға кирадир. Булар ҳамки синфга, сарой-мадраса синфлариға қаратиб ёзмағанлар. Кўпчиликка сиртдағи дабдабага кўра самимиликни севган элга қаратиб ёзғанлар. Шунинг учун буларнинг услублари билан юқори даражада шоирларимизнинг услублари орасида ҳам тоғлар қадар айрма, бошқалиқ бордир.

17

Навоийнинг тизим асаридан:

Саҳар ховар шаҳи чарх узра ким хайлу
ҳашам чекти,
Шиоъи хат била кўҳсор уза олтун олам
чекти.

Қазо фарроши чекти субҳи сиймин бир
супургисин²¹,
Музаҳҳаб парларин андоқ, ки товуси
харам чекти.

Муаззин Қаъба токи узра кул бонг самад
урди.
Бараҳман дайр айвонда оҳанг санам
чекти.

Яқо чок этти гоҳи субҳ ул мотамгаким ошиқ,
Бу мухлик шоми ҳижрон ичра юз хубони ғам
чекти.
Замони кулди ул ғофилга ким, даврон ситам
тиғин,

Анго урмоқни онглаб ўзгага тифи ситам чекти.
Хушо улким, мунингдек чөф, вафосиз умрни
онглаб,
Сабухий жомини аҳбоб бирла дамбадам чекти.

Навоийнинг сочим асарларидан²²:
«Төғ, төғ ниёз рафъидан сўнгра фоф, фоф ихлос юзидан
маъзур улким: бу фаслдаким наврӯз насимининг мушк-
безлиги булат мизожин ҳавоий қилибтур; лоладек сав-
дойилиқдан төғ ҳавоси, булутдек ҳавоилиқдан қиё сав-
доси бошқа тушти».

18 Бобурнинг тизим асарларидан²³:
Даҳрнинг мен кўрмаган жавру жафоси
 қолдиму?
Хаста кўнглим чекмаган дарду балоси
 қолдиму?
Мени хор эт(т)ию қилди муздаъини
 парвариш,
Даҳридунпарварнинг ўзга муддаоси
 қолдиму?
Мени ўлтирди жафоу жавр бирла ул
 қүёш,
Эмди тиргузмак учун меҳри вафоси
 қолдиму?
Ошиқ ўлғач кўрдим ўлўмни ўзимга,
 эй рафиқ,
Ўзга кўнглимнинг бу оламда ҳавоси
 қолдиму?
Эй кўнгил, гар Бобур ул оламни истар,
 қилма айб,
Тангри учун де, бу оламнинг сафоси
 қолдиму?

Бобурнинг сочим асарларидан («Бобурнома»дан)²⁴:
Яна Ҳусайн Удий эди. Удни мазалиқ чолиб, мазалиқ нарсалар айтур эди. Уднинг торини икки қилиб бир чолибдур. Айби бу эдики, бизёр ноз ила чалур эди. Шайбонийхон бир навбат соз буюур. Такаллуф қилиб ҳам ёмон-ёмон чалур; ҳам созини келтурмай ярамас соз келтирур.

Шайбоний фаҳмлар. Буюурким: суҳбатда ўқ-ғала-
ба «гардани» урат. Шайбонийхоннинг одамда бир яхши
ишиким бор, будур...

Умархондан²⁵:

19

Эй күнгүл, ҳолингни ёшурмоқقا имкон
қолдиму?
 Фош бўлмай ишқ сирри ҳеч пинҳон
қолдиму?
 Фурқати шомида аҳволимни сўрмай,
ай рафиқ,
 Ким: «Сенга Лаълидан айру тушкани
жон қолдиму?»
 Дема сунбул: «Ман киби ҳолинг надан
ошифтадир?»
 Зулфига нисбаттопан бўлмай паришон
қолдиму?
 Чатр урмиш жисм оро кўнглим қуши
товусдек,
 Кўнглима билмамки асру доғи пинҳон
қолдиму?
 Кўзгу изҳори таҳаййур айламиш мендек,
Амир,
 Бир боқиши бирга онинг юзига ҳайрон
қолдиму?

Чўлпоннинг тизим асарларидан²⁶:

«Тола йўлларидан...»
 Тола йўлларидан юриб борамен:
 Ҳар япроқ бошимда битта елпифич,
 Юмшоқ ел...
 Юзимни буруб юрамен,
 Ҳисларим ел каби енгил ўйнағач...
 Кичкина ариқнинг пастак шовваси,
 Майн товуш билан «шов»лаб турадир.
 «Ай, қўпол шаҳарнинг жанжал-ғовғаси,
 Тола йўлларида мен бораман! »дейдир.
 Тола йўлларида телбалар каби

20

Эртадан кечгача мен ҳам чопамен.
 Афсоналардаги дар-бадар каби
Кимсасиз ерларга қўюн очамен,

 Кимсасиз ерларда сирлар айтилди,
 «Faflat» уйқусидан уйғониб кетдим.
 Янги нашидалар дилга бетлади,
 Уларда туганмас маъни дарж этдим.

Шовва товушлари эркин шеъримга
Олтун қанот тоқди афсоналардан;
Олқишилар құзғалди гул-лолалардан,
Үзлик ёт күрунди турған еримга...

Үзликтан ташқари бир дүнә құрдим...
Иккимиз ўшанда оқиб борамиз,
Фоний қырғоқларни йиқиб борамиз,
Хақиқиي «бирлик»га шунда йўл бўлдим!

Шу он... «ўзлик»ларни уруб борамен,
Тола йўлларидан юруб борамен!....

Чўлпоннинг сочим асарларидан²⁷:

Самандар aka уйига келгунча кўнглидаги туйғулар билан тортишиб келди. Ўзининг пири — устозига тузукгина, каттагина, иложи бўлса, бошқа муридлар бера олмаған бир нарса бермакчи эди. Бироқ, уйида арзигудек бир нарса йўқ, арзийтурған нарсалари бўлса, барчаси қарзга кеткан...

21 Кўб ўлади. Бироқ, ҳеч бир нарсага кўнгли ҳарф топмади, агар илгариги вақт бўлса, олақашқани тутар эдим... Кўнгли оғриди; бир замонги бойликлари, давлатлари эсига тушди. Олақашқаси, тўриқ йўргаси, бўйи тевадек Масков зовут оти... уч файтун, ер-суви...

Унча-мунча беришни ўзига эп бўлмади. Бошқа нарсаларни босиб кетгундек бир нарса беришка ўйлар эди. Элбекнинг тизим асарларидан.²⁸

Бибихоним мадрасаси

«Ўтмишдан эсадалик», дедим буни мен
Чиндан-да эсадалик учун яшар;
Қув-қувлаб рақс урған бир кўб кўкарчин,
Менга ўтмишлардан эртак айтишар.

Бир замон кўкларга қанот ёзған бу
Севикли муҳташам, ҳайбатли бино,
Емирилиш соатин кутгандай бўлуб,
Кўрунур кўзларга қайғилиғина.

Ер юзин титраткан зўр ботирларнинг
Ўлгач қолдирғучи суюкларидай,

Ер узра тўпланған киргич йифини
Юракка урадир алам тигини.

Нетайин билмаймен мен ҳеч йифини!
Билсайдим бошлардим йифи-сиғини!
Құзим ёш үрніга олов сочадир,
Йимрик үрінларға құйнин очадир.

Олтін-ла ёзилған таърих бетига
Қарайдір, үзіга боблар очадир.
Үқийдір; бул бобда бундайин маъни:
«Хар бир иш бир ҳолда қолмағай», яъни:
Хар бир камчилик қолмас мангулик;
Бир кун чиққуси яна янгилик...

Эл шоири Андалибнинг «Юсуф-Зулайхө»сидан:

Күрмасам бир замон тоқатим йүқдір,
Мени зор ингратиб, құзим, айрілма.
Сен кетарсан, мен қолурман зор йиғлаб,
Хижрон ўти бирлан бағримни доғлаб,
Қайси бир ошнодин сени сүроғлаб,
Шунқорим, лочиним, құзим, айрілма.

- 23 Мана шу ўрнаклар²⁹ Навоий замони, Умархон замони ҳам бу куннинг услублари орасыдағи айрманы құрсаған каби бу шоирлардан ҳар бирининг үзіга маҳсус бир услубини ҳам құрсағады, ҳам оларнинг тизим-соғым асарларидаги үзгариш күриниб турадыр.

СОЧИМ, ТИЗИМ

Сўзлар, гапларни уюштириб тузилган асарлар адабий бўлсун-бўлмасун, икки йўсиндан бирида тузуладир:

Сочим, тизим (назм, наср)

Бир асарда сўзлар, гаплар белгили бир оҳангга бойланмасдан, белгили бир ўлчов билан ўлчаммасдан тарқалиб, сочилиб тузилган эса ул асар «сочим» йўсунида тузилган бўладир: Мисол, Кампирнинг қарифан, қуриған кўзларидан йироқ-йироқ ерлардан икки томчи ёш келди. Бутун танини, мучаларини босиб, эзив, синдириб келган у икки томчи ёшни енги билан артғандан сўнг отаси ҳам шундай қизим... дейди. (*Чўлпон*)³⁰.

Бир асарда сўзлар, гаплар белгили бир оҳангга бойланаб, белгили бир ўлчов билан ўлчаниб тизилган бўлса, у асар «тизим» йўсунида тузилган бўладир.

Юракда умидлар амаллар,
Тузумсиз қароғни босаркан
Нега мен чақмоқдек югурмай?!
Эскиган, чуруган тамаллар,
Йўқликка эгри йўл босаркан
Нега мен ундан юз ўгурмай?!

(Боту)³¹

24 Тизимнинг ҳар бир кесиги бир «мисраъ» бўлуб, ҳар икки мисраъи бир «байт» аталадир. Ботунинг юқоридаги тизим шеъри олти мисраъ ёки уч байдир³².

Тилларнинг оҳанг эътибори билан бир-бирида бўлмаған ҳоллари бордир. Рус тилида «босим» (ударение) бор³³. Бунинг сўз орасидағи ўрнини қоида билан билиб бўлмайдир. Сўзниг охирида, ўртасида ўринлашадир. Бутун турк тилларида эса «босим» сўзниг охирида бўладир. Босими охирида бўлмаған сўзлар жуда оздир.

Форсийча ё арабчада қай бир чўзғини «тўрт чўзғи» каби чўзиш мумкиндири. Ҳар тилнинг ўзига маҳсус бўлған бу ҳоллари бу тилнинг «тизим» (наср) усулларига кучли таъсир қиласидир. Шунинг учун ҳар тилнинг шу ҳолларига уйғун бўлған «тизим ўлчови» «пармоқ (бармоқ) вазни» аталған ўлчовдир³⁴.

«Пармоқ вазни» бутун турклар учун-да, биз ўзбеклар учун-да миллий вазнидир, мусулмонлардан бурун бутун турк шоирлар шул «пармоқ» вазни билан тизимлар, шеърлар ёзар эдилар.

25 Мусулмонлиқдан сўнгра турклар орасида, шаҳарларда, сарой теграларида араб-форс маданиятига берилган, шунинг таъсири билан етишкан бир синф (хос синфи) туради (пайдо бўлади). Бу синфдан етишкан мадрасас-сарой шоирларимиз араб-форс адабиёт мактабларида етишкан кишилар эдилар, булаар араб-форс тилларининг ҳалиги «мадд»лик³⁵ оҳангига уйғун бўлған «аруз» вазнини қабул қилдилар ҳамда ўз шеърларини, ўз тизимларини шул вазнда ёздилар. Шундай бўлуб, араб-форснинг аruz вазни биз туркларнинг-да бир синф шоирларимиз учун тизим ўлчови бўлди.

Миллий вазнимиз бўлған пармоқ вазни буларнинг орасидан чиқди. Миллий вазн, пармоқ вазни бу санъ-

аткор шоирларимиз орасидан чиққан бўлса ҳам йўқолмади, ўлмади. Эл-улус аро ёйилиб қолди, эл-улусимиз ўзининг қўшуқларини, ашулаларини шул вазнда айттилар, достонларини шул вазнда ўқудилар. тингладилар. Араб-форс маданияти таъсири остиға киргандан замонамизгача (ўн икки мулчар — аср чамасида) бизнинг тизим ўлчовимиз шу ҳолда давом этти: араб-форс мадрасасида етишкан сарой шоирла-ри, хос синфиға маҳсус шоирлар аруз вазнида ёзуб ўқудилар. Араб-форс адабий руҳига бўйинсинмаган эл шоирлари, турк бахшилари пармоқ вазнини берк тутдилар. Шу билан юрдилар. Шундай бўлиб, ўзбекларда-да тизим ўлчови икки турли бўлиб қолди: биринчи, ўзимизнинг миллий вазнимиз бўлған пармоқ вазни, иккинчиси, араб-форс ўлчови бўлған аруз вазни.

ПАРМОҚ ВАЗНИ

Миллий вазнимизда асос сўз бўғимларининг саноғидир. Бир байтнинг биринчи мисраъи неча бўғум эса, иккинчи мисраъи ҳам шунча бўғум бўладир.

26 Бўғимларнинг ҳарф³⁶, чўзғи³⁷ сонларига эса аҳамият берилмайдир.

Бир ҳарфли бўғум билан икки ҳарфли бўғум баравар саналадир.

Бир байтнинг вазнини кўрмакчи бўлғанда, биринчи мисраъ бўғумларини пармоқ билан санаб ўқиймиз. Сўнгра иккинчи мисраъи бўғумларини санаймиз, баравар келса вазн тузукдир деймиз. Бу вазни «пармоқ вазни» дейишимизга сабаб шудир:

Кўнглимда бўлған севги тамуғи:
Дардли кўнглимнинг севган озуғи,
Бу тамуғдаги оловлар сўнса,
Тириклигимнинг сўнар ёруғи³⁸.

Ботунинг мана шул икки байтининг вазнини кўрмакчи бўлғанда шундай қиласиз:

Кўнг-лум-да — бўл-ған — сев-ги — та-му-ғи — 10
Дард-ли — кўнг-лим-нинг — сев-ган — о-зу-ғи — 10
Бу — та-му-ға-ди — о-лов-лар — сўн-са — 10
Ти-рик-ли-гим-нинг — сў-нар — ё-ру-ғи — 10

Кўринадурким, Ботунинг юқоридаги шеърининг ҳар мисраъи ўнлар бўғумдандир. Демак, бу шеър пармоқ вазнининг «ўнлик» қисмидандир. Масалага шу билангина тўхтамаймиз. Ҳар мисраъниң ўрта ерида бир-икки туриш ўрни бўладирким, биз мунга «туроқ» деймиз.

Бир мисраъниң бўғумларини «туроқ»ларини сана-ғанда шул «туроқ» ларни кўзда тутамиз.

27 Туроқнинг икки ёнида бўлған бўғумларни айри-айри санаймиз:

Кўнглимда бўлғон — севги тамуғи $5+5$
Дардли кўнглимнинг — севги озуғи $5+5$

Демак, Ботунинг бу ўнлик тизмаси ($5+5=10$) шаклида экан. Вазнда кенглик истаганлар шу «туроқ» масъаласига аҳамият бермайдилар. «Вазнда бу қадар ингичкалик шоирнинг илҳомини бўғмоқдан бошқа бир фойда бермайдир», дейлар. Бу сўз тўғридир. Бироқ, биз бундаги мисолларимизни туроқлари билан кўруб чиқиши муносиб кўрдик. Бизда пармоқ вазни тўртлиқдан ўн олтиликкача бўладир. Мисоллари шулардир:

Т ў р т л и к:

Ўлган келмас,
Ўчқон ёнмас.

(Эл сўзи)³⁹

Б е ш л и к:

Ёш қиз юзини,
Қора кўзини
Кўролмадим мен.

(Боту)⁴⁰

О л т и л и к:

Яхши топиб сўйлар,
Ёмон қопиб сўйлар.

Е т т и л и к:

- | | | |
|----|--|-------|
| 28 | a) Чархим таноб — ташлайдир,
Бир балони — бошлайдир. | $4+3$ |
| | б) Сув келар — гулдир-гулдир,
Севганим -- қизил гулдир. | $3+4$ |
| | Севганим — топилмаса,
Ўлганим — ўшал кундир. | $3+4$ |
| | | $3+4$ |

Шоиримиз Чўлпон еттиликтининг икки турининг оғирроғини оралаштириб шеър ёзған⁴¹:

Мен кучли — менда исён,	3+4
Мен тўлқун — менда туғён,	3+4
Кўпурарман — тошарман.	4+3

С а к к и з л и к:

Қел ўтиргил — сажда қилғил,	4+4
«Лот, монатка» — банда бўлғил,	4+4
Ё жонингдан — умид узғил,	4+4
Ёш ўғлон — келганинг надир?	3+5

(«Зайнулараб»)⁴²

Т ў қ қ и з л у қ:

Юракда — умидлар — аламлар,	3+3+3
Тўзимсиз — қарогни — босаркан,	3+3+3
Нега мен — чақмоқдай — югурмай.	3+3+3

(Боту)⁴³

Ёлғузликларда — чидагандим,	5+4
Чунки мен сени — ўйлагандим.	5+4

(?)⁴⁴

Ў н ли к

Отимдир ўғуз — билинглар аён,	5+5
Номимдир Хисрав — билинглар яқин.	/ ? /
Эрка малак — аччиғланмам сенга,	4+6
Ўчурсанг-да — кўкка юрак кулин.	4+6

(Ф.)⁴⁵

Ў н б и р л и к:

Утрук бўйидаги — барча ту/р/кманлар,	6+5
Дўстим, хабар бергил — омон-эсонми?	(?)

Ў н и к к и л и к:

Сўзим қаттиғ — тилим аччиғ — ўзим золим,	4+4+4
--	-------

Гариб жоним — сарф айлайсан — йўқдур

молим.

(Яссавий)⁴⁶

Узун, узун арғамчи — йўлда ётарми?

Эсизгина Маллахон — гўрда ётарми? 7+5

(Ашула)

Кечаги қайнашлар — пасайған бўлса-да,

Кечаги ҳужумлар — сусайган бўлса-да, 6+6
(Боту)⁴⁷

Ўн учлик:

Салом сенга, малакларнинг — улуғ раҳбари,
Билим, ҳикмат кўкларининг — нурли ҳулкари.

8+5

(Ф.)

Ўн тўртлик:

Дунё, дунё, сан дунё — кимга вафо қилибсан?
Сендан вафо кутганга — сен кўб жафо

қилибсан.

7+7

Үқтириш: бир ўн тўртлик мисраъ икки (мисраълик) еттилик мисраъ бўла олғани учун бу вазнда оз ёзиладир.

Ўн бешлик:

Гўзал юлдуз — еримизнинг — энг қудратли —
тувфани,
Нега биздан — қочиб мунча — узоқларга —
тушубсан.

4+4+4+3

(Ф.)⁴⁸

Ўн олтилик:

Гашт этдим тоғу тузлари, кўрдим ажойиб
қизлари,
Бизнинг ернинг канизлари — ҳур ила филмон
мани зор.

8+8

Үқтириш: ўн олтилик вазннинг мисраълари жуда узундир; ҳамда ҳар бир мисраъи иккита саккизлик мисраъ бўларликдир. Шунинг учун бу вазнда оз ёзиладир.

Эмди аруз вазнини кўрайлик.

АРУЗ

Юқоридағи фаслларда сўйлаганимиз каби тизимда вазн масаласини миллат ўз тилининг баъзи хусусиятларига кўра ҳал қилғандир. Бизнинг тилимизга уйғун келатурған вазн, албатта, миллий вазнимиз бўлған пармоқ вазnidir. Бироқ эрон-араб таъсири остида аруз вазни ҳам адабиётимизга кирган, муҳим ўрин олған,

муваффақиятсиз бир шаклда кенг суратда букунга-ча давом этиб келган. Сўнг кунларда ёш ўзбек адабиёти замонида ўз ўрнини яна пармоқ вазнига топшириб, орадан чекилмоқдадир.

31 Аруз вазни арабникидир. Араб шу вазнларда шеър ёзған. Ҳижрий (170-нчи) йилда ўлған имом «Ҳалил ибн Аҳмад» бу вазнларни йириб, белгили қоидалар остига киргизди, аруз қоидаларини тузди. Араб олими томонидан тузилган аруз қоидаларини форслар ҳам форсий шеърлар учун қабул қилдилар. Бироқ, форсий шеър учун қабул этилган аруз араб арузининг худди ўзи эмас эди. Форслар араб арузини тузатдилар. Қамчиликларини тўлдирдилар. Ўзларининг миллий вазнларини ҳам шу қоидаларга эргаштириб арузга киргиздилар.

Мана шундай қилиб, араб арузини араб-форс арузи ҳолиға келтирдилар. Бизнинг Ўрта Осиё турклари томонидан қабул этилган аруз шул араф-форс арузи дир. Бизнинг Ўрта Осиё турклари томонидан қачон қабул этилгани аниқ эмас. Бироқ ҳижрий 462 да Қашқарда ёзилған машҳур «Қутадғу билик» китобининг шу аруз вазнида ёзилғани эътибор этилса, жуда эскидан қабул этилгани маълум бўладур.

АРУЗ УСУЛИ

32 Юқорида айтилган эдиким: бизнинг пармоқ вазнимизда пармоқ асоси сўз бўғинларидир. Бизда тизим ўлчови сўз бўғимларининг санашидир. Аруз ҳам шундайдир. Аруз ҳам асос қилиб сўз бўғимларини оладир. Бироқ у чўзғиларнинг узунлик, қисқалигини ҳам кўзда тутадир. Бир неча сўз бўғимилидир. Ҳар бўғумида неча ҳарф, неча чўзғи бор? Чўзғилари узумми, қисқами? Мана, араб-форс арузининг текширгани шулардир. Бу текшириш жуда айланмали йўл билан борадир. Араб-форс арузчиларининг бу айланмали йўлларини мунда чизиб кўрсатмак фойдасиз, кулунч бир иш бўладир. Шунинг учун биз уларнинг тубтилакларини ўз йўлцмиз билан онглатарға тиришамиз.

Арузчилар сўз бўғумларининг асосан, шу қисмларга ажратганини кўзда тутадилар: а) бир ҳарф,

бир қисқа чўзғили бўғум: **ма**, **ба** каби;* б) бир ҳарф бир узун чўзғили бўғум: **ё**, **бу** каби; ж) икки ҳарф, бир қисқа чўзғили бўғум: **гал**, **бул** каби; д) икки ҳарф бир узун чўзғили бўғум: форсча **шоҳ**, **хўб** каби**. Аруз билан ёзилған бир тизимнинг вазнини текширганда ҳар мисраънинг ҳар сўзининг ҳар бўғумида неча ҳарф қандай чўзғи борлигини текшириб турмоқ, албатта, оғирдир.

Шоирни(нг) илҳомини бўғуб, тил текширишга мажбур қиласадир. Арузчилар мана шу оғирлиқдан қутулмоқ учун юқоридағи чўзғи тақсимни кўзда тутуб, ф, ъ, л, н, т, с ҳарфлари ҳам узун-қисқа чўзғилардан ўлчов сўзлар тузганлар:

«Қа-ни-сен — фаъ-лун», «ке́л-ди́м — фаълу́н», «ке́л-ди́м — бу-ку́н мус-таф-и́й-лун» каби. Мана шу ўлчов сўзларига арузнинг усуслари дейиладир.

Аруз усуслари арабларда ўнтадир. Улар бу ўн усуслни турли-турли ўзгартириб кўпайтирганлар.

33 Бу ўн усусл ўзгартмалари билан жуда кўпайдир. Биз бу ерда ёлғуз ўзбек-чиғатой тизимларида қабул этилганларинигина кўрсатиб ўтишни етарлик топдик.

Ўзбек-чиғатой тиэмаларида араб-форс арузидан олинган ўлчов сўзлари — аруз «усуллари» шулардир:

Мафъулун — мафоъийлун ⁴⁹	Муфтаъилун — муфталиъун (тузатиш).
Фаъулун	Фоилун
Мафъулу	Фаъилотун
Мафоъийлун	Фаул
Мафоъийлу	Фаълу
Фаал	Фоилоту
Фоилотун	Фаъ — фоъ
Файлун — фаълун —фаилун	Мустафъилюн Мустафоъийлун

Буларнинг маънолари йўқдир. Ёлғузгина «ўлчов» сўзларидир. Бир тизимни ўлчаганда шулардан бир қанчасини қаторлаб қўйуб ўлчайдирлар. Мисол учун Бобурнинг шу байтини ўлчаб кўрайли:

* Форс-арабнинг учун чўзғиси ўзбекчада йўқдир. Шунинг «мадд» (—) билан кўрсатишка мажбур бўлдим.

** Арузчилар «Аруз усулининг руқнлари» деб сўзларни «сабаб, ватад, фосила» исмлари билан учка ажратадирлар. Мен форс адабиётининг аруз қисмини ёзғонда бу тақсимни асоссиз кўруб, юқоридағича тақсим қилғон эдим.

Вазни: Мофойлун, мафойлун, фаъулун

Сени кўрмай йироқдин зор бўлдим,
Бир оз ёд эт йўроқдин зорларни⁵⁰.

Улчаш йўли: Сени кўрмай — мофойлун; **йироқдин зо** — мафойлун — р бўлдум — фаъулун.

Бир оз ёд эт — мафойлун; **йироқдан зо** — мафойлун; — **рларни** — фаъулун.

Арузчилар юқорида кўрганимиз ўлчов сўзларидан турларини турли тартибда бирлаштириб, аruz «баҳр» ларини тузганлар.

Аruz истилоҳида «баҳр» вазн туркуми демакдир. Ҳар «баҳр»да бир-бирига яқин кўб вазнлар бордир. Араб арузида ўн олти баҳр бордир⁵¹:

35

- | | |
|----------|---------------|
| 1. Мадид | 9. Мужтасъ |
| 2. Тавил | 10. Муктазаб |
| 3. Басит | 11. Музориъ |
| 4. Вофир | 12. Ҳафиф |
| 5. Комил | 13. Мунсариҳ |
| 6. Рамал | 14. Сариъ |
| 7. Ражаз | 15. Мутақориб |
| 8. Ҳазаж | 16. Мутадорик |

Форс шоирлари араб арузининг ўн усулидан беш-тасинигина ўзгартмалари билан қабул қилғанлар. Арабнинг 16 баҳридан бошдағи бештасида оз шеър ёзғанлар. Ҳамда ўз миллий вазнларини «жадид», қариб, мушоқил исмли уч баҳр остида йиғиб, ҳалиги 16 баҳрга қўшғанлар⁵².

Шул йўл билан араб-форс арузидаги баҳрларнинг сони ўн тўққузга эришган.

Чигатой-ўзбек шоирлари эсалар, бу баҳрларнинг ҳаммасидаги ҳамма вазнларда шеър ўқуғанлар. Ўзларига қулай қурулған баҳрларнинг баъзи вазнларинигина ишлатганлар.

Чигатой-ўзбек адабиётида ишлатилган аruz вазнлари шулардир:

I

БАҲРИ ҚОМИЛДАН БИР ВАЗН

Вазни: мутафоилун, мутафоилун, мутафоилун
(мутафоилун)

Ҳами зулфи, орази даврида магар ул қамарки бу ҳоладур,

Юракимда фурқати зўридин ишим оҳу дард ила ноладур.

Ўлчаш йўли:

Ҳами зулфи о — мутафоилун, — рази даврида — мутафоилун, магар ул қамар — мутафоилун, ки бу ҳоладур — мутафоилун, Юракимда фур — мутафоилун, — қати зўридин — мутафоилун, ишим оҳу дар — мутафоилун, — д ила ноладур — мутафоилун.

II

а) Фоилотун фоилотун фоилотун фоилун

Бўлди гул вақтию мен дарду ғамида мубтало,
Ишқ ўтида лоладек бағримда юз доғи бало.

(Бойқаро)⁵³

Ўлчаш йўли:

Бўлди гул вақ — фоилотун, — тиу мен дар — фоилотун, — ду ғамида — фоилотун, мубтало — фоилун:
Ишқ ўтида — фоилотун, лоладек бағ — фоилотун, — римда юз до — фоилотун, — ғи бало — фоилун.

б) фоилотун фоилотун фоилун

Нечаким қилдим вафо кўрдим жафо,
Нечаким кўрдим жафо қилдим вафо.

(Бобур)

37 Нечаким қил — фоилотун, — дим вафо кўр — фоилотун, — дим жафо — фоилун; нечаким кўр — фоилотун, — дим жафо қил — фоилотун, — дим вафо — фоилун.

ж) Файлутун файлутун файлутун фаулун

Ёр юзимни кўруб дарду ғамим бисса керак,
Юз кўруб дарду ғамим чорасини қилса керак⁵⁴.

(Бундан бошлаб ўлчаш йўли кўрсатилмайди. Юқоридоғи ўрнакларга қараб тилдангина ўлчаб бориш керак.)

д) Файлутун файлутун файлутун файлутун

Гулинг ар қолмади гулзорда бўстонда

нашиман.

Лекин ўлдинг чаманистони фасоҳатда

саромад.

(Комил)

х) Файлутун файлутун файлутун

Хон Самарқандни олдирғанда,

Боёги қалъада ўлтурғандан.

III

Баҳриражаздан иккивазн

а) мустафъилун мустафъилун мустафъилун
 мустафъилун

Даврон ғамин барбод қил, ишрат уйин обод
 қил,
Жону күнгилни шод қил, овози чангы
 най била⁵⁵.

- 38 б) муфтаилун мафоилун, муфтаилун мафоилун
Боғи жаҳонки хуш эрур гулшани
 аишхонаси,
Роҳати жисму жон эрур базми адаб
 нишонаси⁵⁶.

IV

Баҳри ҳазаждан етти вазн

а) в а з н и : мафоилун, мафоилун, фаулун

Тўкуб қоним тараҳҳум қилмадинг ҳеч,
Қўруб ҳолим табассум қилмадинг ҳеч.

(Бобур)

- б) **Мафоийлун мафоийлун мифоийлун мафоийлун**
 Қиласар эрдим бурун Фарҳоду Шир/ин/
 достонига,
 Бу Шириндурики, онинг бирла ўқ ҳам достон
 ўлдум.
(Бобур)

- ж) **мафъулу мафоийлу мафоийлу фаулун**
 Эй гул, мени зор этмаки, ҳуснунг чаманида,
 Бир кўз юмуб очғунча бу гулзор топилмас.

(Бобур)

- д) **мафъулу мафоийлун фаулун**
 Девона бўлуб чиқиб жаҳонда,
 Овора диёру хонумонда.
- х) **мафъулу, мафоийлун, маъгулу мафоийлун**
 Ҳар ёнғаки азм этсам ёнимда борур меҳнат,
 Ҳар сорики юз тутсам ўтрумға келур қайғу⁵⁷.
- в) **мафъулу, мафолун мафоийлу фаол**

Ед этмас эмиш кишини ғурбатда киши,
Шод этмас эмиш күнгүлни меҳнатда киши.
Күнгүлум бу ғариблиқда шод ўлмади ҳеч,
Ғурбатда севинмас эрмиш, албатта, киши⁵⁸.

(Бобур)

- з) мафъулу мафоийлун фаъулун

Тонг отти, жаҳон зулмати битти,
Мунгли кеча минг дард ила ўтти.

V

Баҳри мужтассдан икки вазн

- а) мофоилун фоилотун мафоилун файлун

Қўнгулга бўлди ажойиб бало, қаро сочинг,
Шикаста кўнглум бўлмиш қаро, бало, сочинг⁵⁹.

- б) мофоилун фоилотун мафоилун фоилотун

Не тонг, агар сени кўрмай фифон қиласай туну
кун мен,

Ки умр бўйича менга рафиқи дарду балосен.

VI

Баҳри музореъдан икки вазн

- а) мафъулу фоилотун мафоийлу фоилун

Жонимдин ўзга ёри вафодор топмадим,
Кўнглумдин ўзга маҳрами асрор топмадим⁶⁰.

- б) мафъулу фоилотун, мафъулу фоилотун

Зулфинг аро дориқ сабза ичидаги лола,
Ул чашми пур хуморинг лоладаги ғазола⁶¹.

VII

Баҳри ҳафифдан бир вазн
фоилотун мафоилун файлун

Санъатим онда соз чалмоқ иши,
Қилмайин мен каби ишимни киши.

VIII

Баҳри мунсарихдан икки вазн

- а) муфтаилун фоилоту муфтаилун фаъ

Улки менга ёри дилнавоз кўрунди,
Жаврни кўрсатти кўбу оз кўрунди

- б) муфтаилун фоилун, муфтаилун фоилун

Шоҳи гулу настарон ҳид берур бўйидан,
Атрини мушки Хўтан касб қулур бўйидан.

IX

Баҳри сареъдан бир вазн
муфтаилун муфтаилун файлун

Эски амомага бўлуб печ-печ,
Ҳечдин ўзга нима йўқ онда ҳеч.

X

Баҳри мутақорибдан уч вазн

а) фаулун фаулун фаулун фаул

Чу Дорони даҳр этти жондан сутух,
Скандари жаҳондор Доро шукуҳ.

б) фаълу фаулун, фаълу фаулун.

Эй юзи насрин, қомати шамшод,
Неча қилурсан жонима бедод.

- 41 ж) фаулу фаулун, фаулу фаулун, фаулу
 фаулун, фаулу фаулун
Хамиша туби қадингга вола, ҳамиша ошиқ
 руҳингга лола,
Хамиша ҳайрон кўзингга абхор, ҳамиша
 ошиқ лабингга кавсар.

Араблар юқоридағи вазндан ёлғуз саккиз рукнлик
ёзсалар-да: форс, турк шоирлари 16 рукнлик ёзған-
лар.

Мисолимиз шул 16 рукнликдир.

XI

Баҳри мутадорикдан бир вазн
фоилун фоилун фоилун

Сен каби кўрмадим бир вафосизни мен,
Мен каби кўрмадинг бир вафолиқни сен.

Мана чигатой-ўзбек адабиётида қабул этилган аруз
вазнлари шулардир. Бироқ бу узул-кесил бир гап эмас.
Охтариб топқонимиз шулардир. Яна топилса, илова
қилинадир, албатта.

АРУЗНИНГ БИЗНИНГ ТИЛГА ЕРАМАГОНЛИГИ

Юқорида сўйладикким, араб-форс сўзларида туркча
сўзлардаги босим ўрнида «мадд» бор, бу «мадд» ҳам
туркчанинг босими каби вазннинг охирида келмайдир.
Сўзнинг ҳам чўзғисини «маддламак»— тортиб, чўзиб
айтмак мумкиндири.

Сўнгра араб-форс сўзларидағи «мадд»нинг бизнинг тилдаги босим каби белгили бир ўлчови йўқдир. Уни бир узун чўзғидан 4 узун чўзғигача тортмоқ мумкин-дир.

Шунинг учун аруз усуулларини «қисқа маддли», «узун маддли» деб ажратиб тақтиъ қилишга мажбур бўламиз. Бизнинг тилда эса мадд йўқдир. Аруз вазнида асар ёзғанда аруз усулидаги «узун маддли» ўлчовга тўғри келтурмак учун туркча сўзларни ҳам «узун мадд» билан айтиш лозим келадир, бу эса жуда кулуңч бўла-дир.

Арузниng энг оҳангли, энг ўйноқи бир вазнида ёзилған туркча бир шеърни қишлоқда яшаған, ўз тилининг оҳангини бузмаған бир туркка ўқутсангиз-у, тинглағани шеърда туркча сўзларнинг чўзулуб, туза-тиб bemаза этилиб айтилганини эшигтгач, албатта, куладир-да, тинглағани шеърнинг бир турк оғзидан чиқ-мағанига ҳукм қиладир. Эмди шу даъвонинг қуруқ далилсиз бўлмағанини кўрсатмак учун мисоллар келтирайлик:

Д у р б е к д а н:
(муфтаилун муфтаилун фоилун)

Бор эди Миср элида бир бутпараст,
Юрур эди Мисрда пайваста маст.
Барча онинг ю..зина олдирди кўз,
Борчасининг оғзида қолмай. .ди сўз.
Жумлайи номусингға айлар зиён,
Се..ни қилур айб бу халқи жаҳон.

Б о б у р д а н:
(фоилотун фоилотун фоилун)

Ўзни, кўнгил, айш или тутмоқ керак,
Бизни у.. нутқонни у.. нутмоқ керак.
(мафиулун 4 дафъа)

43 Тиё олмон йифи..ни кўргач ул ёшни,
 вале ул ҳам,
 Кўзим ёши..ни кўргач асрой олмас юзни
 кулгу. .дин⁶².

Н а в о и й д а н:

(мафъулу мафиулун фаяулун)
Е..рим кечаким насими гулбез,
Бўлди чаман аҳли узра гелрез.

К о м и л д а н :

(мафоийлун 4 дафъа)

Гули рухсорингу сарви қадингнинг о...рзу. .си. да,
Килур қумрию тўти тун-кун алхону нағма келгил.

(фоилотун фаилотун фаилотун фаълун)

Үртониб фурқати ў. .ти. фа, басе, зор ўлдим,
Роҳатим кетти ғаму ғусса била ёр ўлдим.

У м а р х о н д а н :

(фоилотун 4 дафъа)

Ёраб, ул ойнинг насими субҳи фарроши — мудур?
Ё бу ғавғолар фироқ аҳлини ғавғоси — мидур⁶³.

Мана шу мисолни етарлик кўруб, масаланинг бош-
қа томонига қарайлик, аruz вазни билан шеър
сўйлашга давом эта берганда бора-бора тилимиз би-
лан аruz вазнининг бир-бирига келишиб қолиши мум-
кинми?

44 Албатта мумкин, бироқ, форсий, арабий сўз-
лар билан, ҳам форсичанинг васфи, изофий тар-
киблари билан тилимизни тўлдирмоқ шарти билан
мумкиндир. Бу ишдан на фойда кўрамиз,
уни билмайман. Аруз вазнини севгучи усмонли
адабиётларидан баъзилари табиий ҳодисаларнинг
ҳар бирида бўлған ўзига маҳсус оҳангини аруз
вазнларидан топмоқ мумкиндир. Шунинг учун
қайси мавзуда шеър ёзмоқ истаганда шул мав-
зузъга муносиб бир вазни топиб олармиз. Нетайким:
усмонли шоир Тавфиқ Фикрат ёғмур от-
ли тизмасида фаулун, фаулун, фаулун, фаул ваз-
нида ёзадур. Бу вазнда эса ёғмурнинг оҳангига
ўхшаш сингарларни «ғавсатғучи, бўшатғучи бир
оҳанг бордир», деб айталар.

Менинчча, бу даъвонинг ҳам асоси йўқдир. Чунки,
Тавфиқ Фикратнинг ғавсатғучи вазнида форс шоири
Фирдавсий ўзининг «Шоҳнома»сини ёзған қилич,
қалқон, олов, қон майдонларини жуда яхши тасвир
этган «Шоҳнома»нинг уруш майдонларини ўқуған-

да ҳалиги «ёғумрнинг ғавсатғучи оҳангис» сира эсин-гизга келмайдир.

Навоий ҳам шул вазнда ўзининг «Искандарнома» сини ёзған. Онда буюк уруш майдонларини бутун фо-жеъалари билан кўрсатгандир. Тўғридир: форс шеърларидағи вазнлар орасида жуда ўйноқи, жуда шўх вазнлар бор. Бироқ, буларнинг гўзалликлари шул форс тилидагина қоладир.

Бизнинг тилимизни форсий-араб сўzlари билан тўлдирмағанга у вазнларни усталик билан ишлатмак мумкин эмасдир.

45

ҚОФИЯ

Мисраъларнинг охирида товушлари бир хил турли бўлған сўз бўғумлариға қофия дейиладир.

Ботунинг:

Адам адамдир, саждалар ортиқ,

Адам сўzlари адамга тортиқ.

Бордан тугар куч бунга бор шоҳид,

Ўйларинг тубсиз, самалсиз зоҳид

деган шеърида «тортиқ» билан «ортиқ» сўzlари қо-фия бўлғани каби «шоҳид» билан «зоҳид» сўzlари ҳам қофияядир. Бурунги шеърларимизда қофиянинг жуда катта ўрни бор эди. Ҳатто, вазн, қофияси бўлмаған асар шеър санаалмас эди.

Тизма асарларнинг шаклларига кўра қофиянинг белгули тартиби бор эди. Масалан, асар «маснавий» (иккилиқ) эса ҳар икки мисраънинг ўзига маҳсус қо-фияси бўладир; ғазал эса, қофиянинг биринчи икки мисраъи билан ондан кейинги ҳар бир байт охирида бўлиши кўриладир.

Маснавийдан мисол:

Тошкент эшиги очилғунча,

Ондаги мастрлар ойилғунча,

Сизни бу банд ила асрар биз,

Айламанг хавф бу ишлардан сиз.

Қалъяни холи этуб чиқсанулар,

Буржу боруларини йиқсанулар.

(«Шайбонийнома»дан)

Фазалдан мисол:

Фунчадек күнглум менинг гулзор майли
қилмағай,
Фам билан буткан күнгил гулгашт ила
ицилмағай.
Ранго-ранг гуларингни, боғбон, арз
этмагил,
Таҳ-батаҳ қонлиқ күнгүл гул орзусин
қилмағай,
Йўқтур улким гул юзингдин айри боқсам
гул сари,
Фунча янглиғ күнглима юз хори ғам
санчилмағай.
Сендин айрилдим эса бўлди насими ҳори
ғам
Сендин, эй гул, эмди «Бобур» бир замон
айрилмағай⁶⁴.

Баъзи ғазалларда ҳар мисраъдан кейин биргина
сўз қайтарилиб турур. Бу сўзга «радиф» дейиладир.
«Бобур» нинг:

Жонима ўт солди ул рухсорайи зебо яна,
Кўнглума ул зулф бўлди мояйи савдо яна

деган байтида, «зебо», «савдо» сўзлари радифdir⁶⁵.
Эл адабиётимизда қофия бошқачароқ бир йўсундадир: «Ё маснавий йўсунла, ҳар икки мисраъда бир қофия келтирилган санарликларга бўлиниб, ҳар тўртликнинг 1-, 2-, 4- мисраларда бир қофия қилиб, учинчи мисраъга айрича қофия берилган ё тўртликнинг 1-, 2- мисраъига бир қофия, 3-, 4- мисраъларида бир қофия берилган. Эл ашула ҳам достонларида кўрганимиз каби, ҳамда шу йўсунларнинг ҳар бири, албатта, лозим деб топилмаган. Кўб жойларда бу йўсунлар бир-бирига аралаштирилган.

47 Баъзи мисраълар қофиясиз ҳам бўлуб, ўтган. Бизнинг бу кунги янги адабиётимиз ҳам қофия тўғрисида эл адабиёти йўли билан бормоқдадир.

ФОРС-АРАБ АРУЗИДА ТИЗИМ ШАҚЛЛАРИ

Эс/к/и тизмаларимизда мавзуъ доираси жуда тор бўлгани каби шакл доираси-да тордир. Адабиёт, шеър, торлиқни истамайдир, торлиқда ўсмайдир. Бизнинг адабиётимиз тақлидчилиқдан чиқолмай бўғулуб қол-

ғанига сабаб мана шу мавзуъда, шаклда торлиқдир. Бизда форс, араб арузидағи тиэмаларнинг шакллари тубандагичадир:

ҒАЗАЛ

Биринчи байтнинг ҳар иккি мисраъида, ондан кейин ҳар байтнинг охирида қофия бир турли бўлған тизмалар 12 байтдан ортуқ бўлмаса ғазал бўлади. Юрак «лиризми» шеърлари кўбрек ғазал шаклида айтилади.

Мисол:

Кимга қилдим бир вафоким, минг жафосин

кўрмадим,

Кўргузуб юз меҳр, минг дарду балосин

кўрмадим.

Кимға бошимни фидо қилдимки, бошим

қасдиға,

Ҳар тарафдан юз туман тифи жафосин

кўрмадим.

Кимга кўнглум айлади меҳру муҳаббат

фошким,

Ҳар вафоға юз онинг жазосин кўрмадим⁶⁶.

48

ҚАСИДА

Ғазал йўсунида тузулиб, ўн иккى байтдан ортуқ бўлған тизмаларга «қасида» дейиладир. Қасида ғазалдан кенгракдир. Махташлар, маҳтанишлар, табиат тасвирлари, ахлоқий фикрлар қасида йўсунли айтиладир. Бизнинг ўзбек-чиғатой адабиётимизда «қасида» йўли жудаям кенгаймаган, чиройлик ўрнаклари оздирилди.

ҚИТЪА

Ғазалнинг биринчи байти бўлмаса, қолғани қитъа бўлади. Бошқача айтганда, қофияси ҳар байтнинг охирида бўлуб, биринчи мисраъи қофиасиз бўлған тизмаларга қитъа дейиладир. Кўбрек талабномалар, чақириш битиклари, насиҳатлар қитъа шаклида ёзилғандир.

МАСНАВИЙ

Ҳар байтнинг иккى мисраъи ўзига маҳсус қофияси бўлған тизмаларга маснавий (иккилик) дейиладир.

50

Достонлар, мактублар (күбрак севги мактублари)
маснавий йўсунли ёзиладир.

Мисол

Мен қариб ман мени худ нетғусидир,
Мени бу ерда муқим этғусидир.
На қўлум бор, на оёғим, на белим,
Бу қадар эвриладур сўзга тилим.

РУБОИИ

49 Тўрт мисраълигина бўлуб, 1—2—4- мисраъи
қоғиядош, учинчи мисраъи қоғиясиз бўлған
тизмаларга рубоий дейиладир. Рубоий фор-
сийга маҳсус бир тизим шаклидир. Бизга форс-
лардан келгандир. Бунинг маҳсус вазни бордир.
Араб-форс арузини чигатойчада ёзған Навоий
рубоий учун «ҳазаж» баҳридан йигирма тўрт вазн
борлигини сўйлайдир. Бироқ, бу йигирма тўрт
вазн бир-бирига шунча ёқиндириким, Навоийнинг
ўзи ҳам, мисолларини кўрсатганда аралашти-
риб юборадир⁶⁷.

Менинг фикримча, бу йигирма тўрт вазнни бир
вазн санамоқ мумкиндир. Озгина ўрганиб турғон ру-
боийга мисол:

Ҳар кимки вафо қилса, вафо топқусидур,
Ҳар кимки, жафо қилса жафо топқусидур.
Ёхши киши кўрмагай ёмонлиқ ҳаргиз.
Ҳар кимки, ёмон бўлса, жазо топқусидур⁶⁸.

Турк адабиётида рубоийнинг яна иккинчи бир шак-
ли бордир. Бунга «туюқ» дейиладир. Туюқ қоғия эъти-
бори билан форс рубоийси кабидир. Вазни бошқа, На-
воий туюқни «рамал» баҳридан деб кўрсатадир. Ҳам
шу вазнда шу мисолни кўрсатадир:

Ёраб, ул шаҳду шакар ё «лаб» мудур,
Ё магар шаҳду шакар ёлабмудур,
Жонима пайваста ўқин отғоли,
Ғамза ўқин қошиға «ё» лабмидур⁶⁹.

Кўриладурким, бунинг қоғиясида сўз ўйунларидан
«тажнис»⁷⁰ бордир. Шунга таяниб, «туюқ тўрт мисраъ-
ли, қоғияси тажнисли тизмалардир», деб таъриф қи-
ладирлар. Ҳолбуки, Навоийнинг «Мезон ул-авзон»ида
кўрсатилғонига кўра, туюқ учун тажнис албатта ло-
зим эмас. Навоий бу ҳақда мана шундай дейидир:

50 «Бириси туофтурким, ики байтға муқаррар-
дир. Ва саң құлурларким, тажнис этилғай («Ме-
зон ул-авzon».).

Менинг фикримча, пармоқ вазнимиз билан ёзил-
ған түртлик тизмаларнинг оти бўлған, сўнгралири
араб-форс арузи билан ёза бошлиған шоирларимиз
уни вазнига яқин бир аruz вазнига айлантириб жинсли
құлурга ҳам тиришган бўлсалар керак.

МУСТАЗОД

Бир ғазал ёзиладир. Ҳар мисраъ ҳар байидан ке-
йин шул мисраънинг бир бўллаги вазнида сўз ортири-
ладир. Бунга «мустазод» дейиладир⁷¹.

Мисол:

Не ўсмаю, не кесмадур ул зулфи сумансой,
не ғамзай жоду,
Машшота сенга золим фалакдур, магар, эй ой,
хуршид анга кўзгу.
Қош ёси била кирпик ўқин ҳар сори отсоқ,
имкони хато йўқ,
Ҳар кимсаки, бўлғай унга бу навъ ўқу ёй,
туз бўлғуси қобу⁷².
Навоий «Мезон ул-авzon»да мустазод тўғрисида
деган:

51 «Ва яна халқ оросида бир суруд (ашула)
борким, ҳазажи мусамман вазнида унга байт
боғлаб ҳар мисраъидин сўнгра ҳамул баҳрнинг
ики рукнини бир қилиб суруд (ашула) нағамо-
тига (куйига рост келтиарлар эрмиш) («Мезон
ул-авzon»). Навоийнинг шу сўзларидан «муста-
зод» шаклининг турк куйларига тўғри келтириб
ўқумоқ учун сўнгра тузулған бир шакл экани
онглашилади.

МУСАММАТ

Узун бир тиэманинг тўртлик, бешлик, олтилик пар-
чаларига ажратадирлар. Биринчи парчасининг ҳам-
ма мисраълари қофиядош бўладир. Қолған парчала-
рининг сўнг мисралари айрича қофиядош бўлуб, сўнг
мисраълар эса биринчи парчанинг қофиясиға бойланади.

Мусаммат неча турлик бўлади: 1) тўрт мисраълиқ бўлса мураббаъ (тўртлик); 2) беш мисраълиқ бўлса мухаммас (бешлик); 3) олти мисраълиқ эса мусаддас (олтилик) дейиладир.

Навоий, Лутфий, Ҳусайнний, Комил, Рожий, Амиррий каби кўб чигатой ўзбек шоирларининг мусаммаглари (мухаммас, мусаддас, мураббаълари) бордир.

Баъзан бир шоир ҳурмат қилғани бир шоирнинг бир ғазалини олади. Унинг ҳар икки мисраъининг устига уч ёки тўрт мисраъ боғлаб, бир мухаммас (бешлик) ёки мусаддас (олтилик) тузадир. Бу адабий йўлдошлика «мухаммас» ё «мусаддас» боғламоқ дейиладир. «Мусаммат»га мисол учун Ҳусайннийнинг Навоий ғазалига боғланға (н) мухаммасини ёзамиз:

Ҳусайннийнинг Навоийга мухаммаси

Лаъли жон баҳшингдин¹ айрў обу ҳайвонни
нетай²,
Ҳардам ар³ юз жон берур жононасиз жонни
нетай,
Гар эмас манзур ҳуснунг, хуру ғилмонни
нетай,
Гулшани куйингдан айру боғи ризвоини⁴
нетай,
Бошим гар гул сочар, сонсиз гулафшонни
нетай,
иетай⁵.

Ҳажр⁶ андуҳида⁷ то гулшан аро қилдим
гузар⁸,
Сарв бўйи қоматингнинг наҳлидан⁹ берди
хабар,
Лекин¹⁰ онинг васлидин не баҳра топдим.
не самар¹¹,
Наҳл қаддинг чун эмас гирён кўзимда
жилвагар,
Жўйбор¹² атрофида сарви хиромонни¹³
нетай.
деб⁷³ бошланған.

¹ *ЛАЪЛБАХИШ* — жон бағишловчи лаб; ² *ОБИҲАЙВОН* — ҳаёт суви;
³ *АРФОРСЧА АСАР*; ⁴ *БОҒИ РИЗВОН* — жаннат; ⁵ *ГУЛАФШОН* — буюк байрамларда қилинатурған бир турли ўт ўйуни; ⁶ Ҳажр — айрилиқ; ⁷ *АНДУҲ* — қайгу; ⁸ *ГУЗАР* қилмоқ — ўтмоқ; ⁹ *НАҲЛ* — ниҳол; ¹⁰ *ЛЕК* — лекин; ¹¹ *САМАР* — мева; ¹² *ЖЎЙБОР* — ариқлар ораси; ¹³ *САРВИ ХИРОМОН* — мангиб (хиром қилиб) юрғувчи сарв бўйли гўзалларга берилган сифат;

Ха (р) бир бўлагида:
Харобот¹⁴ оро кўрдим ошуфтаҳол,
Май истарға илгимда синган сафол.

Мисраълари қайтариլғон гўзал бир «таржиъбанд»и бор. ¹⁷Шунинг бир бандини ёзиб кўрсатамиз:

Кетур, соқиё, муждаи жомдин
Ки, пажмурда¹⁵ бўлмишмен айёмдин.
Бу гулшан гулига чу йўқтур вафо,
Не парҳез этай жоми гулфомдин¹⁶.
Чу йўқ шоми ҳижрон хумориға¹⁷ субҳ.
Ичиб онгламай субҳни шомдин.
Халос айлай ўзни маю нуқлнинг¹⁸.
Суву донаси бирла бу домдин¹⁹
Булагай дайр²⁰ пириға андоқ мурид,
Ки ёд этмайн шайҳ исломдин.
Кирай дайр аро ўйла мажнуни маст,
Ки, кетсун хирад²¹ хос ила омдин
Солай бир алоло²² харобатда,
Ки чиқсун фифон²³ аҳли айёмдин.
Хароботий ўлмоқлигим, зоҳидо,
Савол, этма, мен зору бадномдин.
Гарав қилғали майга чун қолмади
Не тасбеҳу не хирқа²⁴, ноқомдин.
Харобот аро кирдим ошуфтаҳол,
Май истарға илкимда синган сафол».²⁵

- 54 Бир дам, эй аҳроб, ҳар сори қошимдин кетмангиз!
 Ҳарнаким дерман муважжаҳ²⁶ бўлмаса, эшиитмангиз!
 Бу, ки дерман чеҳрадин²⁷ қонли ёшни ортмангиз!
 Лаългун²⁸ ашким, лаби ҳижронида²⁹ айб этмангиз!
 Кўз йўлидин тўкмайин бағримдағи қонни нетай.
 То айирди мендин ул маҳваши²⁹ чархи кажниҳол³⁰,

¹⁴Харобот — майхона; ¹⁵Пажмурда — руҳсиз сўлғин; ¹⁶Гулфом — тулрангли; ¹⁷Хумор — бош оғриғи; ¹⁸Нуқл — газак; ¹⁹Дом — тузоқ; ²⁰Дайр — бутхона; ²¹Хирад — онг; ²²Алоло — шовқун; ²³Фифон — қичқириш; ²⁴Хирқа — шайхлар чопони; ²⁵Муважжаҳ — мақбул; ²⁶Чеҳра — юз; ²⁷Лаългун — қизил; ²⁸Ҳижрон — айрилик; ²⁹Маҳваши — ой юзли, ³⁰Чархи кажниҳол — эгри табиятли фалак;

Эй Ҳусайнний, телба күнглум бўлмади бир
 лаҳза¹ шод,
 Оқибат чун топмадим ул шўх васлидин
 мурод,
 Ердин айру бузуқ күнглумга қилдим
 хайрбод²,
 Эй Навоий, ўйла ганж³ ўлмай чу, вайронни
 нетай.⁷⁶

ТАРЖИЪБАНД, ТАРҚИБАНД

Узун бир тизма бир неча қисмга айриладир. Ҳар бир қисмининг ўзига маҳсус қофияси бўладир. Бироқ ҳар қисмининг охиргисини бутунлари бошқа қофияда ё бир неча қисм билан бир қанча қофияда бўладир. Бунга таркибанд дерлар⁷⁷. Биринчи қисмининг охирги икки мисраши ҳар қисмининг охирига қайтарилиб турса, «таржъбанд» аталади.

Навоийнинг:

Кетур, соқий, ул майки субҳи аласт⁴,
 Онинг нашъасидин күнглум эди маст.

УСЛУБНИНГ УМУМИЙ, ХУСУСИЙ ҲОЛЛАРИ

55

Юқорида услубнинг синфга, замонға, миллатга, шахсга, ҳатто, бир шахснинг сочим, тизимиға кўра ўзгариб турғани кўрулди. Шунча ўзгаришган, бир ҳолда турмағур бўлған услубнинг хусусий, умумий ҳолларини ажратиб, аниқлаб қоида шаклида кўрсатмак мумкин бўлмаған бир ишdir. Оғирдир. Шундай бўлса ҳам адабиёт сабоқларида давом этган талабага фикр бериштилаги билан услублар орасида бўлған ўртоқ сифатларни ажратиб олиб қоида шаклида кўрсатмак фойдасиз бўлмайдир.

Умуман, жуғрофиё, ҳисоб, ҳандаса⁷⁸ каби илмий, фаний масалалар тўғрисида ёзилған асарларнинг услуби билан адабий, шеърий парчаларнинг услуби орасида кўзга кўринарлик айрма бор. Фаний, илмий асарлардан мақсад тўйғуларимизни ўқувчиларга ўткариб, уларда бир турли ҳаяжон (руҳий тўлқун) қўзғатмоқ эмас, илмий бир ҳақиқатни онглатишdir. Бу

¹Лаҳза — замон; ²Хайрбод — видоъ; ³Ганж — хазина; ⁴Субҳи аласт — азалдан.

мақсад учун содда услугуб етарли кўрилган, ҳамда бундай, асарлар туташ шу содда услугуб билан ёзила келгандир.

Адабий, шеърий асарлардан эса мақсад ўқувчини қайнатмоқ, унда руҳий бир тўлқун яратмоқдир. Бунинг учун хаёл ёрдами билан услубни безатиш лозим кўрилган, ҳамда адабий, шеърий асарлар ҳар вақт мана шундай безалган услубда ёзила келгандир. Мана шу айирмани кўзда тутиб, адабиёт китобларида услубни «содда услугуб», «безалган ё тасвирий услугуб» деб иккига ажратадирлар.

Услубнинг ҳолларини ҳам шул асосга кўра иккига ажратиб кўрсатамиз, содда ҳам шеърий услубларнинг ҳаммасида топилиши матлуб⁷⁹ бўлған ҳолларга услубнинг «умумий ҳоллари» дейиладир.

56 Тасвирий услубларда топилиши матлуб бўлған ҳолларга «услубнинг хусусий ҳоллари» дейилади.

Энди услубнинг умумий ҳолларини, яъни ҳар услубда топилиши матлуб бўлған ҳолларни кўрамиз:

ТУЗУКЛИК

Бу асардаги сўзлар ҳам гаплари сарф, нахв ҳам шевага кўра тузук бўлса, шул асарнинг услубида тузуклик бор дейиладир.

Тузуклик ҳар услугуб учун жуда зарур, жуда кераклик бир ҳолдир. Бир фикр қандай гўзал, қандай фойдалиқ, қандай очиқ бўлса бўлсан, уни ифода қилғанимизда сўзларимизнинг, гапларимизнинг сарф, нахв, шевага кўра бузуқлиги у фикрнинг таъсирини йўқотадир. Ўзбекчани ёхши билмаган киши билан гапиришиб турғанда қандай бир ҳолда қолгангиз, бузук бир услубни ўқуғанда ҳам худди шу ҳолатда қолурсиз.

Ўзбек шоири Фанонинг:

Ушшоқларға бўлмаса шавқинг чу раҳнамо
деган мисралыда сарф янгилиши бор. Ошиқлар ўрнида «ушшоқлар» деган. Ҳолбуки, «ушшоқ» сўзининг ўзи ошиқлар демакдир. Русчадан тилимизга таржима қилиниб, Элбекнинг «Гўзал ёзғичлар»ида бостирилған «Қуш қўшиғи» ҳикоясида⁸⁰ шу:

57 «Бешикдаги боланг менга қараб ёруғ чиройдай катта кўзларини очиб, менинг қўшуқими ҳам тинглаб, «онам қани?» деди», — иборасидан «катта кўзларини очиб» парча нахвга кўра

янглишдир. Чунки бундаги «катта» сўзи кўзга эмас, «очиб» га байланадир. Боланинг кўзи катта эмас, бола кўзини катта очфон. Бунинг наҳвга кўра тўғриси: «кўзларини катта очиб» шаклида-дир.

Яна шул «Гўзал ёзғичлар» даги «Бинафша» ҳикоя-сининг шу: «Гулзор ичидаги гуллар ҳеч бир бинафшанинг борлигини сезмайдирлар, билмайдир», деган пар-часида навҳи янглишиқ бор. «Ҳеч бири» дегандан кейин «сезмайдурлар» «билмайдурлар» эмас, «сезмайдур, билмайдур», демак керак эди.

Бурунғи шоирларимиздан Фанонинг:

Вой гул бир шавқида қон бўлди қўнглум,
ҳам ишни,

Булбули шўридадек юз ранг нолондур букун.

деган байтида наҳвий янглишик бор. Бу байтда «кўнглум иши» эга, «нолондур» сўз кесимдир. «Кўнглум иши нолондур» деган гап наҳвга кўра янглишдир. Кўнгулни иши» «нола» дир, «нолон» эмас. Навоий-нинг «Лайли-Мажнун» идан шу:

Гулшан аро қайси хушдин фард,
«Ётиб» эди ерда ўйлаким гард.
Ҳам мағзида хушдин хабар йўқ,
Ҳам жисмида руҳдин асар йўқ.
Ёрим нечаким насими гулбез,
Бўлди чаман аҳли узра гулрез

деган парчада «ётиб», «ёрим» сўзларининг биринчи бўғумлари жуда чўзулуб, мадд билан айтиладир. Бу эса бизнинг шевамиизда йўқдир.

СОФЛИК

Услубда софлик сўз тузушда, гап тузушда ётчилик кўрсатмаслик, асарда ёт сўзлар ё эски онглашилмас сўзларни киргизмаслик, ёт тилларнинг наҳви қоидаларига қараб гап тузмаслиkdir.

«Ўқуғувчилар қайсилариким, тиришмайлар ўз билимларини ортдира олмаслар» деганимизда гапнинг тузулиши ўrusчанинг гап тузулишига эргашган, унинг таъсири билан бўлгаидир. Бунинг тўғриси: «Тиришмайтурған ўқигувчилар ўз билимларини орттира олмайдилар», шаклида бўладир.

Эски шоирларимиздан Балхий Дурбекнинг «Юсуф-Зулайҳо» китобидан шу:

Бор эди бир бор «бамисли Эрам»,
Миср азизи ёсоб эрди ҳарам.
Қолди таажжубда «з-сунъи илоҳ»,
Юсуф ўшал тевага айлаб нигоҳ.
«Оқибатул амр зироҳи талаб»,
«Ҳиттайи Қанъонга» етиши араб.

парчасида «бамисли Эрам», «з-сунъи илоҳ», «оқибатул амр» «зироҳи талаб», «Ҳиттайи Қанъон», деган сўз уюшмалари ётчилик билан тузулгандир.

59 Муқимийнинг:

То ўзингни маҳфил аро қилмадинг,
Ошиқларни зору шайдо қилмадинг,
Файр аз дилинг сенги хоро қилмадинг,
Бўлди дедим, ҳаргиз парво қилмадинг.

деганида «махфиларо», «файр аз дилинг», «сенги хоро», «ҳаргиз» сўзларида ётчилик бордир.

Асарда ёт сўзларни киргизмак, янгидан сўзлар ясамоқ, жудаям бурунғи онглашилмас сўзларни ёзмоқ ҳам услубнинг софлигига зарар берадир.

Бироқ, бу масъалада кўб ифратқа бормаслик керак. Бизда адабиёт, илмий бир тил янгидан ясалмоқдадир. Дунё ўзгариб турадир. Ҳаёт кундан янгилашиб борадир. Юз йил бурунги ота-боболаримизнинг тушларига ҳам кирмаған бир кўб ҳодисалар, нарсалар майдонга чиқиб турадир. Булар учун янги-янги отлар тақаш лозим бўладир. Биз буларнинг отларини ё янгидан ясаймиз (учғич, уюшма, бошқарма каби), ёхуд ётлардан олармиз (электрик телефон, пойизд каби), ё унтилиб кетган эски сўзларимизни янгидан тиргизамиз (қурултой каби). Шул уч йўл билан тилимизга янги сўзлар киргизишини (софликни сақлаш учун) қабул этмасак, тилимизни боймоқдан тўхтатқан бўламиз.

60 Замонимизнинг илмий, адабий майдонга кирмак учун интилмакда бўлған тилимизни бойитмоқ учун ўз сарф, наҳвимизга қараб янги сўзлар ясамоқ, бурунғи сўзларимизни охтариб топиб, ишга солмоқ лозимдир. Буларнинг услугуб софлигига зарар беришлари вақтлигина бир ишдир. Бора-бора янги сўзлар эл замонидан қабул этилиб, ҳаётқа ошадир, ўзлашадир, услугуга зарари ҳам йўқолған бўладир. Бироқ буларнинг баъзилари борким: бизнинг шунча ишлатганимиз билан-да ҳаётқа ошмайдир, кўбчилик томонидан қабул этилмайдир.

Мана мундайлариға бизнинг ҳар қинғирлиқ қилиб ўтуршимиз ярамайдыр. Дунё ўрнида «очун», са-ҳар ўрнида «болиқ», аскар ўрнида «черик» мана шундай сўзлардандир.

ОҲАНГ

Ёзувчи-адибнинг сўзларининг мусиқийлигини кўзда тутиб, эшишишимизда чиройлик ҳам мавзуъга муносиб ларини толлаб қулоққа оғир келмайтурған бир тартибда тизишдир.

Навоийнинг «Лайли-Мажнун»ида Лайлининг ўлим куни онасининг йиғлашини тасвир этмак учун айтилган шу:

Кўксини ёқодек этди пора,
Ким кўнглидан урди ўт шарора.
Тирноғларин чу юзига қўйди,
Тирноқ — тирноғча ерни ўйди.
Деб навҳа билан чу тортибонвой,
Ким на оғир уйқудир, бўтам, ҳой!

парчаси чиндан мотам кунларидаги йиғлаш оҳангини бергани учун мавзуъга муносибдир.

Услубнинг оҳангини бузатурған сабаблар:

а) бир товушнинг бир гапда дафъатларча келишидир:
61 Элбекнинг шу:

Қор қаршусида қарға қағирлаб қувонишда,
Қоқар қанотин қайгули, қолмас қарға қишида.
Қот-қот қорини қайғусида қолмаса қарға,
Қоқмасди қанотини қуруқ қўр қўли қарға.

б) наҳвда қарашибелгиси аталған⁸¹ «нинг»дан учтўртласининг бир гапда кетма-кет келишидир:

Унинг отасининг боғчасини ёғочларини кесганлар. У сенинг дафтарингнинг қоғозларининг анчасини йиртқон.

в) бир сўзнинг бир гапда неча қатла келишидир:

Унинг сўзига қулоқ солмай, сўзини қайтарар эди. Бир қарға бир патирни тишлаб бир ёғочга қўнди.

ОЧИҚЛИК

Услубда очиқлиқ⁸² фикрлар, туйғуларни қулай онглашарлиқ этиб ифода қилмоқдир. Ёзмоқдан мақсад фикрлар, туйғуларимизни бошқаларга сўз билан онглат-

моқ бўлгач, онглашилмас бир ифоданинг мақсадга хилоф бўлғани албатта аниқдир.

Услубнинг очиқлиғи учун заарарлик бўлған ҳоллар шулар:

а) услубнинг соғлиғига зарар берган ҳоллар (юқорида ўтти) унинг очиқлиғи учунда заарарликдир.

б) неча маъноси бўлған бир сўзни энг узоқ маъносига кўра ишлатмак ҳам услубнинг очиқлиғини бузадир. Навоийнинг бир мактубидан шу:

«Дуойиким, шито қалбида шито қалбидин дилсўзроқ, ва ниёзийким қиши айнида қиши айнидин дилфупузроқ бўлғай...»

62 Парчада биринчи «шито қалби» қиши ўртаси демакдир. Иккинчи «шито қалби» эса «шито» сўзининг тескариси бўлған «оташ» демакдир.

Биринчи «қиши айни» қишининг юзи, иккинчи «қиши айни» қуёш демакдир. Демак, бу парчада софлик бўлмагани каби очиқлиқ-да йўқдир.

ж) тўлдирғичларни кўпайтириб, гапни жудаям узатиб юборишида услубнинг очиқлиғи учун очиқ эмасдир.

Буюк инқилобдан бурун элимизнинг билимсизлигини, таассубини, мактабга қаршулигини, беглар, бойлар, муллолар, хонлар, ҳокимларнинг зулмларини, гуноҳсиз урваш, сабабсиз ўлдиришларини, элга эркли бир йўл кўймағанларини, инқилобдан кейин элда уйғониш, ўқуш, билим ҳавасларини, очилған мактабларга кирмак учун навбат кутуб турғанларини, зулм, ҳақсизлиқ, таассуб эгаларига нафрат эълон қилғанини, ўз ишларини идора қилишга истеъодод кўрсатишларини бир-бираига қарашулаштириб кўрганда, кўнгул шодликларини қандай қилиб тасвир этишдан ожиз қоламиз.

УЙҒУНЛИК

Услубда уйғунлик ифода қилмоқчи бўлғанимиз туйғулар, маъноларга энг уйғун бўлған сўзларни толлаб олмоқ, гапни-да фикримизнинг ифодасидан ортуқча узотиб юбормаслиқдир. Бобурнинг шу рубойи (тўртлик)сида уйғунлик бордир:

Кўнгли тилаган муродға етса киши,
Ё барча муродларни тарқ этса киши,
Бу икки иш мұяссар ўлмаса оламда,
Бошини олиб бир сориға кетса киши.

- 63 Фикрнинг ифодаси учун керакликдан ортуқ гаплар тизишига мисол:

Бу асар шайх Сулаймонингдир,
Бу китобу бу лугат олингдир.

«Луғати Чифатой» эгаси бухоролик «Шайх Сулаймон» нинг шу байтида биринчи мисраъдан кейин иккинчи мисраънинг ҳеч кераклиги йўқдир.

Навоий зиёфат мажлислари тартиб эт демоқчи бўлғанда:

Унда такаллуф била аҳбобни
Чорлар талаттуф била асҳобни

дайдирким, иккинчи мисраъни ортиқдир.

В. Маҳмудийнинг «Гўзал ёзғичлар»даги «Кўклам куни» деган тизимининг шу:

Қишининг оппоқ ўртукидан из йўқдир,
Ёзнинг қизғин қуруқ чоғи узоқдир.
Юртимизнинг севикли чоғи бу чоғдир,
Ёзнинг иссиқ, қишининг совуғи узоқдир.

парчасида тўртинчи мисраъ биринчи, иккинчи мисраънинг айтганини қайтиб айтмак истагани учун ортуқчадир, кераксиздир. Севикли шоиримиз Чўлпоннинг «Наврўз кунида» увонли шеърининг шу:

Хира, учқон, кирли, кучсиз дилларга,
Еруғ, ёрду турмиш сепган ёнги кун

- 64 деган парчасида «ёруғ» сўзидан кейин «ёфду» сўзи ортуқчадир. Уйғунсизликнинг ортуқчалик қисмини ҳикоялар, рўмонарда ҳам учратмоқ мумкиндири. Негаким: севгили шоиримиз Чўлпоннинг «Қор қўйнида лола» деган гўзал бир ҳикояси бор. Бу ҳикояда уч кўриниш билан англатмоғи керак бўлған нарсаларни онглатған, тилак ҳосил бўлған, ҳар ким «Қор қўйнида лола»нинг нима эканини — билб олған экан, яна бир тўртинчи кўриниш орттириб икки йигитни кечага чиқариб қоровул тилидан уларга қаратиб «Қор қўйнида лола»нинг маъносини онглатмоқ ортуқча бир иш бўлғандир.

УСЛУБНИНГ ХУСУСИЙ ҲОЛЛАРИ

Адабий-шеърий услубларда ишлатилган, услубни бе-затишга хизмат қилған ҳолларға услубнинг хусусий ҳоллари деймиз. Услубнинг хусусий ҳоллари шулардир:

СИФАТЛАШ

Тасвир этмак истаганингиз бир нарсанинг суврати-ни кўз олдига келтирмак учун у нарсанинг сифатлари-ни, ҳолларини қатарлаб тизиш «сифатлаш» бўладир.

Юмшоқ майсалар ичida кичкинагина, паканагина, юмшоққина бўлуб гул (бинафша) ўскан. («Бинафша»-нинг русчадан таржимаси),

Кучсиз, титроқ, оппоқ, кичик томчилар,
Турмай, тинмай тупроқ уза ёғадир⁸⁴.

(Ф.)

ЎХШАТИШ

Бир сифатда, бир ҳолда ўртоқ* бўлған икки нарса-ни бир-бирига чоғишириш адабиёт тилида ўхшатиш бўладилар.

«Аҳмад арслон каби ботурдир, унинг сўзи оловдек» деганимизда Аҳмаднинг ботурлик сифатида арслон билан ўртоқлигини; унинг сўзининг ўткурликда олов билан ўртоқлигини билган бўламиз:

65 Ҳар ўхшатиш айтимида тўрт нарса бор⁸⁵: ўх-шаған (Аҳмад), ўхшатилған (Арслон), ўхшатиш қайди (каби, дек...), ўхашаш (ботурдир). Бизнинг тилимизда ўхшатиш қайдлари шулардир: *каби, -дек, -дай, янглиғ, ўхшаш, сингари*.

Арслондай юракли,
Тоғ каби гавдаси,
Оловдек сўзи,
Ёшин ёнглиғ кўзи,
Темир ўхашаш қўли,
Кўзгу сингари кўнгли бордир.

Ўхшатиш айтимининг тўрт турлик айтилиши бор:

1. Аҳмад арслон каби ботурдир (тўрт нарсаси бор-дир).

Ўртоқ* — шериклик, яқинлик маъносида (Х. Б.)

2. Аҳмад ботурликда арслондир (ўхшатиш қайди йўқ).

3. Аҳмад арслон кабидир (ўхшаши йўқ).

4. Аҳмад арслондир (ўхшаш ҳам, ўхшатиш қайди ҳам йўқ).

Мана шул тўртинчи йўсуни ўхшатиш айтимининг энг кўчлисисидир. Тубандаги тизмаларда турли ўхшатишлар-нинг ўрнаклари бордир:

Қул ёнглиғ ўгуллифингни қилсам,
Ўгул каби қуллуфингни қилсам,
Раста каби печу тобинг ўлғай,
Парвонадек изтиробинг ўлғай.

66 Мандинки, ичим ғамингда қондур,
Сенгаки, ғаминг танамда жондур.

(Навоий)

Тошқарийи гарчи палангни эдилар,
Лек сув ичра наҳангни эдилар.

Дедиким, уби каби ўлгумдур,
Даҳринг шоҳидин кулгумдир.

Ўқлари сўзлари ёнглиғ бори рост,
Сўзлари ўзлари ёнглиғ бори рост.

(«Шайбонийнома»дан)

Ўхшатишнинг чиройли чиқиши учун зўраки, ясама ўхшатишлардан қочинма қўлларимдир.

Хоразмлик Комилнинг:

Алифдек туз қаду нундек қошинг ҳижронидин ҳар дам,

Тафаккур бирга гаҳ нундир қадим, гаҳ ўйлаким ёдур.

Жонбахш лаълинг устида ул хори ҳиндулармидур?

Ё чашмаи ҳайвон уза зоф сияҳ му(ғ)лармидур?
деган байтларида севгилиниң қадини алифға, қошини нунға, оғзини булоққа, ҳолини қарғага ўхшатиш одам-нинг табиатини айнитғучи ўхшатишлардандир.

Бизнинг бурунги шоирларимизнинг ҳамалари бу ба-лога ўюлиққонлар, ҳатто энг буюк санаған санъаткор шоирларимиздан Навоий ҳам:

Эрмас учук, шакарга ёпишмас чибин бири,

Ики лабим била они олсам дудофингдан.

67 деб ўрунсиз бир ўхшатиш натижасида кўнгул айнитғучи бир фикр беради.

Ўхшатишнинг ёлғуз бир нарса билан бир нарса орасида бўлиши лозим эмас, бир ҳайъат илан бир ҳайъат орасида ҳам бўла беради, Чўлпоннинг Рабиндронат Тағурдан таржима қилгани «Сўба» отли ҳикоянинг шу бўллагида бир ҳайъат, бир ҳайъатга ўхшатилғандир:

Лекин отаси ўз бўйнида совуқ бир тош бўлсаю ўшандан қандай жирканса, ўзининг шу қизидан ҳам шундай жирканар эди...

Тагур мунда тилсиз бир қизидан отанинг жирканишини унинг «зийнат учун ўз бўйнига осилғани совуқ тошдек жирканиш»га ўхшатғандир.

ИСТИОРА

Бир сўзнинг ўз маъносидан бошқа бир маъно учун ишлатилмакидир. Шул шарт биланким, у сўзнинг ўз маъноси билан янги маъноси орасида бир турли ўхшашлик бўлсун.

Кўчада жуда ботур бир йигит билан гаплашиб қайтған киши «букун мен бир арслон билан гаплашиб қайтдим», деса унинг шу айтғанида истиора бордир.

Чунки, арслон сўзидан ўз маъноси эмас, орада ўхшатиш борлиғи учун ботур йигит онглашиладир.

68 Истиорада ҳам асос — ўхшатишdir. Бироқ, истиорада ўхшаган ва ўхшатилган айтилмайдир. Мана шунга кўра истиорани иккига тақсим қила-дирлар. Бири очиқ истиора. Иккинчиси ёпиқ истиора. Очиқ истиора ўхшаган ўрнида ўхшатилған айтиладир. Олдовчи бир киши билан кўрушмак истаганимизда «у шайтон билан меним ҳеч ишим йўқ» десангиз, очиқ истиора қилған бўлурсиз. Чунки, олдовчи кишини шайтонга ўхшатасиз, сўнgra ўхшаган киши ўрнида шайтон»нинг ўзини қолдирасиз.

Кечаги «қайнашлар» пасайган бўлса-да,
Кечаги ҳужумлар сусайган бўлса-да.

Борлиқнинг чокини сўкма,
Оғули кўз ёши тўкма,
«Ёш гул»ни ерга букма,
Кел, эмди яшнаб ўрайлик,
Кел, эмди бирга куляйлик.

Ботунинг юқоридоги шеърларида «қайнашлар» тебра-нишлар учун, «ёшгул» дўстининг бўйи учун очиқ истиора йўли билан ишлатилғандир.

«Ёпиқ истиора»да ўхшатилған ўрнида ўхшаған қолдириладирда, ўхшатилғаннинг баъзи ҳоллари бунга тақиладир:

«Бундан ўн-ўн беш йил бурун юртимиз, элимиз истибоднинг қонли панжалари остида ингларди», деганимизда истибодни йиртғувчи ҳайвоннинг қонли тирноқларини истибоддага тақаб қўямиз. Мана бу ёпик истиорадир.

69 «Ёқимли шамол мени севиб, юмшоққина «ўпадир»:

Борлиқнинг чокини сўкма,
Кел, эмди «яшнаб» ўсайлик.

Мана бу гапларда «шамол» бир кишига ўхшатилған, яна шамолнинг ўзи гапда қолдирилғанда киши ишларидан бўлған «севиб ўпмоқ» ҳоли унга тақилған.

«Борлиқ» бир кийимга ўхшатилған, шоир ўзи билан ўртоғини юлдузга ўхшатған. Бироқ, ўхшағанларни — ўзларини гапда қолдирилғанда ўхшатилғанларнинг ҳолларини уларга тақаб қўйған.

Истиора ҳам ўхшатиш каби бир сўздагина эмас, бир ҳайъатда ҳам бўладир. Чўлпоннинг гўзал бир ҳикояси бошида ёзилған «Қор қўйнида лола» айтими мана шундайдир. Мунда «эшон», «қиз» ҳам «нигоҳ» учун, «қор», «лола», «қўйин» сўzlари истиора этилгандир. Истиоранинг булардан бошқа яна бир турлиси бор, «ўхшаған» билан «ўхшатилған»ни ёндоштириб қўямиз. Гўё ўхшатилған ўхшағанға қарашлиқ бир нарса экан каби иккисидан бир қарааш уюшмаси (изофий жумла) ясаймиз:

«Инқилоб қўёши», «умид юлдузи» каби айтмаларнинг ҳаммаси наҳвга кўра қарааш уюшмаси (изофий жумла)дир. Инқилобни қўёшга, умидни юлдузга ўхшатғандан сўнг ўхшаған билан ўхшатилғонни «қарааш уюшмаси» шаклида бир-бирига бойлаб айтганимиз учун буларга «қарааш истиораси» деймиз⁸⁷. Қарааш истиорасида ўхшатилғаннинг ўзи эмас, унинг бир сифати, бир ҳоли қолдирилса бўладир. «Инқилоб нури», «ўмид ёфдуси», «эзулм тирноғи», «ўлум панжаси» каби тубандаги ўрнакларда қарааш истиораси бордир:

70 Қора ўтмиш чангалидан қутулиб,
«Эрк чечаги» тақа олған кучли қиз.

Тенгсиз ман деган «зулмат тирноғи»,
Бұғық фарәдлар ийқа олғаними?
«Турмуш дengизин» шамол құзғатса,
Сен ҳам күзингга ёш тұлдирмағил.

Яна ииғи, ўлукларга сажда қилиш бошланди,
Яна «умид юраги»га ништар учи ташланди.

«Умид буйруғин» ижро этаман,
«Тилак юртиға» тездан етаман.
Биз «борлық бағри»да қарши күч, унұтма.

(Боту)

Истиоранинг турли ўрнакларини Сайдалининг «Табиятда баҳор»идан олинған шу парчада күрмак мүмкіндір:

«Табият чечаклар билан безанадир, байрам қиладир. Турли чечаклар қүёшқа қараб қувонч билан лабларини жилмайтирадилар. Бироқ менинг устимга құрқунч, қаро булатлар ҳар нафасда гулдурлаб, олов чақнатадилар, бағримда ёққон ўтли ѡмғурлар икки күзимдан икки вулқон каби қайнаб чиқадир, мени ботирадир, әритадир. Борлиғим құрқунч бүронлар орасида қолмиш излардир».

4. КИНОЯ

Киноя шундай бир сүз ё бир гапдирким, ёзуудан яқин онглашилғон маъно ё фикрдан бошқа яна бир маъно ва фикрни онглатадир-да, мақсад ҳам шул иккінчи онглатғани маъно ва фикр бўладир.

71 «Синалмаған отнинг сиртидан ўтма» деганимиз гап бир киноядир. Чунки, бунинг ўзидан ёқин онглашилған фикрдан бошқа «синалмаған кишилар билан ишлама» деган фикрни ҳам билдирадирким, мақсад ҳам шудир.

Эл гаплари (маталлари) орасида:

Бўзчи белбоққа ёлчимас.

Әшак бир танга, түқум минг танга.

Чумчуқни ҳам қассоб сўйсун
каби кўблари кинояни гаплардир.

Сайдалининг «Қарғаларнинг зори» деган сочими киноянинг энг чиройлик бир ўрнакидир. Элбекнинг ҳам ҳикоялари орасида гўзал киноялар бордир.

Арабча «таъриз»⁸⁸, ўзбекча нисҳам — пичинг — учруқ аталған бир йўсун гаплашиш (тош отиб гапирмак каби) борким, «адабиёт»да киноянинг бир бўлаги саналадир.

Ўзбек хони Шайбонийхоннинг Ўрта Осиёни чифатойлардан тортиб олғани тўғрисида «Шайбонийнома» отли бир достон ёэилған. Муҳаммад Солиҳ ўзининг достонида Султон Ҳусайн Бойқаронинг ўз ўғулларини Ҳирот шаҳрига чақириб, Шайбонийға қаршу кенгаш мажлиси қилинини ёзғанда кўб уста пичинглар отиб ўтадир.

Бу кунларда чифатойларнинг энг улуғи бўлған Султон Ҳусайн Бойқаро ўзбек хонига қаршу бирликда ҳаракат қилишни лозим кўруб, ўғулларига киши юборадир:

Чун бу сўзларни, деди ул Мирзо¹
Солди ўғлонлари ичра ғавфо.
Бордилар бегоналари бу сўз ила,
Чоптилар от бори бу сўз ила.
Дедилар сўзини ўғлонлариға,
Еткуруб борчаларин жонлариға.
Борча сўзини қабул айладилар,
Отларининг сиртидан сийладилар⁸⁹.
Чопибон борча Ҳирий² бордилар,
Отанинг кўнглини охтардилар.
Балхдан «Шоҳ Замон»и келди,
Муниси, руҳи равони келди...
Ҳам Абул Муҳсиний Марвий келди⁹⁰,
Марвнинг арапу сарвари келди³,
Борди Машҳаддан анга Шоҳ Кўпак,
Ким, бўлай, «Чин Сўфи»га⁴ банда
кўмак...
Иифилиб келди, басе, ёҳши-ёмон,
Кепагу арпою буғдою сомон...!

¹ Ҳусайн Бойқаро.

² Ҳирот демакоир.

³ Арап — оқ тол, сарв, бир ёғоч.

⁴ Сўфи — шул замонларда Ҳива ҳокими бўлган киши.

5. МАЖОЗ

Бир сўзни ўз маъносидан бошқа бир маъно учун ишлатмагидир. Шул шарт биланким, бу ики маъно орасида ўхшатишдан бошқа бир турли ёқинлик, бойланиш бўлсун.

73 Бир кимсаки «Бошиг омон бўлғай» деганда тилагимиз унинг ўзининг омон бўлишидир. Боши унинг бир мучаси (аъзоси) бўлғани учун «бош» сўзидан унинг ўзини онглаймиз.

Ботунинг қалами ёҳши. Навоийни кўб ўқийман. Мажлис сўнгида қарор берган. Инқолоб Иван билан Каримни ўртоқлаштириди. Деганимиз гапларнинг ҳаммаси мажоз билан айтиладир.

Адабиёт муаллимларидан баъзилари мажознинг чин маъноси билан ёнги маъноси орасида бўлған яқинлиқнинг нима эканини кўзда тутиб, мажознинг турларини кўрсатмакчи бўладир. Бу ортиқча бир ишдир, Масъаланинг мұхим жиҳати мана будир:

1. Икки сўзнинг ҳар бирини ўз маъносида қолдириб, бир-бирларига ўхшатилиб айтилса, ўхшатиш бўладир.

2. Бир сўз ўзининг чин маъносидан олиниб, шунга ўхшаған бошқа бир маънода ишлатилса, истиора бўладир.

3. Бир сўз ўзининг чин маъносидан олинмай шунга ўхшағон бир маънода ишлатилса, киноя бўладир.

4. Бир сўз ўзининг маъносидан олиниб, шунга ўхшатишдан бошқа нима бўлса майли, бироқ онглашиларлик бўлсун.

6. ЖОНЛАНТИРИШ

Инсондаги даражада тириглиги бўлмаған нарсаларга, жониворларга инсондаги тириқликнинг ҳолларини, сифатларини тақмоқдир.

74 Жонсиз нарсаларни жонли кўрмак, қушлар, жониворларни кимсалар ўрнида тушуниб, олар билан гаплашмак, оғир қайғулар, кучли туйғулар, денгиз тулқуни, қон қайнashi замонларида бўлатурғон бир «руҳий ҳолат»дир. Мана шу руҳий ҳолатларни тасвир этмак истаган қаламлар, са-мимийликдан чиқмасалар ифодаларига кучли таъсир берган бўладилар.

Элбекнинг шу шеърида:

Бир замон күкларга қанот қоққан бу
Севгили, муҳташам ҳайбатли бино.
Емрилиш соатин кутгандай бўлуб,
Кўрунур кўзга қайғулифина⁹¹.

Чўлпоннинг шу шеъридан:

Кичкина ариқнинг пастак шовваси
Мана товуш билан шовлаб турадир.
«Эй, қўпол, шаҳарнинг жанжал,

Тола бўйларида мен бормен» дейдир⁹².

Бибихоним мадрасасининг харобаларида «кўкларга қанот қоққан кучли бир қушнинг емирилиш, йиқилиш дақиқаларини кутуб турғанидафи қайғулари»ни кўрмак...

Далада оқиб турған кичкина бир ориқчанинг товушидан «шаҳарнинг қўполликлариға, жанжал, ғавғоларига қаршу кўтарилган маъсум бир руҳнинг майин товушлари»ни эшитмак жонлантириш санъатининг чиройлик ўrnаклариdir.

75 Навоий «Лайли-Мажнун» достонида бир боғда Лайлининг оёғи остига эссиз йиқилған Мажнуннинг, Лайло кетгандан кейин эса ўзига келиб кўз очқонин, боғдаги гул, булбул ёғочларининг унга қайғудошлиқ қилғучилар каби кўрган тасвир қиладирким, бу жонлантириш санъатининг жонли бир ўrnакидир:

Гулшан аро Қайс¹ ҳушидан фард²,
Ётиб эди ерда ўйлаким гард³,
Хам мағзида⁴ ҳушдин хабар йўқ,
Хам жисмида руҳидин асар йўқ.
Ёрим кечаким насими гулбез⁵,
Бўлди чаман аҳли узра гулрез⁶,
Гул атри⁷ димоғига солиб хуш,
Очи тўзин ул ғариби мадҳуш⁸.
Кўрди ўзини чаман ичинда,
Сарву гулу ёсуман ичинда⁹.
Булбул боши узра нафма-пардоз¹⁰,
Аҳволиға навҳа¹¹ айлаб оғоз.
Гул ҳолиға чун назора¹² айлаб,

¹ Мажнун исми. ² Ҳушидан айрилған. ³ Тўзон; ⁴ Мия; ⁵ Гул ҳидли шамол; ⁶ Гул сочгуши; ⁷ Ҳид; ⁸ Эссиз, шўхсиз; ⁹ Сарв — бир ёғоч; ёсумон-бир гул; ¹⁰ Мусиқий чолғучи, ашулачи; ¹¹ Ииги-сиги; ¹² Қарамоқ.

Гулгун ёқосини пора айлаб,
Чун кўксидা ҳажрдин кўруб доғ,
Кўкси уза лола куйдуриб доғ.
Топиб чу вуқуф¹ бу азоға,
Ашжор² алам³ чекиб ҳавоға.
Сунбул қилибон қаро узорин⁴,
Очиб қаро зулфи мушкборин⁵
Дардиға оқар су(в) зор йиғлаб,
Ун тортиби сўғвор⁶ йиғлаб⁹³.

СУРАШ

Шоир-адиб умидсизлик, шошқинлик, қизғинлик, кучли бир қайғу каби ҳолларга тушганда ўзининг туйғуларини узил-кесил қилиб онглата олмайдур-да, умидир? бумидир? нечун бундай? каби сўроғларни қаторлаб ўтадир. Бу, усталик билан чинликни йўқотмасдан ишланса, кучли туйғуларни онглатиш учун чиройлик бир йўлдир:

Боқмас менга жанона, ажаб ҳолат эмасму?
Бўлди яна бегона, ажаб ҳолат эмасму?

(Лутфий)

Адабиёт муаллимлари услубнинг ҳусусий безаклари қаторида «бilmасликка солиш» (тажоҳули ориф) деб айрича бир безатишдан гапирадирлар. «Бунда шоир билгани бир нарсани гёй ҳеч билмас эмиш каби у тўғрида сўроғлар қотарлаб кетадир», дейилар. Чўлпоннинг мана шу шеъри «бilmасликка солиш» учун кучли бир ўрнакдир:

Бир-икки ёҳши сўз айтдик,
Холимни онглағанингми?
Қўзларни қайғули артдик,
Холимға йиғлағанингми?

Ётликлар битдими энди?
Ортуқ мен сенга ёқинми?
Қарғашлар кетдими энди,
Олдимми эски ҳақимни?
Тўйдирғич қоп-қора тунлар,
Ёпқични олдими биздан.

¹ Онгламоқ; ² Еғочлар; ³ Байроқ; ⁴ Юз; ⁵ Мушк сочқучи; ⁶ Сўғвор — мотам тутмоқ.

Юргайми ёғдули кунлар,
Сен босқон севгими издан?...
Кўкламнинг олдини тўсқон
Зулматлик қиши мийқилди?
Бўйниға лолалар осқон
Кўкламни ўрнига келди?
Кўнглимга сирли қоқилған,
Кўнглингнинг шарпасидирми?
Ё кўкда янгиш отилған,
Бир юлдуз куррасидирми?

Бир сўзла, биргина сўзла,
Қолдирма шубҳа кўнгулда!

(1922 йил 22 июл)

Бироқ, менинг фикримча, бу сўрашдан бошқа нарса эмас. Буни услубнинг айри бир безаги деб кўрсатиш тўғри бўлмайдир.

МУБОЛАҒА

Туйғуларимиздан бирининг жуда кучли эканин билдирилак, уни бўлғанидан бир оз ортириб кўрсатмакка муболаға деймиз.

Муболаға чин (самими) бўлса, жудаям оширилиб юборилмаса, зўраки, ясама бўлмаса, туйғулардоғи кучлилик — ўткирликни онглатишга катта ёрдам қиладир. Катта бир бахтсизликка учраган кишининг «Оҳ, ёндим, битдим!» дейиши мана шундай чиройли муболағалар дандир.

79 Навоийнинг:

Тирноқларин чу юзга урди,
Тирноқ-тирноқча ерлар ўди:

байтида ҳам чиройли муболаға бор. Эски адабиёти мизда «фалаклар ёнди оҳимдан... кўз ёшим сел бўлуб дунёни бости...» руҳида ёзилған шеърлар зўраки, ясама, совуқ муболағалар дандир.

Кўз ёшим чу дарё, ҳар тараф оби равоним бор.

(Залилий)

Фам туни билмам шафақдир¹, ё фалак миръотида²,
Акс кўргазган кўзимнинг лаългун³ ёшимидур.

(Навоий)

¹ Шафақ — қуёш ботарда қизариб кўрунган булат; ² Миръот — кўзгу; ³ Лаългун — қизил.

Қайғули кечаларда, кўқда қизорған булутни кўрган, «бу менинг кўзумдан оққан қоннинг аксидир, онда кўрунадир», демак ёнглиш муболагалардандир.

УНДАШ

Туйғулардағи тўлқунларни кўрсатиб, ўқувчини қайнатмак учун бўлған қичқириб унダメкларга адабиёт-да «ундаш» дейиладир.

80 «Навоий «Лайли-Мажнун» достонида Мажнуннинг қайғули бир ҳолини тасвир қилиб бўлғандан сўнг ўзи қайнаб кетадир-да замонга қаршу:

Эй золи замона¹ дод, фарёд,
Атфолинга² неча зулму бедод.
Бу хайлниким ҳалок этарсан,
Ўз бағринг эрурки, чок этарсан

деб қичқирадирким, бу ундашнинг гўзал бир ўрнакидир. Саидалининг «Табиатда баҳор»ида ундаш, сўраш безаклари жуда яхши ишлатилган:

Эй, табиат, бу нечун?! Нега сен куласан-да, мен йиғлайман?! Мен-да сенинг бир учқунинг, мен ҳам сенинг бир бўлагинг эмасми?! Иўқ... Сен золим! Сенинг қийноғингга менинг борлиғим чидай олмайдир! Эй, меҳрисиз она, болаларинг қайғу тенгизига ботған экан, сен байрамми қиласан?! Онанинг ишимидир бу?! Болаларинг эзилсун, бир тилим нон тополмасдан зор-зор йиғласун, турли балоларға учрасун-да, сен кул! Она учун бу иш мумкинми?! Сен буларнинг ҳолини билмайсанми? Ўз қутоғингдағи ҳоллардан хабарсизмисан?!

ҚАРШУЛИК

Қаршу бўлған фикрлар маъноларини усталик билан бир-бирига бойлаб ёндошлишига «қаршулик» дейиладир:

81 Еруғликни севатурған бизнинг тинуқ
кўнглиминиз,
Қачонғача қоронғулар ичра қолар бўғулуб.
(Боту)

¹ Золи замона — кампирга ўҳшаған замона. ² Атфол — болалар.

81 Юз ёмонлиғ күрүб ондин телба бўлдунг, эй
Ехшилиқни кўз тутарсан ул париваш¹дин яна. кўнгул,

Мен неча жафою жаврингга сабр этай,
Бир зарра вафою меҳр йўқ сенда, нетай.
Чун бошим оёғингга қўярға ярамас,
Бошимни олиб оёғ еткунча кетай.

(Бобур)

Мана бу юқоридағи шеърлардаги ёруғлиқ — қоронғу, ёмонлиғ — яхшилик, жафо — вафо, жавр — меҳр, бош — оёқ сўзлари орасида қаршулик бор. Буларни ёндоширмоқ адабиётда «қаршулик» бўладир. Бироқ, бу кўрганларимиз сўздагина қаршуликдир. Ҳолбуки, қаршуликнинг энг яхиси «фикр»лараро қаршулик ясашдир. Ҷўлпоннинг «Мен ва бошқалар»ида қаршуликлар бор:

Мен ва бошқалар

Кулган бошқалардир, йиғлаған мениман,
Ўйнаған бошқалар, инграған мениман.
Эрк эртакларини эшитган бошқа,
Қуллик қўшуғин тинглаған мениман...
Бошқада қанот бор, кўкка учадир,
Шоҳларга қўнадир, боғда яйрайдир.
Сўзлари садафдек, товуши найдек—
Қўйини ҳар ерда, элга сайрайдир.
Менда-да қанот бор, бироқ боғланған...
Боғ йўқдир, шоҳ йўқдир, қалин девор бор.
Сўзлари садафдек, товуши найдек
Қўйим бор,.. уни-да девор тинглайдир.
Эркин бошқалардир, қамалған мениман,
Жонвор қаторида саналған мениман.

(Чўлпон)⁹⁴

Бобур Мирзонинг:

Эл борча пушаймон бўлур, тавба қилур,
Мен тавба қилибман, пушаймондирман
деган байтида ҳам фикрий қаршулик бордир.
Қаршуликнинг ўртоғи бўлған бошқа бир услуб бе-
заги борким, «яқинлик» (таносиб) аталадир.

¹ Париваш — парига ўхшаган, чиройлик.

Бу гапда бир-бирига яқинлиғи (муносабати) бўлған сўзлар тизиладир. Саидалининг «Табиатда баҳор»ида баҳор билан яқин бўлған чечак, қуёш, булут, гулдурлаш, чақнатиш, ёғмур, бўрон каби сўзларни тизгани адабиёт истилоҳида яқинлик (таносуб) дир.

ҚАЙТИШ (РУЖУЬ)

Шоир-адиб ўз туйғуларини онглатиб турған чоғда, гўё бирдан ифодалашнинг етишсизлигини билган бўлуб, бурунги сўзидан қайтадир-да, ундан кучлирак бир ифода билан сўйладидир.

Бунга қайтиш дейиладир:

Ийғлаб турдим, ийғлаб турдим эмас, унда тийрак ўлдим.

(Элбек)

83 «Қиз ўзининг поёнсиз ёлғузлиғининг энг охирги ҳадлариғача йитиб қолған, йўқ, балки у ҳаддан ошиб ўтиб кетган».

(«Сўба», Чўлпон таржимаси)⁹⁵

Кўнгил аро ҳушдин хабар йўқ,
Не ҳушки, кўнгилдин асар йўқ.

Ҳар бир монғишида бир латофат,
Йўқ, йўқки, сочиб жаҳонга офат.

(Навоий)

Азм айла сабо ул гули хандонимға,
Не гулки, қуёшдек моҳи тобонимға.

(Навоий)

Кўруларким, қайтишда сўнграғи фикрнинг бурунги фикрдан кучли бўлиши лозим. Шундай бўлмағач, қайтишнинг маъноси қолмайдир.

Навоийнинг:

Бўлмаса ишқ, ики жаҳон бўлмасун,
Ики жаҳон демаки, жон бўлмасун.

деганидағи қайтиш мана шундай кераксиз қайтишлардан дандир.

Чунки, бу «ики жаҳон бўлмасун» деганига рози бўлмай, «йўқ жон бўлмасун», дейдир. Ҳолбуки, иккинчи фикри биринчи фикридан кучсиздир.

КЕСИШ

84

Инсонда баъзи фикрлар, туйгулар бўладиким, уларни билдириш учун сўзлаган сўзлар ҳалигиларнинг таъсириларини йўқотмоқдан бошқа бир фойда бера олмайди. Одатда ҳам «мен бу фикрими онглата олмайман, бунин онглатмоқ учун сўз етишмайдир», деганимизда шундай фикрлар, туйгулардан хабар берамиз. Мана шундай фикрлар, туйгулар тўғрисида ортуқча сўзламакнинг фойдасиз бўлғанини сезган шоир бирдан сўзини кесадир, ўзининг сўйлашдан ожиз қолғанини онглатмоқ йўли билан туйгуларининг кучини кўрсатмақ истайдир. Бунга адабиёт тилида кесиш (қатиъ) дейиладир.⁹⁶

Яна бир кун кўк кўкрагини очиб,
Кула-кула бунлар сори боққанда.
Яна бир кун қизлар каби табиат,
Қулоғига олтун ҳалқа тоққанда.
Булар бутун писроқлардан айрилиб,
Кўклар сори қараб, учуб кеталар.
Яна учиш, яна ўйун, яна эрк...
Оҳ, ... у кунлар ...

Бурилиш (илтифот)

Бир нарсага ундан ё уни тасвир қилиб, ўз туйгуларини ёзиб турғон шоир бирдан сўзининг боришини бошқа томонга бурууб қўйса, мунга бурилиш (илтифот) дейиладир.

Сайдали ўзининг «Табиатда баҳор»ида:

85 «Табиат чечаклар билан безанадир, байрам қиладир. Турли чечаклар қуёшқа қараб қувонч билан лабларини жилмайтирадирлар. Бироқ, менинг устимга эса қўрқинч, қора булултар ҳар нафасда гулдураб олов чақнатадирлар. Боғримда ёққан ўтли ёғмурлар ики кўзимда ики «вулқон» каби қайнаб чиқадир, мени ботирадир, эритадир. Борлиғим қўрқунч бўронлар оросида қолмиш изла(р)дир... дегандан сўнг бирдан сўзини буриб: «Эй, табиат, бу нечун, нега сен кулласаи...» деб қичирадир, ундейдир-да, бизга бурилишнинг гўзал бир намунасини беради. Навоий «Лайли-Мажнун» достонида Мажнуннинг фожеъали ҳолларидан бирини тасвир.

қилғандан кейин бирдан сўзини табиатга, замонга қараб «бурадир»-да:

Эй золи замона, дод фарёд,
Атфолинга неча зулму бедод!

СҮЗ ЎЙУНЛАРИ

86 Араб-эрон адабиётидан таъсирланиб майдонға чиққан бурунғи адабиётимизнинг жуда аҳамият бергани сўз ўйунлари (лафзий санъатлар) дир. Буларга санъат демакдан ўйун демак түғрироқ-дир. Форс шоирларининг буюк бир қисми адабиётдан, шеърдан мақсадлари туйғуларни, воқеаларни, руҳий ҳолларни тасвир этмак, чизиб кўрсатмак эмас эди. Ақлсиз муболағалар, табиатдан ташқари ўхшатишлар, бир сўзни икки маънода, икки сўзни бир маънода ишлатишлар, сўкушдан-да қабоҳатли бўлған маҳташлар билан овора бўлмоқ улар учун улуғ адиблиқ, буюк шоирлик саналар эди. Бир кишининг боласи ўлса, ё хотуни туқса, бир киши бир мансабга эришса, уй, мадраса, сарой, ҳавуз, ҳаммом ясаса, замонининг энг катта шоирлари шунга таърих ёзиб таҳдим қиласидирлар эди. Буларнинг адабиёт билан, шеър билан муносабати бўлмаған сўз ўйунлари эканини онгламоқ истамаганлар бор кучлари билан шуларга берилганлар. Бизнинг ўзбек-чигатой шоирлари форс адабиётининг мана шу ясама санъат ўйунларига берилиган форс шоирларини тақлид этиб, кўб асарлар ёзғанлар. Бироқ, бу йўлда форс шоирлари дара-жасига эриша олмағанлар. Узларининг адабий кучларини, адабий истеъододларини текингина со-вуриб қўйғанлар! Бу сўз ўйунларининг бу кунги адабий қарашга кўра ярим чақалик аҳамияти йўқ-дир. Шундай бўлса ҳам бурунғи адабиётимиз билан танишмоқ истаганларга, албатта, ярағанини билганимиз учун китобхонимизда булардан ҳам бир оз гапуруб ўтмакчи бўлдим:

ТАЖНИС

Маънода бошқа бўлуб, ёзилишда, айтилишда бир-бирига ўхшаган икки сўзнинг бир мисраъда, ё бир байт-да сифдиришга тажнис дерлар.

Бобурнинг:

Ёз бўлдию бўлди яна жаннат киби ёзи,
Хуш ул киши ким айш или ўтган қишу ёзи⁹⁷.
Дўстлар, кўнглумдоғин қабрим тошига ёзғайсиз!
Токи бирдек бўлгай ул ой ишқида ичу тошим⁹⁸

деган байтларида «ёзи», «тош» сўзлари тажнис ўйуни билан айтилгандир. Навоийнинг шу туюфида ҳам тажнис ўйуни бор:

Ёраб, ул шаҳду шакар ё лабмидур?
Ё магар шаҳду шакар ёлабмидур?
Жонима пайваста ўқин отқали
Гамза ўқин қошига ёлабмидур?

ЛАФФУ НАШР⁹⁹ (ИИГИБ ТАРҚАТИШ)

Бир гапда, бир байтда икки-уч нарсанинг исмларини қатор тизиб, андин кейин уларга боғли ҳолларни шу тартиб билан қаторламоққа «лаффу нашр» (ийигиб тарқатиш) дерлар:

«Гуллар, булбулларнинг боғчани тўлдирган ҳид, товушлари мени қайфу дунёсидан узоқлаштирган эди», деганимиизда «гулларнинг ҳиди, булбулларнинг товуши» демасдан, «гуллар, булбуллар» дегандан сўнг уларнинг «ҳид, товушлари»ни қаторлаймиз.

Амирнинг:

Лаб ўгур такаллумга, зулфингни паришон қил,
Қанд қийматин синдир, нархи анбар арzon қил.¹⁰⁰

деган байтида «ийигиб тарқатиш» бор.

Фазлийнинг:

Оразинг била зулфинг боғ аро намоён қил,
Лола бирла сунбулни доғ этиб паришон қил
(байтида)

икки қабатлиқ «ийигиб тарқатиш» бор. Фазлий бошлаб ораз (юз) билан зулфни қаторлаб тизадир, сўнгра ораз тўғрисида лола, зулф тўғрисида сунбулни тизадир, ондин кейин «доғ этиб паришон қилиш»ни лола билан сунбулга боғлайдир-да, «лолани доғ этиб» гапини ораз-фа, «сунбулни паришон қил» гапини зулфга боғлайдир.

САЖЬ

88

Тизимда қофия нима эса, сочимда сажъ шудир. Бир мақола, бир ҳикояда гапларнинг охирларидағи сўзлар-

нинг бир турли оҳангли бўлишларидир. Араб адабиётида сажънинг эътибори жуда каттадир.

Қуръонда оят охирларидағи «мубайян», «муайян», «карим», «алим», «ҳалак», «фалак»лар.

Мана шул сажъ деганимиз сўз ўйинидир. Арабча ёзилған бир кўб адабий сочим асарлар сажъли қилиб ёзилғандир.

Бизнинг адабиётимизда буни киргизишга тиришгандар кўб бўлған. Улардан бир-икки намуна кўрсатайлик.

Навоийнинг «Маҳбубул қуслуб»идан:

«Аммо баъид фуқаронинг гадойи ва ғаройиб мастурлари чеҳра кушояиши, ал-фақирил-ҳақири Алишер Навоий мундоғ арз қилур ва адосин ўзига фарз билурким, бу хокисор, паришонрўзгор...»¹⁰¹

Амир Умархондан:

«...таадди аҳлидин фуқаро ва масокин хотирлари жамъ ва муҳофазатим таҳқиқидин, шомдин то субҳ расла ва дўконларда шамъ, ҳимматим саҳобининг рашаҳтидин муфлислар ғами ва кафи, кифоятим қатаротидан муҳтожлар мустағин бўлдилар»¹⁰².

89 Кўриларким, худди араб-форс сочмаларида бўлғои каби сажъли ёзишқа тиришмакни услубимизни бузушдан бошқа бир фойдаси йўқдир. Бир асарни бутунлай сажъли ёзмоқ эмас, сўз орасида бир-ики сажъли жумлалар айтиб кетишга бизнинг халқ шоирларимиз бўлғон баҳшилар муваффақ ёзилиб олинғон «Алломиши достони»да орасира мана шундай ўрунли сажъларга учрамоқ мумкиндир:

«Ўн олти уруқ қўнғирот элида бир чўпон тўй бўлди. Бийлар тўйга келди, бийларни отини ушламади, қўнглини хушламади...»¹⁰³

«Жортибой оқсоқол деган бир зот бор эди. Мажлисли кун бўлса, тўрдан жой теймас, пиёладан чой ичмас.

Бўзогнинг олдинда кавиш билан оралашиб, ит чағиши бўлуб ётар эди...»¹⁰⁴

«Мурнас кўрсанг дейрман новудай, каллалари сайтотнинг товудай...»

Мана бизда ҳам сажъ бор. Бироқ, араб сажъи каби зўрлаб бир мақолани тўлдурууб юбормайдир.

Мақоланинг, ҳикоятнинг жонли ўрунларида ифоданинг табиийлигини бузмасдан, бир-ики йўла кўруниб, яна йўқоладир. Бу йўсунда сажъ эса, албатта, мақбулдир.

ТАЪРИХ

Бурунги мадрасаларимизда ўқуған ҳисоб илмида «Абжад ҳисоби» бор эди. «Абжад ҳисоби»га кўра, ҳарфларнинг ҳар бирига бир сон белгиланган бўладир. Мана шундай:

۱	۲	۳	۴	۵	۶	۷	۸	۹	۱۰
۱	۲	۳	۴	۵	۶	۷	۸	۹	۱۰
۲۰	۳۰	۴۰	۵۰	۶۰	۷۰	۸۰	۹۰		
۱۰۰	۲۰۰	۳۰۰	۴۰۰	۵۰۰	۶۰۰	۷۰۰	۸۰۰		
۸۰۰	۹۰۰	۱۰۰۰							

90 Туғулиш, ўлум, тўй, тахтга чиқиши, бино солиш каби воқеалар тўғрисида бир тизим ёзиб, охирги мисраъида шу воқеаъ таърихини абжад ҳисоби билан кўрсатишга таърих дерлар.

Қўқон хони Амир Умархоннинг «Зафар кўк» деган оти ўлганда «Биҳжат» деган шоир мана шу таърихли марсияни ёзған...!

Қайси гулбун гулининг ғунчалари тўкулмас,
 Қайси гулбаргким, ул боди хозондин сўлмас,
 Қайси хумдирки, қазо тоши они синдирилас,
 Қайси жомеки, қадар шарбати анга турмас.
 На келур даври фалакдин бошингга, рози бўл,
 Ҳеч жондор ажалнинг илкидан қўрқилмас,
 Бўлди нобуд зафар кўк тўқулган су(в)дек,
 Эл аро ушбу масалдирки, «тўқилган тўлмас»,—
 Деди таърихи учун ақл: «Зафар кўк ўлди».

То мирохур бошини олмаса ҳаргиз бўлмас.

Бунда эски имло билан ёзилған «Зафар кўк ўлди» айтимининг ҳарфлари юқоридағи абжад ҳисоби билан (1277) бўладир. Бундан «мирохўр»нинг боши бўлған (۱۰) ҳарфи сони бўлған 40 ни чиқарғанда 1237 қоладирким, онинг ўлган йили шудир.

Хоразмнинг машҳур шоирларидан Полвонниёз Ко-мил Хоразм шаҳзодаларидан бирисининг туғулишига шу таърихни айтган:

Деди таърихини дуо бирла,
Комил ҳоксор бесомон.
Авж иззат уза муқим ўлсун
«نور عین سید محمد خان»

(Нури айни Сайд Мұхаммадхон)

91 Эски имло билан ёзилғанда тўртинчи мисраънинг абжад ҳисобига кўра сони 1203 бўлади. Мунга иззат (عززهت) сўзининг юқориси (авжи) бўлған “ع” ҳарфининг сони 70 ни қўшсак, 1273 бўлади.

МУАММО

Бурунғи шоирларимизни бўш бўшига машғул қилиб чарчатған ўйунларнинг биртаси муаммодир..

Шоирларнинг бири бир байт ёзадир шул йўсиндаким, унда бир «исм» маҳсус қоидалар билан яширилған бўлсун. Сўнгра муаммо қоидаларини билганларга ҳалиги яшурун аслини билдирамай, шу байтни ўқуйдир. Улар тиришиб, жон чекишиб билган қоидалари юзасидан ҳалиги исмни топиб айтадирлар.

Бу ўйуннинг шеър, адабиёт билан олиш-бериши бўлмағани маълум. Бироқ, бизнинг бурунғи шоирларимиз шеърдан, адабиётдан санағанлар-да, унинг йўлида мияларини чурутганлар. Ҳатто буни ўз бошича бир «фан» (муаммо фани) атағанлар. Қоидаларини кўрсатиб, китоблар ёзғанлар, мадрасада дарс этиб ўқуғанлар..!

«Муаммо» ўйунининг энг кўтарилиган замони Навоий замонидир. Навоий замонида форсича, ўзбекча муаммо бирликда кўтарилиган, форсий муаммоға кўпрак аҳамият берилган десак-да бўладир. У замоннинг энг улугики шоири Навоий билан Бобурнинг анча муаммолари бордир.

Навоий «муаммо фани» (!) да айрича бир рисола ҳам ёзған¹⁰⁵. Биз Бобур ҳам Навоий муаммоларидан биринки ўрнак кўрсатамиз:

92 «Навоийдан» («Боқир») / باقر / (исмиға).

Жаҳнат гулу насринига¹ бўлсанг муштоқ,
Гоҳ «ёр» юзиға, гаҳ кафи пойига «боқ».

¹ Насрин — бир чечак исми

«Боқ» сўзи «ёр» сўзининг юзи бўлғон «и «**ى**» » га қўшулса, «ёки» исми чиқар, оёғи бўлған» «» қўшулса, «ёқир» бўладир. «Ёқир» ёзилишда «Боқир» кабидир.

(«Жунайид» исмига).

«Оҳ» ўқин «жон» дин чекарсам ул париваш

«ёд»идин,

Қолмас ул ёдимда ҳам фарёд онинг бедодидин.

«Жон» сўзидан «оҳ»нинг ўқи бўлған (I) ҳарфи чиқарилса «ж.н» қоладир. Шул (I) ҳарфи «ёд» сўзида ҳам қолмаса, «й.д.» ҳарфлари қоладир. «ж, н, й, д,» ҳарфлари бирлашгач, эски имлода «Жунайид» (جونيید) исми чиқадир.

Форс-араб адабиётидаги сўз ўйунларининг турлари кўбdir. Бироқ, бизнинг адабиётимизда муҳим ўрун тутқонлари шуларгинадир.

Зотан буларнинг-да, қолғанларининг адабиётга аҳамияти йўқдир. Шунинг учун бу тўғрида сўзни узайтиш лозим кўрилмади.

ЭЛ АДАБИЁТИ

93 Ёзма адабиёт, эл адабиёти деб адабиётни иккига ажратадирлар. Бу ажратиш тўғрисида ёш адабиётчиларимиздан В. Маҳмуднинг шу аҳамиятли фикрини тинглаймиз: «... лекин ёзма, эл адабиётини айрмоқ ва буларни жомиъ, мониъ таъриф қилмоқ қийиндир, ҳатто мумкин эмасдир. Ёзма адабиётнинг бир хусусияти ёзмалиги, иккинчиси асар эгасининг маълум бўлишидир, эл адабиётининг хусусияти-да шу сифатларнинг бўлмаслиги ва сиздан оғизга кўчиб юрушидир. Энди таҳлил қиласайлик:

Биринчи: бир вақтлар ёзма ўлароқ тасбит этилган (майдонға чиққон) бир адабий асар йўқолди дейлик ва сўнгра унинг парчалари оғиздан-оғизга кўчуб юрди ва асар эгасининг оти ҳам унуптилди дейлик.

Иккинчи: оғиздан-оғизга кўчиб, асрларча юрған достон, мақоллар ёзилиб бир мажмуя ҳолига келтирилди дейлик (қандайки, бу кун ҳар ерда қилинадир).

Бу икковини қандай қилиб ажратиш керак ва қайси-ни қайсисига киргизиш керак?»¹⁰⁶

В. Маҳмуд «эл адабиётининг эгаси маълум бир киши эмас. Унинг эгаси халқдир», деган фикрни ҳам ма-на шундай юрутадир: «Ҳеч бир достон, мақол, топиш-

моқ, ашула йўқки, йигирма киши ўйлашиб тўқуғон ёки «баста»лаган (боғлаған) бўлсун.

Ҳар бир достон, мақол, топишмоқ, ашула асосан бир киши томонидан чиқориладир-да, сўнгра умумийлашиб кетадир. Туркистоннинг сўнг шоирларидан Муқимий, Фурқат, Ҳазиний парчаларидан шундайлари борки, агар аллақайси токчаларда чуруб, қорайиб кетган баёзлардан кўруб эгаларини билган бўлмасоқ, уларни эл адабиётидан ажрата олмас эдик...»¹⁰⁷

94 В. Маҳмуднинг гали жуда тўғри. Бу икки турили адабиёт орасидағи фарқни ёзмоқ, ёзилмағаниқда ёки эгасининг белгили-белгисиз бўлғанида кўрмак янглишдир. Шундай бўлса ҳам бизнинг санъаткор адабиётимизга қаршу ўзининг самимийлиги, соддалиги билан ўз борлигини сақлаб келган бир адабиётнинг борлиги-да маълумдир. Бироқ, бунинг айримаси ёзма бўлмаслигида, ё эгасининг маълум эмаслигида эмас, ўзининг руҳидадир. Шаҳарларда, сарой, мадраса теграларида йиғилиб, маданиятча илгари босқон, иқтисодча қўтарилиған, туйғуча-завқча ингичкаланган бир «кўма» (зумра)¹⁰⁸ дан кейинга қарасангиз, маданият, эътиқод, туйғу, завқ ҳам тушунчада тубандаги қолған буюк бир кўбчиликни кўришингиз аниқдир. Мана шу кетда қолған кўбчиликнинг тушунишига, завқига, туйғусига, руҳига қаратиб ёратилған кенг бир адабий майдон, жудаям кўб адабий асарлар бор. Мана шу асарларга биз эл, адабиёти деймиз¹. Бундаги ифода, услугуб, ўхшатишлар, сифатлашлар, мажозлар, истиоралар, қайнашлар ҳаммаси элники, эл тушунишига мос келтирилгандир. Ҳалиги санъаткор «кўма» (зумра) шоирларининг ҳечда ёқтирмағанлари таъбирлар, ўхшатишлар эл адабиётининг энг чиройлик қисмидир. Буни мисоллари билан кўрсатайлик:

Лапар айтсанг тўйда айтғил,
Сулув қизлар қочаро,
Очилмаған гул ғунчани булбул
сайраб очаро.
Кўзум олиб су(в)га чиқсан оҳ урадир бир йигит,

¹ Мана шу мулоҳазага топиниб, А. Саъдийнинг «Эл адабиёти»ни омма адабиёти дейшиша, ҳақ бергум келадир (Фитрат).

Күзам қўюб қулоқ солсам ёрдан айрилған йигит,
Ёрдан айрилған йигитнинг ёри мен бўлсаммукин?
Кўлига қирғий бериб, кўксидা жон
берсаммукин?
(Эл лапари)

95

Кўрмасам бир замон тоқатим йўқтур,
Мени зор ингратиб, қўзим, айрилма.
Сен кетарсан, мен қолурман зор йиғлаб,
Ҳижрон ўти бирла бағримни доғлаб,
Қайси бир ошнодин сени сўроқлаб,
Шунқорим, лочиним, қўзим, айрилма.

(Урганжлик Андалибнинг «Юсуф-Зулайҳо»сидан)

Мана бу шеърларда: «Очилмаған гул ғунчанинг бул-
бул сайраши билан очилиши» каби чиройлик киноя,
«кўза олиб су(в)га чиқмоқ», «қўлга қирғий бериб, кўк-
рагида жон бермак», сезига «қўзи, шунқор, лочин» деб
ундамак «кўма» (зумра) шоирларимизга яқатурған
таъбирлар эмасдир. Мана эл адабиётини «адабиёт»дан
(тор санъаткорона адабиётдан) айирған нарса, унинг
ёзилмағанлиги эмас, унинг руҳидир. У соддалар, табиий-
дир, кўбчиликнинг завқига ярарлиқдир! Кўруладирким,
бу масъалани, тўғриси, бу адабий ҳодисани ёзиш би-
лан эмас, синф масъаласи билан изоҳ этмак тузукрак
бўладир.

Эл адабиётидан саналған асарларнинг эгалари кўб-
чиликнинг «кўма» (зумра) шоирлари томонидан ёзил-
ған асарлар орасида кўбчиликнинг туйғу, завқига ёқиб,
эл адабиёти қаториға кирганлар ҳам бордир. Вадуд
Маҳмуднинг айтгани Фурқат, Муқимий, Ҳазиний «пар-
ча»лари шу қатордандир. Эл адабиётидан саналған
асарлар кўбчиликнинг туйғусига, завқига шундай мос
келадирким, у буларнинг эгаларига аҳамият бермай-
дир-да, асарни ўзиники қилиб оладир.

96 Бизда эл адабиётининг турлари шулардир:

Ашула, эртак, мақол, топишмоқ, лапар, достон.
Энди буларни биртадан кўруб ўтайлик:

Кўй, оҳанг билан ўқулатурған шеърлар, тизмалар-
га ашула дейиладир. Ашулаларимиз кўбрек миллий
вазн (пармоқ вазни) да бўладир.

Ашула, шеърларимиздан энг кўби тўртликлардир.
Бир ашулада ўқилатурған шеърлар олти-етти тўртлик-

дан иборатдир. Бироқ, бир-икки мисраъ «нақарот» ҳар тўртликда айланиб турадир.

Ҳар тўртликнинг ўзига маҳсус қофијаси бўладир. Ҳар тўртликда биринчи, икинчи, тўртинчи мисраъ ининг қофијаланиши бир турли бўлуб, учинчи мисраъ қофијасиз, бошқа бўладир:

Бекижон укам —
Жўхори экдим кечки,
Ёнидан қилдим бачки,
Ёргинам эсон келса,
Бекижон укам, ёрларам
Ҳар мозорга беш эчки.

(бу нақаротдир)

Сув келар гулдир-гулдир,
Севганим қизил гулдир,
Севганим топилмаса,
Улганим ўшал кундир.
Ориқ тўла сув оқар,
Сув тагида қум оқар,
Севганим ташлаб кетса,
Менга кулиб ким боқар?

97 Шу ашуланинг тўртинчи бандига қелган қофија йўсуни бирдан ўзгариб қоладир. Юқоридоғи бандларда 1-, 2-, 4-нчи мисраъ қофијасиз экан, тўртинчи бандда 1-, 3-нчи мисраълар қофијасиз, 1-, 4-нчи мисраълар қофијали бўладир.

Боғ айланиб шафтоли,
Учган кимнинг капитари,
Айтсан адo бўлмайдир
Бевафонинг дафтари.

Яна бешинчи бандда эса қофија бурунғи йўсунға қайтадир:

Боғинг бўлса қўра қил,
Ўғлунг бўлса мула қил.
Муллаликка кўнмаса,
Сатангларга жўра қил.

«Андижон борай» ашуласи:

Қошингни қорасига,
Хол бўлай орасига,
Асло раҳминг келмайдир

Мусулмон боласига.
Андижон борай дедим,
боролмадим
Роҳатлик қиласай дедим,
қилолмадим
(*Нақарот*)

От минсам ҳам ўйнайман,
Минмасам ҳам ўйнайман.
Севиб олған ёримга,
Минг боқсам ҳам тўймайман.

98 Бундан сўнг яна юқоридағи нақарот айтиладир. Ондан кейин яна тўртлик, яна нақарот давом этадир. Нақаротсиз тўртликлар билангина юрған ашулалар ҳам бордир. Баъзи ашулалардаги тўртликларда қофия биринчи, иккинчи, учинчи мисраъларда бир турли бўлуб, тўртинчи мисраънинг ўзи ҳар бандни тўртинчи бўлиб такрор этадир:

Энди сендеқ, жоно, жонон қайдадир,
Кўруб гул юзингни боғда бандадир,
Сақлай ишқим токи жоним тандадир,
Ўзим ҳар жойдаман, кўнглим сандадир.
Меҳринг ўти тушуб ногоҳ жонларга,
Парвойим йўқ зарра хонумонларга,
Лола янглиғ тўлуб бағрим қонларга,
Ўзим ҳар жойдаман, кўнглим сандадир.

Ҳосили шуким: эл ашулаларида шеър кўбрак тўртлик бўлади. Ҳар тўртлиқда бир-икки мисраъ нақарот бўладир; бўлмаганлари ҳам бор. Қофия бордир, бироқ ўрни белгили эмасдир. Тўрт мисраъда қофия бўлғани каби 1-, 2-, 3- ичидаги ҳам бўладир. Бир-икки мисраъ қофиясиз ҳам ўтиб кета берадир.

99 Эл адабиётидағи ҳикояларга эртак дейиладир. Эртак эл шоирларининг хаёллари ёрдами билан тузуладир. Булардан бири Абубакир Девоев имзо-си билан нашр этилган «Эрксиз фолчи» эртагидир. Ўлкамизнинг энг заарарлик қуртларидан бўлғон полчи-дуохонларга жуда чиройлик этиб кулгани учун муҳумдир¹. Бу чиройлик эртакнинг қисқача мазмуни мана шундайдир:

«Бир чолнинг хотуни ҳамбомға борадир. Ҳали ўзини ювуб бўлмаған экан, «подшоҳ фолчисининг хотуни

¹ «Билим ўчоги» журнали, 1-сон, 99-бет.

келадир» деб ҳамбомни бўшатадирлар. Ярим ювунғон ҳолда кампирни ҳам чиқарадирлар.

Кампир уйига келгач, «сен нега подшоҳнинг фолчи-си бўлмадинг», деб эри билан урушадир.

Чол, ҳой ундан бўлса фолчи бўлайин, дейдир-да, фолчилик асбоблари топиб бозор бошида ўтурадир. Подшоҳнинг одамлари узоқ бир вилоятнинг солуғини йиғиб хачирларига юклаб келаётганда йўлда бир хачир олтунни йўқотиб, подшоҳга хабар берадирлар. Подшоҳ ҳалиги чолни чақирадир. Бир хачир олтунни топиб беришини сўрайдир. Умида ҳеч фолчилик қилмағон чол нима десун!

100 Хачирнинг йўқолган жойини сўрайдир. Оғир юки бўлған ҳайвоннинг шу жойдан узоққа бора олмағанин ўйлаб, «хачирингиз шул йўқолған қўшнилардан бўлған бир боғда ётибдир» (деб) жавоб берадир. Подшоҳ одамлари от чопиб борадирлар ва хачирни топиб келтирадирлар.

Бир кун подшоҳнинг хазинасини ўғирлайдирлар. Подшоҳнинг фолчилари тополмайлар. Бизнинг ёлғон фолчимизнинг билмай қилған бир иши на-тижасида бу ҳам топиладир. Чол фолчи бутун фолчиларнинг бошлиғи бўладир. Чол фолчи сирининг очилишидан қўрқадир. Бир кун ҳамбомда шу масъалани ўйлаб турадир-да, энг сўнг ўзини девона қилиб қутулишға қарор берадир. Ҳамбомдан яп-яланғоч чиқиб, подшоҳ саройига югуриб кела-дир, тахтда ўтирган подшоҳни ёқасидан тортиб ерга йиқитадир. Подшоҳ тахтдан узоқлашғоч, тахт устидоғи айвонча бирдан чўкадир. Буни ҳий-лакор чол дарров бошқа ёққа бурадир. «Тахсир, ҳамбомда эдим. Шу айвончанинг йиқилиши мен-га маълум бўлди. Сизни қутқариш учун мана шундай яп-яланғоч 'келишка мажбур бўлдим», деб яна анчагина инъом оладир. Бир кун подишоҳ бир чигирткани тутмоқчи бўладир, икки йўла қо-чириб, учинчи йўла тутадир. Чолни чақириб қўлим-да нима бор? деб сўрайдир. Чол энди бу гал қўл-га тушганига аниқ ишонадир. Ҳеч бир ҳийла тополмайдир. Ўзининг икки йўла подшоҳни алдаб, энди қўлга тушганига ҳасратланиб, «бир сакра-динг қутулдинг, икки сакрадинг қутулдинг, учин-чисида тутулдинг», дейдир. Подшоҳ эса «Бале, чол, топдинг», деб қўлини очадир.

Мана шундай бўлуб ўзининг фолчи эмаслигини яхши билган чол аҳмоқ хонлар саройида улуғ фолчи аталиб юрадир».

Достон — бу, асосан, эртакдир. Бироқ, ўзининг қаҳрамонларининг бўлушки, узун ҳам кенглиги, соф тизим, ёки тизим-сочим аралашлиги, бахшилар томонидан чолғи билан айтилиши билан эртаклардан айриладир. Достон улуғ воқеаларга аралашкан қаҳрамонларнинг қилған ишларини тасвир қиласадир. Тартиб эткучилари, айтиб бергучилари «бахши» аталған эр шоирларидирлар. Достон нуқул тизим бўлғани каби тизим-сочим аралаш ҳам бўладир.

101 Бу достонлардан бири — эл адабиёти йўлида тиришгучиларимиздан ўртоқ Фози Олимнинг 1922 йилларда Тошкент ва Самарқанд уездларида яшайтурған ўзбекларнинг машҳур оқинлари — Ҳамроқул бахши ва Фозил жиров Йўлдош ўғлиниңг оғиздан ёзиб олғани «Алпомиш достони»дир¹⁰⁹.

«Ун олти уруқ Кўнғирот элида Довонбий деган ўтди. Довонбийдан Олпинбий деган пайдо бўлди. Олпинбийдан Бойбўри билан Бойсари деган пайдо бўлди...» деб қисқа, жумласи очиқ, фасеҳ бир сочим билан бошланған бу достон сочим, тизим аралаш достонлардандир. Достоннинг қаҳрамонлари Бойбўрининг ўғли Алпомиш, Олпон билан Бойсари қизи Барчинойдир. Алпомишнинг мусулмонча оти «Ҳакимбек»дир. Узи мадрасада «таҳсил» кўрадир. Бир кун отасига «закот»дан маълумот берадир. Отаси Бойбўри Бойсарининг молидан закот талаб қиласадир. Бойсари акасига закот бермайдир. Кўнғирот элидан кўчадир. Мусулмон бўлмаган «қалмоқ» юртига бориб, қўнадир. Ондаги ботурлардан «Қоражон» билан «Қўкалдош» унинг қизи Барчинойга ошиқ бўладирлар, уни олмоқ истайлар; бу хабарни эшиткан Алпомиш ўзининг севгилисини қутқармоқ учун отланиб чиқадир. Воқеа шунинг теграсида юрадир.

Достонда қаҳрамонларнинг ўзаро сўзлари тизим билан борадир. Бахши буларнинг қаёқа борғанларини, нималар қилғанларини сочим билан айтадир. Сочимлари енгил, очиқ, қулай онглашилариқдир. Сўзнинг табиий боришини бузмасдан, ора-сира сажълар ясадир. Баъзи жойларда сочимлар ярим тизим шаклини оладир:

«Тўқсон отни тўқсон ботур минади. Жарашига жияк

совут кияди. Эрта билан намоз вақти бўлғонда Бойсарининг овулина келади».

102 Тизимлари пармоқ вазнидадир. Қофия тўғрисида эркли бир йўл тутулған. Қофияси бўлса ҳам белгили бир тартиб билан эмас. Қофиясиз мисраълари ҳам бор:

Кўкалдош:— Бойсари ака, эшит меним сўзимди,

Тўқсон полвон энг каттаси ўзимди.

Барчинойни тўқсон полвон талади,

Олиб чиққин Барчин деган қизингди,

Барчиной сайласин, бўлсун анга бош.

Бойсари:

— Айтканингга, эй Кўкалдош, кўнмайман.

Мол эмасман, ҳайдовингга юрмайман.

Барчинойдинг Алпомишдай эри бор,

Ул тургонда сенга қизим бермайман.

Алпомишим бу чоғда ёшдир,

Ёш бўлса ҳам қўнғирот элига бошдир,

Бу сўзинг эшилса Олпон келади,

Қасд айласа Олпон элинг олади.

Қирқ йигитман бедов оти келади,

Тўқсонингга қирқ кун қирғин солади.

Бир Барчин деб солма бошингга балони,

Бир Барчин деб қир(қ) Барчининг олади.

Бундан бурун ҳам ёзишга ўткарилган эл достонлари бизида кўбидир. Санавбар, Тоҳир-Зуҳра, Баҳром-Гуландом, хивалик Нурмуҳаммад Андалибининг «Юсуф-Зулайҳо» ҳикояси шу йўсунда ёзилған, ҳатто босилған эл достонларимиздандир¹.

103 Буларнинг энг муҳими «Аҳмадбек», «Юсуфбек» достонларидир. Шу достонларнинг-да ҳаммаси сочим-тизим аралашдир. Сочимларида «Алпомиш достони»да бўлған фасиҳлик йўқдир. Сабаби буларни баҳшилар айтқанча ёзилмай, у замонги ёзиш йўлларига эргаштирилгани бўлса керак. Тизимлари юқорида ашула шаклида кўрганимиз тўртликлардан тузулган:

Язиллардин оғир лашкар келибдир,

¹ Буларнинг ҳаммаси сариқ қоғозда, ёмон янглиш, ўқулмас ёзий бирла тош босмада босилған. Текширишкя ярамайдир. Илмий марказимиз ҳиммат қилса-да, шуларнинг ҳаммасини йиғиб, тузатиб, ишлай бостириса...

Юсуфбекка йўқ савдолар солибдир,
«Валлаҳ аълам» Юсуфбек қул бўлубдур,
Туринг, беклар, айриб олай жонимни.
Бизни йўқлаб кўздин ёшни тўкмасун,
Банди бўлуб, марднинг кўнгли чўкмасун,
Эй йигитлар, бизнинг¹ бўлмасун,
Туринг, беклар, айриб олай жонимни,
Амирбекнинг онгланг эмди сўзини,
Ақлингизга келиб онгланг тўғрини,
Худо ёр бўлса бир қирсоқ кофирни,
Туринг, беклар, айриб олай ёримни.

- 104 Бу йусундан бошқа, эски ғазал шаклида қатор қофия била ёзилғон тизмалари ҳам бор.

ЛАПАР

Эл адабиётининг энг муҳим турларидан бири лапардир. Бу тўғрида шоиримиз Элбек мана бундай дейдир²:

Бурунларда боболаримиз томонидан тўй-тўйга кўчурилиб буюк ҳавас билан айтилиб келган бу «адабиёт» букун сўнар ҳолга етмишдир. Лапар «опера»га ялтироқ (яқинроқ бўлиши керак—Ҳ. Б.) бир руҳда айтилган асар бўлуб, буни қизнинг никоҳидан бир-икки кун бурун ўйун кечасида «куй» билан айтиб ўқуидирлар. Мунда келин бўлгувчи қиз ўзининг яқин ўртоқларини чақириб, «базм кечаси» ясадидир. Бунинг бир кечасига қизлардан ташқари хотунлар, кўёв томонидан йигитлар ҳам келадирлар. Бу кўнгилли кечани бошқариш иши қари хотинларга топширилғанликдан улар тартиб сақлаб, кечани жуда яхши ўтказадирлар. Бу ясалғуси базм кечасида қизлар ва йигитлар ўзларининг кўнглидаги нарсаларини «лапар» йўли билан бир-бirlарига онглатадирлар. Лапарни бошлаш олдида қизлар билан йигитлар орасида турғуси хотинлардан бири «лапар»нинг бошланғичи бўлған қуйидаги «лапар»ни айтиб, уларни лапарга ундайдир.

Бошланғич лапар:

Лапарнинг аввал боши мармар тоши,
Чит рўмолни ҳўл қилғон кўзнинг ёши.

- 105 Чит рўмолим хосае,
Кўлимда чинни косае,

¹ Бир сўз тушиб қолган.

² «Билим ўчоги» журнали, 1-сон, 97-бет, 1922 йил Элбек мақоласи.

Қизлар лапар айтганда
Йигитлар қулоқ солса¹.

Бундан сүнг йигитлар тартиб билан ушбу йўлда ла-
парни бошлайдир ҳам бир гал қизлар ва бир гал йигит-
лар айтиб, тонг отдирадилар:

- 106 — Лапар айтсанг тўйда айтгил сулув қизлар
қочаро,
Очилмаған гулғунчани булбул сайраб очаро.
Эй булбул, мунча сайрайсан тоғу тошни
йўйдуруб,
Иссиқ-совуқ сув ичарсан мой юракни
куйдуруб...
- Кўзам олиб сувга чиқсан оҳ уродур бир
йигит,
Кўзам қўйиб қулоқ солсан, ёрдан айрилған
йигит.
Ёрдан айрилған йигитнинг ёри мен
бўлсаммукин,
Кўлига қирғий бериб, кўксида жон
берсаммукин?
- Дарёнинг нарёғида бир туб ғўза,
Ул ғўзанинг тагида олтун кўза.
Жон янга, жоним янга, арзим сизга,
Бир кечада қўшуб қўйинг қаро кўзга.
— Дарёнинг нарёғига қўй берамиз,
Тўти қуш боласига тўй берамиз,
Тўти қуш боласига ипак керак,
Ёр билан ўйнашмоққа юрак керак.
— Қизларжон, қайнар булоққа бошламанг,
«Моли кўб» деб бой боласин хушламанг,
Мол деган қўлни кири, ювса кетар,
Тирик қўлга мол етар¹¹⁰, ўлган кетар.
— Субҳидамнинг салқини сўлдирди гуллар
баргини
Кимга айтиб, кимга йиғлай бевафо ёр дардини?
Бевафо ҳаргиз вафодор ўлмади,
Тол оғоч асти мевадор ўлмади.

¹ Бу олти мисраъни ўртоқ Элбек тўргт мисраъ қилиб кўрсат-
ган. Мен унинг сүнг икки мисраъини оҳангига қараб, 4 мисраъ
килдим. Ҳаммаси б мисраъ бўлди.

ТОПИШМОҚ

Баъзи нарсаларнинг отини айтмасдан сифатларини, белгиларини айтиб, бошқаларга толтиришга «топишма» дейиладир. Эл орасида адабий ўйунлардан саналадир:

Қишида келар,
Ёзда кетадир.

(*Бүг*)

Эшик орқасида бели боғли қул ётадир

(*Супурги*)

Пак-пакана бўйи бор,
Етти қабат тўни бор.

(*Суғон*)

Олтита оёғи бор,
Иккита туёғи бор.

(*Тарози*)

МАҚОЛ

Элнинг кун кўрган, иш ўткарган синалишли қарилари томонидан айтилган ҳикматли, қисқа, маъноли гаплардирким, эл орасида «яшаш қонунлари» каби ҳукм суруб, тилдан тилга юрудир: Синамаған отнинг сиртидан ўтма. Отанг боласи бўлма, одам боласи бўл. Чумчуқни (ҳам) қассоб сўйсун. Чумчуқдан қўрқсан тариқ экмас. Оч қорним — тинч қулоғим. Уз уйим—ўлан тўшагим. Бўзчи белбоққа ёлчимас. Мулла билганин ўқур, товуқ кўрганин чўқур. Ётиб қолгунча отиб қол. Оғзи қийшиқ бўлса-да, бой боласи сўйласун.

107 АДАБИЙ АСАРЛАРНИНГ ТУРЛАРИ

Адабий асарларда шеърий ижодларни¹¹¹ учка ажратадирлар:

1. Лирика — лирика.
2. Ривоя — эпос.
3. Томоша¹.

Лирика: шоир ўзининг қайфу-армонларини, тилак-орзуларини, туйфу-сезгиларини тасвир этмак тилаги билан тўлқунили, ҳаяжонли шаклларда яратилған асар-

¹ Адабиётчилар бундай «томоша» ўрнида «драма» дейлар. Ондан кейин бу «драма»ни фожиа, кулги драма деб учка бўладирлар, бошдағи драмани кенг маъноси билан драма сўнггисида эса тор маъноси билан драма деб ажратадирлар. Мен мана шу қийинчиликдан қочиб «кенг» маъно билан «драма»ни «томоша» дедим-да, «драма» сўзини тор маъносида қолдирдим.

ларга «лирика» дейиладир. «Юракчилик-лирика» шеърларининг ривоя, томоша асарларидан айирмаси каттадир.

Ривоя: томоша асарлари онглатиш йўли билан юрадирлар. «Лирика-юракчилик» эса сездириш, туйғулантириш, тўлқунлантириш тилаклари билан майдонга кирадирлар.

Ривоя, томоша асарлари воқеадаги хаёлдан¹¹² бир воқеани тасвир қилиш йўли билан мақсадларига қараб борсалар, «лирика-юракчилик» шеърларида энг катта рўлни оҳанглар, хаёллар, тўлқунлар, туйғулар ўйнайдирлар.

Бизда бурунгилардан Навоий, Бойқаро, Бобур, Лутфий, Машраб кабиларни «лиризм»нинг энг катта кишилари саналадирлар. Уларнинг ғазаллари «лирика-юракчилик» шеърларининг энг гўзал намуналаридир.

108 Янгилардан эса «лирика»нинг энг яхши намуналарини бизга Чўлпон билан Боту бердилар. Чўлпоннинг «Кел бери», «Виждон эрки», «Нима», «Кетканингда» деган шеърлари билан Ботунинг «Тўлқуним», «Умид сўзлари», «Юрак тўлқуни» деган шеърлари «лирика-юракчилик»нинг чиройлик меваларидир.

ТОМОША

Агар воқеадаги ё хаёлдаги бир ишни, бир воқеани тасвир этиш йўли билан юрғанда тасвирлар шоирнинг, ёзувчининг тилидан эмас, шул воқеага аралашқон кишилар тилидан тасвир этилса, «томуша» асар аталади.

Бир воқеани шунга аралашқон кишиларнинг сўзлари, ҳаракатлари билан амалда тасвир этиб, «тамсил», яъни саҳнада худди ўзи каби кўрсатиш тилаги билан ёзилған асарларга «томуша» асарлари дейиладир.

Томуша асарида «саҳнада кўрсатиш (тамсил)» тилаги борлиғи сабабли унинг гўзал чиқиши учун ёзғучининг-да аҳамиятлари каттадир.

Адиб-ёзғучи чиройлиқ қилиб ёзса, ўйновчилар чиройлиқ қилиб ўйнасаларгина асар муваффақият билан чикадир.

Бироқ, энг муҳим рўл адиб-ёзғучининг ўзидадир.

Ёмон бир ёзғучи томонидан ёзилған, санъатга тубан бир асарни уста артистлар ўйнамайлар, ўйнасалар-да яхши чиқара олмайлар.

109 Яхши ёзилған бир асар ёмон ўйновчиларга уч-

раса, шул биргина ўйундағи қийматини йўқотадир. Бироқ, ўзидағи адабий қийматини, иккинчи йўла яхши ўйновчилар томонидан муваффақиятли чиқмоқ ҳаққини сақлайдир.

Томоша асари бир ёки бир неча бўлакдан иборат бўлиб, ҳар бўлагига «парда» дейиладир. Томоша асарининг мундарижаси уч асос бўлакка тартиб этиладир. 1) боғланиш; 2) бориш; 3) битиш. «Боғланиш» воқеанинг бошлангичи ҳукмидан бўладир. Бунда воқеадоги кимсаларни бирлаштириб, воқеага тўғри сурмак учун йўллар изланадир, шул кимсаларнинг воқеага воқеани туғдириш учун ўзаро боғланишлари кўрсатиладир.

«Бориш» воқеанинг боришини, «битиш» воқеанинг натижасини кўрсатадир, бу уч асос бўлакни неча пардага ёзиш тўғрисида қатъий бир сўз деб бўлмайдир: уч пардада, беш пардада, биргина пардада кўрсатиш мумкинdir.

Томоша асарининг муҳим қисми воқеа кимсалари тилидан ёзилған сўзлардир. Орада кимсаларнинг келиб-кетишларини, сўзлаш чоғидағи турмушларини, ҳаракатларини ёзғучи ўз тилидан онглатиб ўтадир. Бу сўз ёй ишорати аталған ишоратлар¹¹² орасида ёзиладир. Бу сўзларнинг вазифаси саҳнада ўйновчиларга раҳбарлик қилмоқдир. Томоша асарида воқеага аралашқон кимсаларнинг ўзаро гаплашмакларига «диалўг», ёлғузча гаплашмакларига «мўнўлўг» дейиладир.

Томоша асарларидағи аралашқон кимсалар орасидан биртаси шул воқеада катта ўрун оладир, воқеа маркази бўладир. Бунга воқеанинг ёки асарнинг қаҳрамони дейиладир.

110 Томоша асарининг муваффақиятли бўлуб чиқиши учун кўзда тутилмоғи лозим бўлған шартлар шулардир:

1. Тўлалиқ: воқеага аралашқон кимсаларнинг «характерлари, руҳий ҳолатлари бутунлай очилған бўлсун. Асар нима мақсад билан ёзилған эса, томошаларни шу мақсад сари тортиб, элтиб эриштурсун. Кимсаларнинг характерлари, руҳий ҳоллари буткул очилмай қолса, ўз томошачиларини туб тилагига эриштира олмаса, асар тўла очилмаган саналадир.

2. Бирлик¹¹⁴ туб тилакнинг¹¹⁵ очилишига керак бўлмағон кимсалар, кўринишлар, диалўг, мўнўлўглар асарга киргузулмасун. Туб тилакнинг очилишига хизмат қилмаған кимсалар, кўрунишлар, воқеага сира бойлан-

маған диалўг, мёнүлўглар асарнинг бирлигини бузадир. Бироқ, асарда «бирлик» бўлсун деб «бир турлилик» қилмоқ, яъни ондағи кимсаларни, кўрунишларни, воқеаъларни, сўзларни бир турлироқ олиб бормоқ ҳам тўғри эмасдир. Бунга «бирлик» эмас, «бир турлилик» дейладир. Умуман, адабий асарлар учун «бирлик» қанча фойдалик эса, «бир турлилик» шунча зарарлидир, ярамайдир. Томоша асарларида кимсаларнинг, кўрунишларнинг тез-тез ўзгариб туришлари яхшидир. Бироқ, бу ўзгаришлар асарнинг туб тилагидан узоқлашиб, бирлигини бузмасун.

3. Тўғрилик: асардағи кимсаларнинг характеристлари тўғри кўрсатилсун. Воқеалар, гаплар ҳарактерларига мос келсун. Диалўг, мёнүлўглар табиийликдан, ҳаётийликдан айрилмасун. Диалўг, мёнүлўглар ўз эгаларининг илмий, адабий кучларига мос келарлик бўлсун.

111 «Томоша асарларидағи воқеада аралашқон кишиларнинг биртаси воқеанинг маркази бўладир, воқеада катта ўрин оладир. Бу киши воқеанинг қаҳрамонидир» деган эдим. Шул қаҳрамоннинг ҳаётда бир тилаги бўладир. У шул тилак йўлида тиришадир, тўсуқларға қаршу кураш очадир. Мана шу асар қаҳрамони томонидан очилған курашнинг шаклига кўра «томуша» асарлари учка бўлинадир. Асар қаҳрамонининг кураши кичик, тубан, кулунч, масқара бўлса, томоша асари «комедия» аталадир. Ўйғуннинг «Туркистон табиби» деган бир томоша асари бор. Оnda «Туркистон табиби» бўлған кишининг тилаги ёлғондан табиблика от чиқариб, ўзининг тириклигини таъмин этишдир. Бу тубан тилак йўлида унинг кўрган ишлари, қилған курашлари кулунч, майда, масқара дир. Шунинг учун «Туркистон табиби»га биз «комедия» (кулгу) деймиз.

Асар қаҳрамонларининг тилак йўлидаги курашлари «драма»дағи курашдан кучли бўлса, ҳалокатларга, қонли воқеаларга бориб тўхтаса, «трагедия» (фожиа) бўладир. Беҳбудийнинг «Падаркуш»и ҳам «Абулфайзихон», «Абу Муслим» каби томоша асарлари «трагедия» (фожиа) лардир.

112 Бу уч турли томоша асарлари кўбрек сочим йўсунда ёзиладир. Тизим билан ёзилғанлари ҳам бўладир. Тизим йўсунда ёзилиб, куйларга боғланниб, саҳнада мусиқа билан ижро этилса, унга

«опера» дейиладир. «Опера» гўзал санъатлардан музика билан адабиётни саҳнада бирлаштиргани учун томоша асарлари орасида муҳим ўрин тутадир. Оврупо гўзал санъатлар дунёси операга жуда катта аҳамият берадир. Бизда операчилик йўлида отилған биринчи одим Ғулом Зафарийнинг «Ҳалима»сидир.

РИВОЯ

Воқеада, ё хаёлда бўлган воқеаларни ёзғучи-адиб тилидан тасвир этиб ёзилған асарларга «ривоя» дейиладир. Ривоя: масал, достон, ҳикоя, рўмон отлари билан тўрт асос қисмга ажраладир.

Масал: ҳайвонларга, баъзан жонсиз нарсаларга нисбат бериб ёзилған киноятли, ибратли ҳикоялардир.

Масаллардағи воқеалар кўбрак ҳайвонлар орасида тасвир этиладир. Бироқ, бу жудаям лозим эмас; воқеани жонсиз нарсалар орасида тасвир этиш ҳам мумкиндири. Чунки, у воқеага аралаштирилғон ҳайвонларнингда, жонсиз нарсаларнинг ўзлари мақсад бўлуб олинмайлар. Улар одамлардан киноя қилинуб, одамлар ўрнида олинадирлар. Масаллар ўқувчиларга қандай бўлса-да, бир ибрат бериш тилаги билан ёзиладирлар. Масалнинг мақсади бўлған «ибрат» баъзан масалнинг охирида унинг бир натижаси қилиб, очиб кўрсатиладир. Бизда бунга «қиссадан ҳисса» дейиладир. Баъзан-да масалнинг ибрати очилиб кўрсатилмайдир. Масалнинг боришидан онглашилиб қолған бўладир. Энг яхшиси ҳам шудир.

Бизнинг адабиётимизда Навоийнинг форсийдан кўчиргани «Лисонут тайр» китоби каттакон бир масал бўлғани каби Гулханий шоирнинг «Зарбулмасал»ида бир масал, замонамиизда эса масалчилик йўлида шоиримиз Элбекнинг онча хизматлари бўлуб турадир.

113 Биз унинг масалларидан биртасини тубанда ёзиб кўрсатамиз:

Икки тулки

Бор эди бир ўрмонда икки тулки,
Уларнинг тириклиги эди турли.

Бири ҳар кун тўқайлиққа томон кетиб,
Овқотини ўтказарди эмгакланиб.

Иккинчиси овлар эди боғчаларни,

Ерди ундан ўғирлаб кўб емишларни.
 Бир кун булар йўл устида кўрушдилар.
 Бир-биридан ҳол-аҳвол сўрушдилар.
 Ҳар иккиси ўз турмушин сўзлаб ўтди,
 Бу орада бир кўб сўзлар бўлуб кетди.
 Сўз ичиди ўғри тулки ўз турмушин,
 Кўб мақтади унда еган бор емишин.
 Гўё унинг айтишича боғ емиши,
 Ҳеч меҳнатсиз, бутун унинг қўлида эди.
 Бу сўзларга у тулкининг ақли шошиди,
 Тўқтамади ул-да шундан оғиз очди.
 Ўз ишининг машаққатсиз бўлмоғонин,
 Меҳнат билан сира қорни тўймағонин.
 Айтди, қўймай, барчасини қуюб-ёниб,
 Ўғри тулки тинглаб турди қулоқ солиб,
 Сўзлар биткач икки ёқдан, ўғри тулки
 Деди, қараб ўртоғига: «Кел буни е,
 Бундан сўнгра менинг ила бирга бўлгил,
 Қорнинг тўйуб, мендек сен ҳам ўйнаб кулгил.
 Деб, ул тулки ўзи билан олиб кетди,
 Узоқ бормай, булар битта боққа етти.
 Ҳар иккови боғ ичига киришдилар,
 Боғда бўлғон емишлардан ейишдилар.
 Шул соқ боғбон булардан тез хабар топди,
 Хай-ҳой билан булар томон қараб чопди.
 Ўғри тулки тез-тезгина кўрган йўлдан,
 Яшириниб, билдирамасдан чиқиб қочди.
 Ҳалиги тулки йўл билмайин тутулиб қолди,
 Қўрқушидан титраб-қақшаб,вой-войлади,
 Бунинг товушин эшиштагач ул ўғри тулки
 Қаттиғ товуш билан чақириб буни деди:
 — Энди қачон кўрушамиз, ҳам қаерда?!
 Иккимчиси жавоб берди йиғлабфина:
 — Эрта билан кўрушамиз тери бозорда.

(Элбек)

Достон: эл адабиёти фаслида айткан эдик: буюк
 воқеаларга аралашқон қаҳрамонларнинг бошидан ўт-
 казганларини тасвир этиб ёзилған шоирона асарларга
 достон дейиладир.

Достонларни тўртка ажратмоқ мумкинdir:

- 1) қаҳрамон достонлари; 2) классик достонлар;
- 3) тақлидий-классик достонлар; 4) янги замон достонлари.

115 **Қаҳрамон достонлари:** халқ қаҳрамонлари арашқон буюк воқеаларни тасвир қилиб, халқ баҳшилари томонидан халқ чолғулари билан ўқулғон достонлардир. Узбекча «Алпомиш» достони ва бошқалар каби. Китобимизнинг эл адабиёти фаслида бу тўғрида анча сўзланди.

Классик достонлар: халқ орасидағи қаҳрамон ашулалари, қаҳрамон достонлари ҳам шуларга оид эртаклар; талантли-истеъодли санъаткор бир шоир томонидан тўпланиб, бир-бирига байланиб, безаниб, тўла, улуғ бир достон шаклида тузулган бўладир. Форсларнинг «Шоҳнома» деган китоблари шундай бўлуб тузилган. Машҳур Эрон шоири Фирдавсий Эроннинг тарихи, афсонавий қаҳрамонлари тўғрисида бўлғон халқ ашулалари, халқ достонлари, халқ эртакларини йиғиб, ўттуз йил тиришиб, шул «Шоҳнома»сини ёзған. Бундай достонларга «Классик достонлар» дейиладир. Юоннларнинг машҳур «Илиада» деган достонлари шундай достонларнинг биринчиси ҳам атоқлиси ҳисобланадир. Бундай достонлар бизда йўқдир. Ёлғуз биз эмас, бутун турк адабиёти бундай классик достонлардан маҳрумдир.

Тақлидий классик достонлар: отидан онглашилғандир; юқорида кўрулған классик достонларга эргашиб (тақлид қилиб) ёзилған асарларга тақлидий классик достонлар дейиладир.

Навоийнинг форс классик шоирлариға эргашиб ёзғани «Лайли-Мажнун», «Фарғод-Ширин», «Ҳафт манзар»¹¹⁶, «Искандарнома»¹¹⁷ отлари билан машҳур бўлғон достонлари ҳамда балхлик Дурбекнинг «Юсуф-Зулайҳо»си шундай достонлардандир.

116 **Янги замон достонлари:** шоир-адиб эл адабиётига мурожаат қилмай, ўз маълумоти, ё ўз хаёлиниг ёрдами билан воқеий, хаёлий бир қаҳрамон тўғрисида достон ёёса, унинг асари «янги замон достони» аталадир. Машҳур чигатой-ўзбек шоири Муҳаммад Солиҳнинг «Шайбонийнома»си билан букун ўзбек шоири Фулом Зафарийнинг «Чўлпон темир», «Воннайча» деган достонлари шул янги замон достонлариdir.

ҲИКОЯ

Бир кимсанинг ҳолларини, бир воқеани тасвир этиб, «ривоя» йусунли ёзилған асарларга ҳикоя дейиладир.

Ҳикоя ўз қаҳрамонининг руҳий ҳолларини очиб берадир; тирикчилигимизда бўлуб турғон кўб воқеаларнинг қоронғу пучмоқларини ойдинлатиб кўрсатадир; ёмонлиги тузуккина сезилмаган кўб одатларимизни бутун фожеъ натижалари билан гавдалантириб, ўзимизга кўрсатадир. Шунинг учун ҳикоя ҳаётда муҳим ўрин туладир. Чўлпоннинг «Қор қўйнида лола», «Ойдин кечаларда»си ҳаётимизнинг фожеъ лавҳаларини тасвир қилғани учун муҳим ҳикоялардандир. Абдулла Қодирийнинг «Тинч иши», «Улоқда»си адабиётимиздоғи гўзал ҳикоя намуналаридир. Шоир Элбекнинг «Қўшчи Турғун»и узун ҳикоядир.

РўМОН

Ҳаётнинг белгили бир даврини кенг суратда тасвир этиб ёзилғон асарга «рўмон» дейиладир. Достонда қаҳрамоннинг қилғон улуғ, «фавқулодда» ишлари тасвир этиладир.

117 Ҳикояда бир воқеа, бир-икки киши, ҳаётнинг биргина ҳодисаси бутун ингичкалиги билан очиладир. Рўмонларда эса асарнинг қаҳрамони, ё қаҳрамонлари қайси замонда, қайси муҳитда, қайси жамиятда яшаган бўлсалар, шуларнинг урф-одат, қонун, тилак, ҳавас, орзу, камчилик, ахлоқ, эътиқодлари ингичка, ҳам кенг суратда тасвир этилайдир.

Томоша асарларида кўрганимиз «тўлалик, бирлик, тўғрилик» каби шартларнинг рўмон билан ҳикояда ҳам бўлишлари лозимдир.

Ривоя асарлари орасида энг муҳим ўрун рўмонларга берилгандир; бироқ адабиётнинг энг оғир, энг қийин шўъбаси ҳам рўмон ёзмоқдир. Бизнинг адабиётда Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар»идан бошқа рўмон ҳали майдонга чиқмағандир.

АДАБИЁТДА ОҚИМ ИСТИЛОҲЛАРИ

118

Класситсизм, тақлидий класситсизм. Сохта класситсизм. Ратсионализм. Сентиментализм. Рўмантизм. Симвўлизм. Мўдернизм. Реализм. Натурализм. Футуризм.

Класситсизм: милоддан бурун машҳур бир юон танқидчиси¹¹⁸ томонидан юон шоирлари, ҳам аларнинг асарлари текширилиб, танқид этилиб, даражалар-

га ажралган. Мана шул вақтда даражаларга ажралған шоирларга «классик» шоирлар, асарларига-да классик аса^ллар дейилгандын, бошқаларга ўрнак бўларлик «мумтоз» асарлар демакдир. Сўнгларлар бу атама бутун адабиёт дунёсига умумий бир атама шаклида қабул этилган, ҳар миллатнинг адабиётида бўлған мумтоз асарларга, мумтоз шоирларга «классик» дейишган. Форс адабиётида Саъдийнинг «Гулистон»и, Фирдавсийнинг «Шоҳнома»си, Низомийнинг «Хамса»си классик асарлардан. Ўзлари-да классик шоирлар саналадирлар.

Тақлидий класситсизм: классик асарларни тақлид қилиб ёзилғон асарларга «тақлидий классик асарлар» дейиладир. Форс классикларидан Низомийнинг «Хамса»сини тақлид қилиб ёзилған Навоийнинг «Хамса»си, форс классик девонларини тақлид қилиб ёзилған шеър девонларимиз тақлидий классик асарлар саналадирлар.

119 Сохта класситсизм: юоннинг класситсизм даври милоддан бурун эди. Онинг асарлари милоддан бурунги Юнонистоннинг ҳаёт, табият, ахлоқ, иқтиносидий вазияти таъсири остида майдонга чиққан эди. Ондағи таъбирлар, сўзлар, атамалар, сифатлаш ҳам ўхшатишлиарнинг ҳаммаси шул милоддан бурунги юон ҳаётининг юмушлари эдилар. Милоддан 15 асрдан кейин Оврупонинг турли ўринларида шул юон классик асарларини тақлид қилиш ҳаваси уйғонадир. Улар ўз ҳаётларидаги воқеаларни милоддан бурунги шаклларда ифода қилмоққа тиришканлар. Ҳеч тушунмай, ўламай, орадаги 15—16 асрлик бир замон айрмасини ҳисобқа олмай, юон классикларини тақлид қила берганлар. Мана шуларнинг асарларига «сохта класситсизм» асарлари дейилган. Бизда ҳам Эрон адабиётини ўламасдан тақлид қилиб майдонга чиқарилған «сохта классик» асарлар кўбдир.

120 Ратсионализм: бу ҳар масъалада, ҳар хусусда ақлни устун кўрган, ақлға жуда юқори ўрун берган бир фалсафа (ақлийун фалсафаси)нинг атамасидир. Адабиётда ҳам шул фалсафага бойланиб, ҳалқни оқартиш, одамларга фикрий тарбия беришни асос қилиб олғон адаб-шоирларга шул атама берилгандир. Бу оқимдаги асарнинг энг очиқ намуналари бурунги турк адабиётида Юсуф Хос Ҳожибининг «Қутадғу билик»и, Ахмад бинни Маҳмуднинг «Ҳибатул ҳақойиқ»идир. Бизнинг чи-

120 ғатой-ўзбек адабиётида Навоий ҳам ӯзининг «Маҳ-
бубул қулуб», Ҳайратул аброр» каби асарлари
билан бу оқимга хизмат қилған. Сүфи Оллоёр,
Аҳмад Яссавий каби шоирларимизга келганда бу-
лар «диний оқартиш» шоирларидирлар. Буларга
ҳар нарсадан юқори, устун бўлған ақл эмас, дин-
дир! Оқартиш оқимининг очиқ ўрнаклари бизнинг
«жадидизм» давримизнинг адаб-шоирлари бўлған
Беҳбудий, Авлоний, Тавалло, Ҳожи Мўйинлардир.

Сентиментализм: бу ақлийон оқимига қар-
шу бўлған фалсафа (ҳиссиюн фалсафаси) оқимининг
атамасидир, мана шул фалсафа оқимига ёношқон ада-
бий оқим «сентиментализм» оқимиdir, бу оқимдағи
шоир-адиблар бу жисмоний, моддий дунёмиздан бош-
қа маънавий, руҳоний бир дунёнинг борлиғига ишона-
дир. Қўзимиз олдида оп-очиқ, яп-яланғоч турған мана
шул моддий ҳақиқатдан бошқа бир маънавий ҳақиқат
бор деб ўйладидир. Бироқ, «қани бу ҳақиқат?! «қани бу
маънавий олам?» десангиз!»

— Унга ақл билан, фан билан, тажриба билан эри-
шиб бўлмайдир. Унга бирдан бир йўл-туйғудир, ҳисдир,
дейнладир. «Улар гумон қиладирларким, доҳий шоир-
лар ва санъаткорларда бу маънавий оламга қараб
қўрмак истеъдоди каттадир. Мана шу истеъдод кўма-
тида улар баъзи ҳақиқатларни ақлға, илмга қараганда
бурунроқ хабар берадирлар». Кўриладирким, бу оқим
асос эътибори билан рўмонтизм оқимининг ўртоғидир.
Бизнинг адабиётда бу оқимининг намояндалари тасав-
вуф маслакида бўлған шоирлардир. Энг буюк тасав-
вуфчи шоирларимиз Аҳмад Яссавийни шу оқимнинг ки-
шиси деб кўрсатмак мумкиндири.

121 Рўмонтизм: санъат ҳар турли қайддан озод-
дир деган; кўнгил, туйғуни онгдан, тажрибадан
юқори тутқон, идеализм кетидан югурган адабий
бир оқимдир. Бу оқимдағи шоир-адибларнинг
фикрларига кўра шеър фалсафа билан диннинг
аралашмасидан иборатдир. Булар ҳам маънавий
олам, ички дунёларга ишонадирлар, ўзларини се-
вадирлар, ўз туйғуларига энг катта аҳамият бера-
дирлар. Бизнинг инқилобча адабиётимиз бошдан-
оёғ бир рўмонтизм тенгизидир. Рўмонтик форс
адабиётидан озуқланиб, шунга эргашиб борғон чи-
ғатой-ўзбек шоирларимизнинг ҳамалари рўмон-
тизм оқимининг кишилари. Уларнинг бошқа ада-

бий оқимларга асар беришлари ёлғуз шу оқимға бир-ики асар бермак учунгина бўлган. Асл санъатларини, туб ҳунарларини эса рўмонтизм майдонида кўрсатканлар. Янги шоирларимиздан рўмонтизмнинг улуғ намояндаси Чўлпондир.

Р е а л и з м: турмушни, ҳаётни бўлғани каби, ҳаёл бўёвлари билан бўяған адабий оқимға реализм (ҳақиқийлик) дейиладир. Бу оқим шоирларининг асос йўллари ҳаётни, турмушни бутун инкичкаликлари билан ўрганиб ўргатишидир.

Бизнинг янги адабимиз «Боту» ҳам унинг ўртоқлари билан бирга рўмонтизмдан қутулиб, реализм майдонига кирмақдадир.

С и м в о л и з м: рамзчилик демакдир. Бизнинг тасаввуфчи шоирларимиз орасида бу оқим жуда мақбул эди. Форсий тасаввуф адабиётидағи рамзчилик бизнинг сўфий шоирларимиз томонидан айрим қабул этилган. Уларнинг айтканича шароб, ишқ, муҳаббат ҳам маърифатнинг рамзи. Шароб бергучи (соқий) тасаввуфдағи пир-устоднинг рамзи бўладир. Булардан бири «мен бу кечга соқий қўлидан бир пиёла май ичдим» деса, унинг бу сўзидан «мен пиримдан маслакимизға оид янги бир нарса «ўргандим» фикрини онглаш керак. «Символист»лар асос-эътибори билан рўмонтизм оқимининг кишилари дидирлар.

М ў д е р н и з м: бу оқим янги рўмонтизм оқими дири. Бу оқим ижтимоий ҳаракатларга, фанний тушунишга қарши бир оқимдир.

Н а т у р а л и з м: бу оқим реализмдан айрилган бир оқим кабидир, реализм оқими ҳаётни, турмушни тасвир этишкага берилса, бу оқим ёлғуз табиатнингина, онинг яхши ўрмонларини, юксак тоғларини, оқар сувларинингина тасвир этишкага бериладир.

Ф у т у р и з м: бу оқим йигирманчи асрнинг бошларида Италиядага майдонга чиққан бир оқимдир, футуристларнинг асослари ҳаракат ҳам тезликдир. Булар янги гўзаллик, машина гўзалликларини мақтайлар. Вазнида озодлик тарафдори бўлған футуристлар жумла тузишни ҳам «наҳв» қоидаларидан «озод қилмоқ» истайлар. Сифатлар, тиниш белгилари, кўмакчи сўзларни ишлатмайлар. Феълларни ҳеч ишлатмайлар, феъл ўрнида «иш исмлари»дан «ёзиш», «ўқуш», «келиш...» кабиларнингина ишлатадилар. Шеърда рақам ишлатмакни мақбул кўрадирлар. Ўзларича янги сўзлар ясайдилар. Бизда бу оқимнинг намояндаси Олтойдир.

ИЗОҲЛАР

Абдурауф Фитратнинг «Адабиёт қоидалари» қўлланмаси 1926 йили ислоҳ қилинган араб алифбоси асосидаги ўзбек ёзувида чоп этилган. Муаллиф тил ва услубини, қолаверса, ўша давр тил хусусиятларни матнда тўла сақлаш ниятида қўлланма аслича қолдирилди. Ҳатто тиниш белгиларида ҳам Фитрат қандай ёзган бўлса, шу ҳолатни сақлашга интилил. Айрим ўринлардагина (сўзнинг маъносига кескин таъсир этиши мумкин бўлган ҳолларда) жузъий ўзгартиришлар киритилди, тушиб қолган тиниш белгилари (асосан, вергул) тўлдирилди, лозим бўлганда «вергул» (,) «тире» (—) билан алмаштирилди. Атоқли отлар, айниқса, киши исмлари ўша даврдаги тартиб бўйича «қўштириноқ» ичida бериладики, буни китобхонлар маъзур тутарлар.

1. Ёҳши — асл нусхадаги «ё» лашув шакли сақланди. Бу туркча сўз кўп манбаларда шундай қўлланилган. Унинг зидди бўлган «ёмон»га қиёс қилиш мумкин.

2. Тобоқчилик — сўзнинг ўзаги саналган «това» идиш дегани, «тобоқ» шундан олинган. «Тобоқчилик» деганда муаллиф кулочиликни назарда тутаётган бўлиши эҳтимолга яқин. Шунингдек, «тобоқ» сўзнинг доира (мусиқа асбоби) маъноси ҳам бор.

3. «Ироқ» куйи — шашмақом тизимидағи олти мақомнинг номидир. У қўйидаги шуъбачаларни ўз ичига олади: Мухайири сафти; Таъқин; Қашқарча; Соқинома; Уфор; Ироқ катта уфори. Бу ҳақда муфассал маълумот учун қаранг: Фитрат. Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи. Тошкент — Самарқанд, 1927, 34—35- бетлар.

4. Муға ҳаракатлари — имо, қош ва кўз ҳаракатлари, мимика; муқом қилмоқ шу сўздан олинган.

5. Ҳозирги замон адабиётшунослигига ҳам Фитрат кўрсатган «Гўзал санъатлар»нинг бу турлари ва туркумлари сақланган. Фақат бу олти тур санъатнинг тасвирий турлари ҳисобланиб, улар, ўз навбатида, Фитрат кўрсатганидек, икки туркумга ажралади: «экспресив» ва «синкетик».

6. Сенинг ақиданг: ёруғлик, яқинлик ва маҳбубдир.

7. Таълиф (қилиш) — ижод қилиш, асар ёзиш (Алишер Навоий асарлари тишининг изоҳли лугати, III жилд, Тошкент, 1984, 208- бет).

8. Тартиб — асарнинг сюжети, воқеалар силсиласи.

9. Ифода — асарнинг шакли.

10. Алифбе тартибда белгиланадиган тартиб а, б, в тарзида эмас, балки араб алифбоси тартибда келяпти. Фақат «те» ва «се» ҳарфлари ўз ёзув шаклига кўра «бे»га шаклдош бўлгани учун (нуқталари билангина фарқ қиласди)) «жим», яъни ж) тартибда белгиланиш қабул қилинган.

11. Ифбот — ҳаддан ошиш, чегарадан ташқари чиқиш (Анатил, II жилд, 63- бет).

12. «каммор уйёни ахбор ав ноқилони осор андок ривоят қи-

Саҳифа тагидаги изоҳлар Фитрат қаламига мансуб.

лурларким»— анъанавий Шарқ насирида (асосан, форсларда) ҳикоя қилишнинг бошлиномаси. «Ҳабар берувчиларниң ундаши билан асар ривоят қилувчилари (айтувчилари) шундай айтадиларки...»— деб таржима қилиш мумкин.

13. Хисрав — форсигүй турк шоири Амир Хисрав Дәхлавий ва унинг «Хамса»сига кирган «Лайли ва Мажнун» достони назарда тутиляпти.

14. Таржиъ — қайтариш, такрорлаш, қайтариқ (Анатил, III, 187-бет).

15. Маълумки, Фитрат бўйича «Навойй» эмас, балки «Навойй». ёзилади. Лекин, бу сўзнинг ҳозирги шакли сақланди.

16. Чўлпоннинг «Кетганингда» номли шеъри. Сарлавҳа остида «Клепатрага» деган изоҳ бор. 1922 йилда ёзилган бу шеър Чўлпоннинг «Яна олдим созимни» китобида қайта нашр қилинган. Қаранг: «Чўлпон. Яна олдим созимни. Тошкент, 1991, 441-бет.

17. «Мажолис»— Алишер Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» асари назарда тутилган.

18. Соҷим-тизим — Фитратда назм ва наср атамалари шундай туркӣ истилоҳ билан бериладики, бунинг адабиётшуносликдаги аҳамияти катта.

19. «Ҳижрий тўртинчи аср»— милодий X—XI асрларга тўғрикелади.

20. «Ҳижрий тўққизинчи аср»— милодий XV асрdir.

21. Бу мисра Навоий асарларининг кейинги нашрларида «Қазо фарроши чекти субҳнинг сиймин супургисин» деб берилган. (Қиёслаш учун қаранг: Алишер Навоий. Ҳазойин ул-маоний. Навоидир уш-шабоб. Тошкент, 1959, 610-бет ва Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 4- жилд. Тошкент, 1989, 437-бет). Бизнингча, мазмун ва вазни нуқтаи назаридан Фитратдаги мисра асосий матнга якин туради. Бироқ Фитратда ушбу байтдан кейингиси

«Китоба сунъи қилки сувари шамс тафсири,

Фалак тоқи ҳавошисида зарҳалдин рақам чекти»

байти тушиб қолган. Бу каби «тушиб қолиш ва тўлдириш»лар Навоий асарларининг турли нашрларида турлича учрайди.

22. Навоийдан келтирилган бу наср парчаси буюк шоирнинг «Маҳбубул қулуб» асаридан олинган. Қаранг: Навоий. Асарлар. XV жилдлик. 13- жилд, 23- бет.

23. Бобурнинг бу ғазали кейинги нашрлар (қиёслаш учун қаранг: Бобур. Таъланган асарлар. Тошкент, 1958, 120-бет)да айрим ўзгаришларга учраган. Ҳусусан, 2- ва 3- байтларнинг 1- мисраси айнидир. Бу каби матн хатоликларини тўғрилашда Фитрат келтирган парчалар асқотиши мумкин.

24. «Бобурнома»дан олинган бу парча бир шоирнинг наср ва назмда (Фитратчасига айтганда «соҷим» ва «тизим»да)ги асарларининг услубий хусусиятларини тушунтириш учун келтирилган.

25. Фитрат бу мисолларни турли даврда яшаган шоирлар ижодидаги мавзудош асарларда услубий ўзига хосликни кузатиш учун келтирган. Амир Умархондан олинган бу ғазали Бобурнинг юқоридаги ғазали билан қиёслашни зукко ўқувчилар ҳукмига ҳавола қилган ҳолда, биз нашрдаги айрим тафовутларни келтириш билан чекланамиз: Фитрат келтирган

«Ким сенга Лаълидин айру тушкани жон қолдиму?»
мисраси кейинги нашрда (Амирий, Девон, Тошкент «Фан», 1972. Нашрга тайёрловчи М. Қодирова) шундай берилган.

«Ким менго лаълидин айру тушгали жон қолдиму?»

Бизнингча, Фитрат келтирган мисранинг мазмуни ҳақиқатга яқин келади. Чунки, аввалги мисрада «сен»нинг аҳволи баён этилгач, кейин мазмун «мен»га кўчади ва англашилади, бу ерда ошик шониринг кўнгли «сунбул» воситаси билан баён этилган. Бироқ, Фитрат келтирган парчанинг мақтаъсидан аввалги байт тушб қолган. Тўла тасаввур учун ўша байтни келтирамиз:

Нисбати ўйқ мен билан Фарҳод ила Мажнунниким,
Ишқида мен кезмаган тоғу биёбон қолдиму?—

Амирий. Девон. Тошкент, 1972, 213-бет. Девоннинг қўлёзма нусхасида Умархон деб ёзилганига қарамай, бу нашр Амирий номи билан эълон қилинган.

26. Чўлпоннинг «Тола йўлларида» шеъри «Маориф ва ўқитувчи» журналининг 1925 йил 5–6-сонларида босилган. Бу шеър нисбатан мукаммал нашрлардан бирида (1991 йил, «Яна олдим созими» номи остида) анча хатоликлар билан босилган.

27. Фитрат айни бир ижодкорнинг наср ва назмдаги услугубий жиҳатлари уйуналигини ва шу билан баробар адабий жинснинг табларидан келиб чиқиб, ўша фикри баён қилиш шакл ва усулларининг ҳар хиллигини кўрсатиш учун Чўлпоннинг «йўл кечинмалари» мавзусидаги асарларини келтирган. Бу насрый парча унинг «Қор қўйнида лола» ҳикоясидан олингандир.

28. Бу шеър Элбек қаламига мансуб бўлиб, дастлаб «Ўзбек ёш шоирлари» (Тошкент, 1922) тўпламида чоп этилган.

29. Урнаклар — намуналар.

30. Бу парча ҳам Чўлпоннинг «Қор қўйнида лола» ҳикоясидан олинган.

31. Ботунинг бу шеъри 1982 йили унинг «Ёз куни» шеърлар китобида (нашрга тайёрловчи С. Мамажонов) нашр қилинган.

32. Бизнингча, Фитратнинг бу фикрида бир оз янглиш бор. Чунки, ҳар қандай иккни мисрани ҳам байт деб бўлмайди, асарда уларнинг ўзаро фикрий боғлиқлиги, қофияси (шаклан) ва ритмикаси бўлади. Ботунинг бу шеъри «уччик» тарзида ёзилган, шунинг учун ҳам Фитрат домланинг «Олти мисраъда уч байт бор» дейиши умуман, тўғри бўлса ҳам, бу шеърга нисбатан тўғри айтилмаган.

33. Босим — ургу.

34. Асл матнда мана шундай «Пармоқ» шаклида, яъни жарангли «б» товушининг «п» жарангиз шакли қўлланилган. Шунинг учун ҳам асл матннаги «пармоқ» шакли сақланди.

35. «Мадд»—чўзилик, бирор унли товушни чўзиб айтиш. Бу ерда сўз араб унлиларининг талаффузинга асосланган аруз белгилари ҳақида кетяпти.

36. «Харф» ўрнига «товуш» дейилса тўғрироқ бўларди.

37. Чўзғи — унли товуш.

38. Ботунинг бу шеъри ҳам илк бор «Ўзбек ёш шоирлари» тўпламида чоп этилган.

39. Эл сўзи — мақол ёки ҳикматли сўзлар шундай ном билан аталади. Уз навбатида ҳалқ оғзаки адабиётига ҳам эл адабиёти, омма адабиёти номлари берилган.

40. Ботунинг бу шеъри ҳам «Ёз куни» тўпламида эълон қилинган.

41. Чўлпоннинг бу шеъри 1922 йили чоп этилган «Ўзбек ёш шоирлари» мажмуасидан.

42. Бу парча мусулмон халқ қитобларидан бирин «Қиссаи Зайнуллараб» достонидан олинган.

43. Ботунинг бу шеъри ҳам 1982 йили «Ёз куни» китобида чоп этилган.

44. (?) муаллифи номаълум асарларга Фитрат шундай белги қўйган.

45. (Ф.) белгиси остида эса, Фигратнинг ўз шеърлари берилган. Айрим парчаларда эса, ҳар икки белги ҳам учрамайди. Уларнинг айримлари халқ оғзаки ижоди намуналари бўлса ҳам, «Эл сўзи» тушунтириши ҳам учрамайди. Бизнингча, имзосиз келтирилган бу сатрлар айрим назарий тушунчаларнинг ифодаси учун шу ўринда мисол тариқасида ўйлаб топилган.

46. Яссавий «Ҳикматлар»идан олинган бу парчанинг тўла матни асарнинг кейинги нашрларида келтирилган.

47. Бу шеър ҳам «Ёз куни» тўпламида чоп қилинган.

48. (Ф.) белгисини биз қўйдик. Парча Фигратнинг «Миррих юлдузига» шеъридан олинган.

49. «Адабиёт қоидалари» китобининг ниҳоясида янгилик ёзилган сўзларнинг жадвали берилган бўлиб, унга кўра, бу сўз «мағоғийлур» деб тўғриланган. Биз бу ўринда муқояса учун (бундан кейин ҳам) ҳар икки сўзни келтиришни лозим кўрдик.

50. Бу парча Бобурнинг «Гаҳи соғин не бўлди зорларни...» деб бошланувчи ғазалининг 2-байтидир. Ғазалнинг тўла матни учун қаранг: Бобур. Танланган асарлар. Тошкент, 1958, 51-бет.

51. Фиграт бу қўлланимада ва кейинроқ яратилган «Аруз ҳақида» (1936) рисоласида арузшунослидаги баҳр тушунчасига аниклик киритиб, уларнинг 16 таси араб, кейинги 3 таси эса, форс адабиётидан қўшилганини айтади. Ҳолбуки, Навоий ва Бобурда ҳам бу аниқ тасниф учрамайди.

52. Бобуршоҳ ўз рисоласида: «Яна икки баҳрким, Арид ва Амиқдур, тавил доирасидан ҳосил бўлур, ул гайри машҳурдур. Бу баҳрлар билан жамиъ бўлур йигирма бир бўлгай» деб яна ҳам чуқурроқ тушунтирилган. Қаранг: Бобур, Мухтасар. Тошкент, 1971, 24-бет.

53. Бу ғазалнинг тўла матни ушбу манбада келтирилган: Хусайн Бойқаро. Девон, рисола. Тошкент, 1968, 17-бет.

54. Матлаъи намуна учун келтирилган бу ғазални тўла ҳолда ушбу манбадан ўқиш мумкин: Бобур. Танланган асарлар. Тошкент, 1958, 58-бет.

55. Бобурдан келтирилган бу парча «Соқи эрур ишрат чофи афсурда бўлма дай била» деб бошланувчи ғазалнинг 3-байтидир. Ғазалнинг тўла матни учун қаранг: Бобур. Танланган асарлар, 18-бет.

56. Келтирилаётган бу мисоллар биз солиширигаётган манбада учрамади. Таассуфки, Бобур асарларининг мукаммал нашри ҳозирча яратилгани йўқ. Бироқ айни шу жараёнда Фиграт асарларида келтирилган матнларни ҳам қиёслаб кўриш фойдадан холи бўлмайди.

57. Бу парча Бобурнинг «Олғали кўнглумни ул юз била ул гису» деб бошланувчи ғазалнинг 2-байтидир. 2-мисрадаги «юз тутсам» сўзи кейинги нашрларда «юзлансан» деб берилган. Бизнингча, кўп мисолларни Фиграт ёдаки келтирган. Шунинг учун ҳам айрим сўзлар алмашиб кетган. Қаранг: Бобур. Танланган асарлар. 122-бет.

58. Рубоийнинг кейинги нашрларида 3-мисрадаги «ҳеч» сўзи

«оҳ» деб ўзгартирилган. Солишириб кўринг: Бобур. Танланган асарлар, 130-бет ва Бобур. Рубойлар. Тошкент, 1961, 6-бет.

59. Бобурнинг бу матлаъли ғазали кейинги нашрларда бир оз ўзгартирилиб, 2-мисрадаги «бўлмиш» сўзи ўрнига «эрмиш» тарзида чоп қилинган. Бизнингча, Фитрат келтирган сўзлар аслига тўғри.

60. Бу парчанинг тўла матни ушбу манбада келтирилган: Бобур. Танланган асарлар, 66-бет.

61. Бу матлаънинг 1-мисраси кейинги нашларда «Хатинг аро узоринг» тарзида берилган. Солишириб кўринг: Бобур. Танланган асарлар, 23-бет.

62. 2-мисрадаги «юзни» сўзи айрим нашрларда «ўзни» тарзида берилади. Масалан, Бобур. Танланган асарлар, 85-бет.

63. Ушбу парча Навоийнинг «Касрнинг ҳар кунгири узра бало тошимудур?» деб бошланувчи ғазалига Умархон ёзган мухаммаснинг дастлабки икки мисрасидир. Қаранг: Амирий. Девон. Тошкент, 1972, 303-бет.

64. Бобурнинг ушбу ғазали Фитратда тўла ҳолда келтирилмаган. «Орзу...» деб бошланувчи 4-байти тушиб қолган. Асарни тўла ҳолда тасаввур қилиш Фитрат англатаетган фикрларни тушунишга ёрдам бериши учун уни келтирамиз:

Оразу қаддингни таъриф этсалар юз йил ҳануз,
Эй, юзи гул, сарв қад, юздин бири айтилмагай.—

Бобур. Танланган асарлар, 55-бет.

65. Бу сўзлар радиф эмас, қофиядир. Радиф эса, «яна» сўзи дир. Фитрат айтиётган таъриф ана ўша мисолга уйғун келади.

66. Навоийдан келтирилган бу ғазалнинг давомини ушбу манбадан кўриш мумкин. Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. 5-том, Тошкент, 1990, 307-бет.

67. Фитратнинг бу даъвосини тушуниш учун «Мухтасар»га мурожаат ётганимизда, Навоийга нисбатан Бобур бу масалада анча аниқликка эришганинг гувоҳи бўламиз: «...йигирма тўрт наъв келубтур, мажмуъи ўн вазндан мураккабдур». Қаранг: Бобур. Мухтасар. 55-бет.

68. Бу рубоий ҳам Бобурнинг қаламига мансуб. Қаранг: Бобур. Танланган асарлар, 148-бет.

69. Бу туюқнинг ҳар мисраси деярли барча нашрларда «дуурур» деб ниҳояланади. 3-мисрадаги «ўқин» ўрнига «новак» ишлатилганидан, Фитрат рубоийни ёдаки келтираётгани ҳақидаги юқоридаги тахминимиз аниқлашади.

70. Тажнис — ҳамжинс қилиш, шаклдош сўзларни қўллаш. (Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли лугати, III жилд, 161-бет). Бу санъат ҳақида Фитрат қўйироқда муфассал маълумот беради.

71. Мустазод сўзининг лугавий маъноси: «орттирилган»дир.

72. Навоийнинг бу мустазоди «Бадое ул васат»дан олинган. Мусаддасни ушбу манбадан тўла ўқиш мумкин: Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами, 5 жилд, 453-бет.

73. Бу мухаммаснинг давомини шу манбада ўқинг: Ҳусайн Бойқаро. Девон, рисола. Тошкент, 1968, 149-бет.

74. Таржиъбанд — бадиҳада муайян байтнинг бир хилда такрорланишидир. Қаранг: АНАТИЛ, III жилд, 197-бет.

75. Қаранг: Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами, 3 жилд, 513-бет.

76. Аввалги (73) мухаммаснинг давоми келтириляпти. Фитрат таржиъбанддан олинган машхур байтни изоҳлаш учун ўша таржиъбанднинг ўзини келтирган эди. Лекин бу мухаммас ҳам тўла келтирилаётгани йўқ. Унинг 5-, 6- бандлари тушиб қолган.

77. Таркиббанд — баҳр жиҳатдан бир хил, қофияси ҳар хил шеър бўлиб, ҳар банд орасига қофияси ўзга байт ҳам келтирилган бўлади. АНАТИЛ, III жиљд, 190- бет.

78. Ҳандаса — бу сўзни геометрия деб таржима қилишган бўлса ҳам, бу ерда инженерлик (касби) маъносида келяпти. Бу сўз асосида ясалган «муҳандис»га эътибор беринг.

69. Матлуб — талаб қилинган.

80. Элбек. Гўзал ёзғичлар. Туркистон давлат нашриёти, Тошкент, 1924, 75- бет.

81. Қарап белгиси — қаратқич келишигининг қўшимчаси, яъни белгили ҳолда ишлатилиши.

82. Очиқлиқ — аниқлик маъносида.

83. Услубнинг хусусий ҳоллари — ҳозирги адабиётшуносликда «бадиий тил воситалари» деб юритилади. Бизнингча, Фитрат қўллаган истилоҳ тушунчанинг моҳиятини аниқроқ ифодалайди.

84. Парча Фитратнинг «Қор» шеъридан олинган. Шеър илк бор «Учқунах журналининг 1923 йил 2-сонидаги эълон қилинган.

85. Фитрат томонидан нозиклик билан кузатилган бу «тўрт» унсур» ўзбек адабиётшунослигига кўп қўлланилган бўлса ҳам, муаллифларнинг њеч бири уни Фитрат асаридан олинганини қайд этмаган. Умуман, ҳозирги адабиётшунослик Фитратдан кўп нарса ўзлаштирган... Ҳозирча, қиёслаш учун манба келтириш билан чекланамиз: X. Ҳомидий ва бошқалар. Адабиётшунослик терминлари лугати. Тошкент, 1970, 263- бет ва А. Зуннунов, Н. Ҳотамов. Адабиёт назариясидан қўлланма, Тошкент, 1978, 87- бет.

86. Истиора — луғавий маъноси «омонат» бўлиб, адабий истилоҳ сифати ҳозирги филология фанларига ўзлашиб кетган «метафора» сўзининг туркча атамасидир.

87. Қарап истиораси форсий тилда изофанинг вазифаларидан бири — қаратқич билан қаралмишин ўзаро боғлашдир. Бу ўринда «истиора»ни «изофий биринчма»ларга асосланиб, қаратқичли метафора маъносида қабул қишли мумкин. Тилшунослик нуқтаи назаридан айтганда, бу гапдаги вазифасига кўра — сифатловчи-аниқловчидир.

88. Таъриз — луғавий маъноси: намойиш этиш, кўрсатищир.

89. Бу мисра «Шайбонийнома»нинг бизга маълум нашрида шундай берилган:

Отларнинг семизин сайладилар.

Қаранг: Муҳаммад Солиҳ. Шайбонийнома. Тошкент, 1980 /нашрга тайёрловчи Э. Шодиев/, 289—290- бетлар.

90. Бу икки нашр ўртасида айrim номувофиқликлар бор. Юқоридаги нашрда бу икки байтнинг ўрни алмашиб қолган. Фитрат келтирган сўнгги байт эса, кейинги бобга таалуқли.

91. Бу парча «Бибихоним мадрасаси» шеъридан олинган. Асар дастлаб «Маориф ва ўқитувчи»нинг 1925 йил, 4-сонида босилган.

92. Чўлпон. Тола ўйларида. Бу шеърнинг кейинги нашрларида анча ўзгаришлар борлиги учун дастлабки манбани асос сифатида келтирамиз: «Маориф ва ўқитувчи», 1925, 5—6-сон.

93. Жонлантириш санъатига мисол қилиб келтирилган бу парча Навоийнинг «Лайли ва Мажнун» достонининг кейинги нашрла-

рида ҳам бор. Фақат унда жузъий хатоликлар мавжуд. Фитрат келтирган парчада эса, икки байт тушириб қолдирилган.

94. Чўлпоннинг бу шеъри турли нашрларда айрим ўзгаришлар билан чоп этилгани учун асос сифатида дастлабки манбани келтирамиз: Чўлпон. Уйғониш. Тошкент, 1922, «Мен ва бошқалар» шеъри.

95. Тагорнинг «Суба» ҳикояси илк бор Чўлпон таржимасида 1925 йил «Маориф ва ўқитфувчи» журнолининг 9—10-сонида эълон қилинган.

96. Катиъ — кесилган, бирор бўллаги ёки узви кесилган.

97. Бу матлаънинг давоми учун қаранг: Бобур. Танланган асарлар, 46-бет.

98. Бу байтнинг бошқа нашрида «ичу тошим» ўрнига «ичим, тошим» деб берилган: Бобур. Танланган асарлар, 69-бет.

99. Лаффу нашр — сўзма-сўз таржимаси: лафф — турмаклаш, нашр — ёйиш.

100. Амир Умархондан келтирилган парча жузъий ўзгартириш билан берилган. Солишириш учун қаранг: Амирий. Девон, 149-бет.

101. Алишер Навоий. Маҳбубул қулуб. Асарлар. XV жилдлик, 13-жилд, 7-бет.

102. Амирий «Девон»нинг лебочасидан олинган бу парча кейинги нашрда хато босилган, яъни «... муфлислар ғами» бирикмаси тушиб қолган (қаранг: Амирий. Девон, 19-бет). Ҳолбуки, Фитрат сажъга мисол тариқасида «ғами» ва «кафи» сўзларини келтироқда эди.

103. «Алпомиши» достонининг Фозил Йўлдош ўғлидан ёзиб олиб, қайта ишланган нашрида (Алпомиши. III нашри, 1958. Қайта ишлаб нашрга тайёрловчи Ҳамид Олимжон, бу парча ичидан бийлар номидан яна бир самарасиз жумла келтирилади. Бу ўзгаришнинг аҳамиятсизлигини тушунган бўлса керакки, нашрга тайёрловчи (Ҳамид Олимжон) кейинроқ яна такороран «отини ушламади» бирикмасини келтиради. Бизнингча, Фитратдаги матн достон услубига яқин келади.

104. Ушбу парчанинг давоми саналган 2-жумла ҳам кейинги нашрда тушиб қолган. Демак, Фитрат сажъга мисол тариқасида келтироқчи бўлган мисоллар ҳам бу нашрда учрамайди.

105. Алишер Навоийнинг «Муфрадот» асари назарда тутиляпти.

106. В. Маҳмуднинг бу сўзлари унинг «Навоийгача бўлган турк адабиёти» мақоласидан олинган. Мақола «В. М.» имзоли билан «Маориф ва ўқитфувчи» журналининг 1926 йил, 1-сонида босилган.

107. Бу парча ҳам юқоридаги мақоладан.

108. Зумра — тўда, гуруҳ. «Бир гуруҳ адиллар» маъносида ишлатилган.

109. Фитрат «Адабиёт қоидалари»да Фози Олим томонидан ёзиб олингани варианта асосланади ва бундан йирик бир парчани ўзининг «Ўзбек адабиёти намуналари»да эълон қиласди. (Фитрат. Ўзбек адабиёти намуналари. I жилд. Тошкент. Ўзбекистон матбаа ишлари шуъбасининг биринчи матбааси, 1928, 33-40-бетлар). Фози Олим томонидан нашрга тайёрланган нусха билан 1958 йилги Ҳамид Олимжон нашрини қиёсан ўрганиш фольклор тадқиқотчилари учун аризирли манба бўлиши мумкин.

110. Бу ерда янгилик босилган. Бизнингча, «тирик қўлга мол етар» эмас, балки «тирик қўл молга етар» бўлиши керак.

111. Шеърий ижод — бу ерда назм, маъносида эмас, умуман, поэтик ижод маъносида ишлатилган. Фитрат «назм» ўрнига «тизим» ишлататайтганини унутманг.

112. Бу ерда ҳам янглиш кетган: «воқеадаги хаёлдан» эмас, «хаёлдаги воқеадан» деса тўғрироқ бўлади.

113. Ёй ишорати оталгои ишоратлар орасида — қавс ичида демоқчи.

114. Бирлик — яхлитлик, бадий бутунлик маъносида қўлланилган.

115. Туб тилак — асардаги асосий ёки бош фоя.

116. Хафт манзар — «Сабъаи сайёр» назарда тутиляпти.

117. Искандарнома — Навоийнинг «Садди Искандарий» достоини ҳақида фикр кетяпти.

118. Арастунинг «Шеър санъати» асари назарда тутилган.

МУНДАРИЖА

Профессор А. Фитратнинг назарий қўлланмаси	3
Санъат	20
Адабиёт :	21
Шеър	22
Ёзиш қоидалари	23
Мавзӯ : : : : .	24
Мундарижа	24
Тартиб	25
Услуг	26
Сочим, тизим : : : : : .	33
Пармоқ вазни	35
Аруз : : : : : .	38
Арузнинг бизнинг тилга ёрамоғонлиги	45
Кофия	48
Форс-араб арузида тизим шакллари	49
Услубнинг умумий, хусусий ҳоллари	55
Услубнинг хусусий ҳоллари	62
Сўз ўйинлари	76
Эл адабиёти : : : : .	81
Лапар	89
Топишмоқ	90
Мақол	91
Адабий асарларнинг турлари	91
Адабиётда оқим истилоҳлари	98
Изоҳлар	102

АБДУРАУФ ФИТРАТ

АДАБИЁТ ҚОЙДАЛАРИ

*Адабиёт муаллимлари ҳам адабиёт
хавасиллари учун қўлланма*

Тошкент «Ўқитувчи» 1995

ИБ 6534

Таҳририёт мудири *Ҳ. Нуруллаев*
Муҳаррир *И. Файзуллаева*

Мусаввир

Техн. муҳаррир *С. Турсунова*
Мусаҳҳиҳа *Д. Насриддинова*

Теришга берилди 21. 12. 94. Босишга рухсат этилди 17. 02. 95. Формати
 $84 \times 108/32$. Тип қозози. Кегли 10 шпонсиз. Литературная гарнитураси.
Юқори босма усулида босилди. Шартли б. л. 5,88. Шартли кр.-отт.
6,09. Нашр. л. 5,88. 10000 нусхада. Буюртма № 4.

«Ўқитувчи» нашриёти. Тошкент, 129. ул. Навоий, 30. Шартнома 13—59—94.
Ўзбекистон Давлат қўмитасининг Янгийўл ижара китоб фабрикаси.
Янгийўл ш. Самарқанд кўчаси, 44. 1995.

Фитрат Абдурауф.

Ф 71

Адабиёт қоидалари: Адабиёт музалимлари
жам адабиёт ҳаваслилари учун (Нашрға тайёр-
ловчи сўз боши ва изоҳлар музалифи Ҳ. Бол-
табоев).— Т.: Ўқитувчи, 1995.— 112 б.

83. ЗУЗ